R 496
1-61/1
1972

# ГУЛИСТОН

1
1972

А. ХОЛИҚОВ чизган.

# УФҚЛАР

Ҳар ўспирин чиққанда йўлга,
Янгидан кашф этар дунёни.
Тўғри келар, балки, шу йилга
Илк бор мардлик кўрсатиш они.

Қаҳрамон деб ном олиш учун
Ҳалок бўлиш шарт эмас унча.
Қимматроқдир халқимга бугун
Гуллаб, мева беролган ғунча.

Меваларни кўтариб баланд,
Қоматини ғурур-ла ростлар
Аёзни ўз нафаси билан
Эритишга қодир хассослар.

Қизғин деймиз ўтган ҳар дамни,
Йил гўёки оташ чархпалак.
Кўрмоқ учун ёруғ оламни,
Чарх тоқига юксалмоқ керак.

Дастурхонки, салмоқли йиллар
Самараси акс этар унда,
Ва истиқбол уфурган еллар
Утмиш билан баҳс этар унда.

Оғир эди ўтмиш. Бу гап — чин.
Аммо, унн этмайман таққир.
Чунки халқнинг асил тарихин
Ишчи, деҳқон яратган, ахир!

Аср оша келган кўсакдан
Тўқнибсанки, асрингга нарвон,
Шараф сенга, юксак-юксакдан
Уфққа кўз югуртган Инсон!

Гумбазларда жўшган тасвирлар
Қувнатса-да нигоҳни ҳамон,
Шараф сенга, янги қасрлар
Қураётган нозик таъб Инсон!

Шу боисдан, қутлуғ йилларни
Мадҳ этгали тизаркан назм,
Шонга буркаб фидойиларни,
Тирикларга қиламиз таъзим.

Бизлар дарров қолмасмиз қариб,
Келинг, юз йил даврон сурайлик,
Фарзандларнинг тўйин бошқариб
Невaралар бахтин кўрайлик!

Сўнг, эҳтимол, қариб кетармиз,
Лек изламанг бундан фожиа,—
Халқ қадди — тик, халқ юзи —
қирмиз,
Оқ қўнмагай халқнинг сочига!

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Яйранг энди: ягона, хушрўй,
Ҳур ватанни қучар кўзингиз:
Қалбда — тўлқин! Табиатда — тўй!
Тўйхонада — халқ ва ўзингиз!

Муҳими — халқ! Чунки ҳеч кимса
Қозон қурмас ўз қорнин ўйлаб.
Таомилки, бир эл тўй қилса,
Ош тортилар мамлакат бўйлаб.

Улуғ Ленин тавалудини
Нишонларкан жумлаи жаҳон,
Кўз-кўз қилиб бахтли юртини,
Ўзбеклар ҳам ёзди дастурхон.

Навоийдек мўътабар номлар
Забт айлагач етти иқлимни,
Олқишлайман, Ғафур Ғуломлар
Онажони бўлмиш элимни!

Келажакнинг тотли висолин
Кутар экан бағри нур чаман,
Кексаларнинг оппоқ соқолин
Табаррук деб кўзга суртаман!

Кунлар вагон янглиғ туташиб,
Йил аталмиш учқур поездда
«50» деган дастлабки, ажиб
Бекатга ҳам етамиз тезда.

Янги уйга кўчиб киргандай
Янги йилга ўтамиз енгил.
Юк босса-да кифтни хирмондай,
Узни қушдай сезади кўнгил,

Бунча кулгу, қўшиғу рақсни
Ер бир йўла кўрмас бошқа вақт.
Унут қилиб ғаразу баҳсни,
Бир-бирига тилар ҳамма бахт.

Доим шундай бўлсайди ҳаёт,
Қаримасди киши сира ҳам...
Сабаби бор ёшлар бўлса шод,—
Олдда кутар ишқ деган кўклам.

ГБ УзССР
НН 37556

Шодиёна.

Г. ГРАФКИН фотоси

Янги — 1972 йил ардоқли Ватанимиз СССРнинг шонли 50 йиллигига тайёрлик руҳида ўтади. Биз «Гулистон»нинг мана шу тантанали умумхалқ руҳига уйғун ва ҳамоҳанг бўлишига интилиб, бир неча махсус сонлар чиқармоқчимиз. Қўлингиздаги бу сон совет кишисининг энг азиз ва муқаддас туйғуси — Ватан ва ватанпарварлик мавзуига бағишланди.

Ғафур ҒУЛОМ

# Ҳаммасидан сен гўзал*

Жаҳонда нима кўп — гўзал жойлар кўп,
Товусининг паридай ранго-ранг, сўлим.
Ушқириб оқувчи ажиб сойлар кўп,
Бир ёғи ўрмону бир ёқ учурум.

Талай ўлкаларни кездим дарбадар,
Елкада хуржуну қўлимда таёқ.
Шундай заминлар бор, оддий қуми — зар,
Йил бўйи уч ҳосил бераркан тупроқ.

Писта, арғувон кўп афғон ерида,
Ножу арчаларга бурканган Ҳирот.
Бинафша дарахти ўру қирида,
Жўшқин ирмоқлари — бўй бермас бўз от.

Ажиб манзарага эга Қарачи,
Денгиз соҳиллари кўз илғамас кенг.
Бирор тепаликка чиқиб қара-чи,
Ер, денгиз, осмон туташ, теппа-тенг.

Деҳлида кирмаган кўчам қолмади,
Ажойиб, ғаройиб ҳар бир қадамда.
Тиззамда, кўзимда куч ҳам қолмади
Пайдарпай ҳайратлар чулғаган дамда.

Аграда учратдим киши ақлининг
Такрор бўлмайдиган мўъжизасини,
Тожмаҳал ерида кўргандай бўлдим
Гўзал Андижоним андозасини.

Қаерда бўлмадим!
Нилнинг бўйида
Абул ҳавл* олдида ҳайронликда мот.
Беш минг йил намоён киши ўйида,
Эҳромлар, эҳромлар, баҳайбат, ҳайҳот!

Румода муқаддас улуғ Петрнинг
Машҳур жомесини қилдим зиёрат.

Колизей майдони хотиралар-ла,
Спартак қалбларга берди ҳарорат.

Эйфель миноридан Парижни кўрдим,
Зеҳн сиғдиролмас эди ҳуснини.
Бир муддат Болқонда тентираб юрдим,
Қадамлаб ўлчадим эни-бўйини.

Ер ўғли эдим мен, шунинг учун ҳам
Бир пайт сайёҳликни қасд қилиб олдим.
Кўра-кўра чарчаб, ҳафсалам совиб,
Ниҳоят, Ватанга қайта йўл олдим.

Ҳамма кўрганимдан яхлит хулоса:
Туққан Ватан экан — жаҳонда гўзал!
Ўз юртим ерида унган ҳар майса,
Бегона юртларнинг гулидан афзал.

Зумуррад ҳавонгни тўйганча ютдим,
Ажойиб Ватаним, жоним Фарғона,
Водил сувларида бетимни ювдим,
Эҳ-ҳе, қанчалик кенг бизнинг замона!
1964 йил

---

* Шу номли шеърнинг бир қисми. (Автор эскартиши).

* Қоҳира яқинидаги одам бошли, арслон танали ҳайкал — Сфинксни араблар шундай деб атайдилар.

---

«Гулистон» гурунги

# ҲАМ ОЗ, ҲАМ КЎП

*Социалистик меҳнат қаҳрамони Шоймардон ҚУДРАТОВ — редакциямизда*

— Хуш келибсиз,— дедик атоқли механизаторга.

— Журналистлар даламизга тез-тез бориб туришади. Мана биз ҳам севимли журналимизнинг редакциясига келдик. Йўқлаган экансизлар, раҳмат.

— Икки йил аввал журналимизда ишларингиз тўғрисида батафсил ёзган эдик.

— Бурноғи йили ҳам ёзгансизлар:

Нега олқишлайди мени миллионлар,
Гангитиб қўяди ахир кишини.
Қандай кўтарайин, фақат биттаман,
Фақат минг кишининг қилдим ишини.

— Бу бир ҳазил эди-да.

— Ҳазил бўлса ҳам, анча ошириб айтилган бўлса ҳам, замирида катта ҳақиқат бор. Бироқ «Биттаман» деганларингга қўшилмайман. Мана бу йил...

— Уша йилдагидан ўзгариш каттами?

— Кўриб турибсизлар: 600 эди, 800 дан ошиб кетди.

— 810 тонна! Бу жаҳон рекорди! Айтишга осон. Ўзи осон бўлмагандир? Уйқу соатлари қисқариб, бола-чақа олдига боришлар камайиб, дегандек... Машина ҳаётни енгиллаштириши керак дейсиз. Бу ўринда зиддият борку, Шоймардон ака?

— Зиддият йўқ. Машина ҳақиқатан ҳам пахтакор ҳаётини енгил, маданий қилади, унинг вақтини тежайди, маънавий ҳаётини бойитишга имкон беради.

— Биламиз, 800 — бу рақамгина эмас. Бу катта маънавий юксалиш босқичи. Бу пахтакор ҳаётидаги сифат ўзгариши.

— Балли. Энди менинг шахсий қийинчиликларимга келсак, гап шундаки, мен бу тўрт қаторли азамат машинамизнинг имкониятларига қодир эканини исботламоқчи эдим.

— Исботладингиз ҳам: ҳар йил 100 тоннадан оширяпсиз. Бунинг чегараси бормикан, нима дейсиз?

— Бу машинанинг имкониятлари ҳали тугагани йўқ. Аммо гап шундаки, беш юзчи-олти юзчиларнинг сони кўпайиши керак. Чунки ҳаракат оммавийлашмаса, бир неча рекордчи муаммони ҳал қилолмайди.

— Чиндан ҳам, муаммо мураккаб. Ҳозирча пахтанинг 42 проценти машинада йиғиб олинди. Бу озми, кўпми, Шоймардон ака?

— Оз ҳам, кўп ҳам. Кўп деганимнинг маъноси шундаки, машинамиз тарихи ҳали узоқ эмас. Бу кунларни орзу қилиб руль ушлаганимизга 10—15 йилгина бўлди. Шундай бир қисқа муддатни ҳисобга олиб, инсоф билан айтсак — 42 процент катта ғалаба. Оз деганимнинг сабаби — янги беш йиллик охирида, хабарларингиз бор, пахтадан беш миллион тонна ҳосил кўтаришимиз керак. Буни фақат машина кучи билан бажариш мумкин. Машина терими энди жуда тез ривожланиб кетиши керак. Чунки бир томондан инженер-конструкторларимиз, ишчи дўстларимиз яхши тажриба орттирдилар. Иккинчидан, эндиликда машинага «йўл очиш»нинг кераги йўқ, машиналаримиз ўзининг зарурат эканини исботлади.

— Шоймардон ака, бир хусусий савол: кеча театрда ёш болалар сизни таниб келиб, гул тутишди. Шунда нималарни ўйладингиз?

— Очиғи, аввал, ҳаяжонланиб, ҳеч нимани ўйлай олмадим. Кейин, меҳмонхонага борганимда кўзимга уйқу келмади. Ўйлар бостириб келиб, чувалашиб кетди. Ўз болаларим ҳам кўз олдимга келаверди. Ҳа, буниси — шахсий гап. Мен бошқа гапни айтай: ўша гул тутган қизчаларнинг жажжи қўллари кўз ўнгимдан кетмади. Бу жажжи қўллар фақат гул терсин, қалам тутсин, дейман ўзимча. Аёзда пахта териб қийналган болаларни аввалларни кўп кўрганман-да. Яна бир нарсани айтай: партиямизнинг, мактабларимизнинг, ота-оналаримизнинг тарбиясига қойилман: меҳнат ва меҳнаткашнинг қадрига етиш, ҳурматлаш туйғуси бизда болаликдан дилга ўрнашиб қолади. Ўша болалар берган гул менга жуда катта мукофот бўлди.

— Вақтингизни олаётганимиз йўқми, самолётингиз нечада учади?

— Самолёт кетиб бўлди. Рухсат берсанглар, кейинги рейсда учаман.

Дондор меҳмон билан суҳбатимиз қувноқ кулги билан тугади.

СССР — 50

Ягона оилада

Николай МИХАЙЛОВ,
Горький мукофоти лауреати

# МЕНИНГ РОССИЯМ

Россия аввал бошданоқ кўп миллатли мамлакат сифатида қад кўтарди. Унда Октябрь революцияси арафасида юздан ортиқ катта ва кичик халқлар яшар эди.

Жаҳоннинг энг кўп сонли халқларидан бири бўлган рус халқи Россия аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этарди. Руслар мамлакатда 80 миллион кишидан иборат эди (1959 йилги аҳоли рўйхати бўйича СССРда 114 миллиондан зиёд, шу жумладан, РСФСРда 98 миллион киши бор эди. Ҳозир эса бу рақам 129 миллиондан ортиб кетди.) Илгари Дағистондаги арчи қавмининг барча аъзолари атиги бир овулга жойлашган эди. Командор оролларида яшовчи алеутлар салкам тўрт юз киши эди. Сахалиннинг шимолидаги айнлар эса бармоқ билан санарли даражада оз эди. Ҳа, Россия сони жиҳатидан ҳам, ҳуқуқ ва хўжалик соҳасида ҳам бирини иккинчисига тенглаштириб бўлмайдиган халқлар мамлакати эди. Миллатлараро муносабатлар эса ундан ҳам чигал эди...

Ҳали рус, Москва давлатчилигининг тонгидаёқ славянлар — вятичлар билан кривичлар — Рус ялангликларининг шимоли-шарқида яшовчи мордва, мари, коми, чуваш, карел, удмуртларнинг аждодлари билан ёнма-ён тотувликда, ўзаро бир-бирига таъсир этиб ҳаёт кечирар эдилар. Лекин славянларнинг қўшниларига таъсири нисбатан кучлироқ эди.

Қадимий Русь замонларидаёқ ҳозирги пайтда Совет Иттифоқида яшаб турган халқлар ўртасида дўстлик, қон-қардошлик алоқалари боғланган эди. Суздаль князи Андрей Боголюбскийнинг Грузиянинг қудратли маликаси Тамарага уйланган ўғли Георгий Арманистоннинг ўша даврдаги пойтахти Двин шаҳрини салжуқ туркларидан озод этган грузин-арман қўшинига бошчилик қилган эди. Кейинроқ эса кабарда қўшинлари русларнинг Дерпт (ҳозирги Тарту) қалъасини забт этишида иштирок этдилар. «Бухороликлар» Москва бозорларининг доимий меҳмонлари эдилар.

Иван Грозний даврида Қозон-татар хонлиги Русга босқинлар қилиб, унинг Волгадаги савдо йўлини бекитиб қўйди; Урал, Сибирь, Кавказ, Ўрта Осиё халқлари сари тўғри йўлни қирқди. Бунга жавобан Русь Волга юришига отланиб, аввал Қозонни, сўнгра Астраханни ўзига қўшиб олди. Шу тариқа улуғ даренинг бутун оқими Русь давлатининг таркибига киритилди. Волга ва унинг соҳилларидаги ерлар билан биргаликда татарлар, чувашлар, мари ва мордвалар қўшиб олинди... Кўп ўтмай Москвага бошқирдлар ҳам ихтиёрий равишда тобе бўлдилар.

Шундан сўнг Русь Уралдан нари ўлкаларга юриш қилиб, Сибирни ҳамда ёқутлар, хакаслар, бурятлар ва Шимолнинг бошқа қабилаларини қўшиб олди. Бу халқларнинг кўпчилиги ихтиёрий равишда бўйсундилар.

Украин халқи узоқ йиллар давомида Польша панлари ва Туркия султонлари томонидан қул этилиш хавфи остида қолди. Ниҳоят, 1654 йилда чап соҳилдаги Украина ерлари ихтиёрий равишда Россияга қўшилди. Сўнгра Днепрнинг ўнг соҳилидаги ерлар ҳам Россия таркибига кирди.

Русь ғарбда белорус халқини панлар зулмидан озод қилиб ўз составига қўшиб олди. Ўша замоннинг Белоруссия ҳақида сўз юритилган поляк манбаларидан бирида шундай дейилади: «Мужиклар, Москва келсин, деб худога ёлвормоқдалар».

Кейинчалик, дастлаб Грузия, сўнг бутун Кавказ қўшиб олинди.

Ўн саккизинчи аср ва ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Болтиқбўйи, Польша, Финляндиянинг қўшиб олиниши ҳисобига Россиянинг ғарбий чегаралари кенгайиб борди.

Ўн тўққизинчи асрга келиб, Россия таркибига Ўрта Осиё халқлари кирдилар. Бу халқларнинг баъзилари қаршилик кўрсатиб, баъзилари ихтиёрий бўйсундилар.

Кўп халқларнинг истилолар натижасида ва ихтиёрий равишда қўшиб олиниши уларнинг рус чоризми томонидан мустамлакачилик асоратига солинишини англатар эди. Мамлакатда ҳокимият меҳнаткаш халқ ихтиёрида эмас, балки талончилар қўлида эди. Бу талончилар халққа ўтказаётган синфий зулмларини миллий жабр-зулм билан мустаҳкамлашга интилардилар.

Рус бўлмаган халқлар «ёт халқлар» деган ҳақоратли ном билан аталар, улар одам ўрнида саналмас эдилар. Болаларни ўзларининг она тилларида ўқитиш мумкин эмас эди. Кўп халқлар ҳатто ёзув нима эканлигини билишмасди... Барча халқлар вакиллари ҳам армияга чақирилавермас эди. Чоризм уларнинг қўлига қурол беришдан қўрқарди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

№ 1 (61) 1972

Январь

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти

Москва. Қизил Майдон. Россиянинг, Советлар мамлакатининг қалби.

Дм. БАЛЬТЕРМАНЦ фотоси

Чоризм ўз ҳокимиятини абадийлаштириш мақсадида халқларни бир-бирига гиж-гижлар, яҳудийларни ур-йиқит қилар, мусулмон-арман қирғинлари уюштирар эди. Кулаклар, савдогар ва амалдорлар ўз қонқардошларига жабр-зулм ўтказиш баробарида, бегона халқларни эзиш ҳисобига мол-дунё тўплар эдилар. Жабр-зулм ва рақобат миллий адоватнинг заҳарли уруғлари униб чиқишига шароит яратувчи замин бўлиб қолган эди. Буларнинг ҳаммаси халқлар орасида бир-бирига нисбатан ишончсизлик руҳини келтириб чиқариши табиий ҳол эди.

Лекин тарих ҳақиқати шуни тақозо этдики, рус чоризми босиб олинган шарқ халқларига ўтказган барча жабр-зулмларга қарамай, уларнинг Россияга қўшиб олиниши прогрессив ҳодиса эди. Ҳаёт йўриғи шундай бўлди. Ахир, капитализм ҳам меҳнат кишиларига кулфат ва кўз ёшлар келтирган бўлса-да, феодализмга нисбатан тарихан олға қараб ташланган муҳим қадам, прогрессив ҳодиса бўлди-ку?..

Рус халқи тарих тақозосига кўра Европанинг илғор халқларидан анча қолоқ ва орқадалигига қарамай, Россиянинг Шарқий ва Ғарбий ўлкаларида яшовчи халқларидан тараққиёт ва маданият даражаси бир қадар юқорироқ эди. Чекка юртларда руслар таъсирида аста-секин патриархал-уруғчилик емирилиб, қулчилик барҳам топиб борди... Қолоқ хўжаликларга рус ишлаб чиқариш маданияти кириб келди. Чорвадор халқлар деҳқончиликка ўргана бошладилар, ишлаб чиқаришда ёғоч қуроллар билан бир қаторда темирдан ясалган иш қуроллари пайдо бўла бошлади, ёғоч ғилдираклар ўрнини темир ғилдираклар эгаллай борди. Бошқирдлар ва бурятлар ўтроқлашиб, руслардан молларни оғилда сақлашни, қишга ем-хашак ғамлашни ўргана бошладилар. Ёқутлар ғалла экадиган бўлдилар. Иккинчи томондан, руслар ҳам маҳаллий аҳоли таъсирида маиший турмушга доир кўп нарсаларни ўргандилар.

Узоқ ўлкаларда аста-секин саноат корхоналари пайдо бўлиб, миллий пролетариатнинг дастлабки отрядларини вужудга келтирди. Масалан, озарбайжонлар нефть корхоналарига ишга кирадиган бўлдилар, кареллар тахта заводларида рус ишчилари билан елкама-елка меҳнат қила бошладилар.

Маданий таъсир ҳам кучайди. Қирғизистондаги биринчи завод, биринчи мактаб, биринчи шифохона руслар томонидан қурилган эди.

Кўп марталаб рус бўлмаган халқлар руслар билан елкама-елка курашга отландилар. Болтиқбўйи халқларининг аждодларига руслар немис рицарлари босқинига қарши курашда кўмак берган эдилар. Чунончи, Александр Невскийнинг немис салбчилари билан бўлган урушда қозонган зафари эстларнинг Сааремаа оролида катта қўзғолон кўтаришларига туртки бўлди. Куликово майдонида жанг қилган рус лашкарлари сафларида белорус, украин, литваликлар фарзандларининг ҳам қони тўкилган эди. Минин ва Пожарскийнинг кўнгиллилардан иборат халқ лашкарлари сафларини чувашлар, татарлар, комилар, мари ва мордвалар мустаҳкамлаган эдилар. Карл XII ва Мазепанинг Украинада ҳонлик қилишларига боғлаган умидлари чиппакка чиқди. Наполеон тор-мор этилгач, Парижга рус казаклари билан биргаликда бошқирд суворийлари кириб бордилар. Кутузов лашкарида қалмоқ полки ҳам бор эди. Болқон ярим оролида рус армияси сафларида кўнгилли осетин дивизияси жанг қилган эди...

Рус амалдорлари ва бойлари орасида улуғ давлатчи қора гуруҳчилар ва зўравонлар анчагина эди. Черков православ рус халқи ҳудо-

Тюмень нефти — мамлакат нефть дарёсининг айқин ирмоғи.

Дм. БАЛЬТЕРМАНЦ фотоси



Ўрмонлари — хазина, дарёлари — заҳматкаш!..

Б. ИВАНОВ фотоси

нинг ёрлақаган бандаси деган ғоянинг тегирмонига сув қуйишдан тинмас эди. Лекин илғор рус жамоатчилиги шовинизм оғуси билан заҳарланмади. Рус зиёлилари муҳитида ирқчилик таянч тополмади. Негаки, низога ҳеч ўрин йўқ эди. Аксинча, Россия зиёлилари дунёга кенг назар ташлай олиш қобилиятига эга эдилар. Зулмат чулғаган ғариб мамлакатнинг энг ажойиб кишилари халқнинг машаққатли турмушини кўриб, оҳ-зорини эшитиб илғор, инқилобий тафаккур қилар эдилар...

Миллий адиблар ва маърифатпарварлар илғор рус маданияти таъсирида тарбияланар, рус ёзувчилари ва жамоат арбоблари билан дўстона муносабатлар боғлар эдилар.

Қозоқ маърифатпарвари Абай Қунонбоев қуйидагиларни ёзган эди. «Иллатлардан халос бўлиш ва эзгуликка етишиш учун рус тили ва рус маданиятини билмоқ зарур».

Эстон халқ эпоси «Калевипоэг»да шундай жумла бор: «Россия қудратли қанотлари остида бизни ғанимлардан ҳимоя қилди»...

«Биз Россия халқлари билан қардошлик, бирлик ва дўстлик муносабатларини юксак қадрлаймиз»,—бу грузин классик адиби Акакий Церетелининг сўзларидир.

Пушкин ҳалок бўлган чоқда озарбайжон ёзувчиси ва маърифатпарвари Мирза Фатали Охундов унга ўзининг энг яхши асарларидан бирини бағишлаб, Пушкинни: «У ер юзи шоирларининг сардори...», деб улуғлади.

Кейинчалик татарлар билан руслар ўртасидаги дўстлик курашчиси сифатида майдонга чиққан татар демократ шоири Абдулла Тўқай ҳам Пушкин ҳақида улкан муҳаббат билан ёзади. Унинг «Рус халқи бизга қадимдан дўст эди...» сингари шеърлари ғоят машҳурдир.

Арман шоири Ованес Туманян Лермонтовни «Кавказнинг тутинган буюк ўғлони» деб атади.

Қозоқ олими Чўқон Валихонов — қирғиз эпоси «Манас»ни маданий дунёга дастлаб кашф этиб берган ўша зот — ўз халқининг тилига Пушкин, Лермонтов, Крилов асарларини таржима қилди. Айни пайтда у ўз илмий-тадқиқотларини рус тилида ёзди.

Россиянинг чекка ўлкаларидаги халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати рус ишчилар синфининг инқилобий кураши билан туташиб кетар, улар рус пролетариати сиймосида йўлбошчи ва кўмакдош топган эдилар. Масалан, Закавказье большевистик ташкилотлари Марказдаги большевистик ташкилотлар билан мустаҳкам алоқада ўсди ва чиниқди. Рус, украин, латиш, озарбайжон ишчилари большевиклар йўлбошчилигида ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун қўлни қўлга бериб, оға-инилар каби кураш олиб бордилар. Рус революцион тафаккури таъсирида украин Шевченко, поляк Сераковский, белорус Калиновский, литвалик Мицкявичюс, арман Налбандян сингари машҳур инқилобчилар етишиб чиқди.

Бошқа халқлар рус халқи билан бир давлат таркибига уюшиб тарих оқимига қўшилдилар. Кейинчалик бу қудратли оқим уларни Октябрь сари бошлади, сўнгра социализмга етаклади.

Россиянинг заҳматкаш халқи ҳокимиятни қўлга киритганиданоқ миллий тенгсизлик ва ўзаро душманчилик замини барҳам топди. Ишончсизлик излари, унинг кишилар онгидаги қолдиқлари бирданига бўлмаса-да, сезиларли даражада йўқола бошлади.

Октябрь революциясининг дастлабки кунлариданоқ миллий тенглик қонунлаштирилди — марксча-ленинча мафкура, пролетар интернационализми шуни тақозо этар эди. Россия халқлари, агар ўзлари хоҳласалар, алоҳида давлат сифатида ажралиб чиқиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар. Ирқий ва миллий чекланганлик, миллий устунликни ташвиқ қилганлик учун жазо белгиланди. Ленин буни шундай ифодалади: «Великорус шовинизмига ҳаёт-мамот жанги эълон қиламан».

Тараққиётнинг турли босқичларида турган, кўплаб халқлар яшаётган Россия муайян даражада кўп миллатли бутун сайёрамизнинг модели ҳисобланиши мумкин эди. Мамлакатда миллий масалани ҳал этиш— жаҳон аҳамиятига молик муаммони ечиш, демак эди. Бу бутун дунёга намуна кўрсатиш, демак эди. Большевиклар ана шундай ибратли, буюк ишни амалга оширдилар.

Ленин шундай деган эди: «Биз миллатларнинг *эркин* иттифоқини тузишни хоҳлаймиз,— бу шундай иттифоқ бўладики, унда бир миллат бошқа миллат устидан зўрлик ўтказолмайди,—бу шундай иттифоқ бўладики, у энг тўла ишончга, қардошларча бирликни ёрқин ҳис этишга, тўла-тўкис ихтиёрий ҳамжиҳатликка асосланади...» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи худди ана шундай иттифоқ бўлиб майдонга чиқди.

РСФСРда руслардан ташқари бошқа кўп халқлар ҳам яшайдилар. Иттифоқдош республикалар ичида энг кўп миллатлиси Россиядир. Чунончи, РСФСР Ёзувчилар союзи таркибига руслардан бошқа яна 55 адабиёт вакиллари кирадилар.

Мамлакатнинг Рус эмас, Россия республикаси деб аталиши бежиз эмас. Россия кўп сонли автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округларни уюштирган Федератив республикадир. Машинасозлар ўлкаси Удмуртистон, кўмир ва газ саноати ривожланган Коми, ёғочсозлик саноати тараққий этган Адигея ва Карелия, металлургия саноати гуркираган Шимолий Осетия, нефть конларига бой Бошқирдистон, Татаристон ва Чечен-Ингушия, олмос конлари билан машҳур Ёқутистон шулар жумласидандир.

Руслар совет халқлари оиласидаги энг йирик ва оға халқдир. Шу сабабдан ҳам Россия Федератив Республикаси Иттифоқимизда ташкил топиш даври, сиёсий мавқеи, аҳолисининг сони, хўжалик қудрати жиҳатидан тарихан биринчи бўлиб таркиб топди. Лекин шунга қарамасдан у бошқа ўн тўрт иттифоқдош республика билан баб-баравар ҳуқуққа эгадир. Тўғри, у биринчи, аммо тенг ҳуқуқлилар орасида биринчидир.

Совет Россиясининг кенгликларидан буюк текисликлар, улкан тоғлар, адоқсиз дарёлар ўрин олган. Республика бағрида дунёдаги энг чуқур кўл — Байкал, Эски Дунёнинг энг юксаликда ўрнашган вулқони — Ключевская сопка, жаҳондаги бепоён ўрмонлар жойлашган.

СССРнинг ҳамда РСФСРнинг пойтахти, мамлакатнинг энг йирик саноат шаҳри Москва; кўркам, саноати гоят ривожланган Ленинград; улкан заводлар ва гидростанциялар ҳалқасидаги Волгабўйи; Жанубнинг турфа хил хўжаликлар тараққий топган дашту шаҳарлари; туганмас хазиналар макони, қудратли металлургия саноатига эга Урал; саноқсиз нефть миноралари кўкка бўй чўзган Иккинчи Боку ўлкаси; ўрмонга бой Шимол; совет Арктикаси; янги қурилишлар қад кўтараётган поёнсиз Сибирь; ўзига хос жозиба билан диққатни торгувчи Узоқ Шарқ — ҳамма-ҳаммаси РСФСР қучоғига жо бўлган.

Ғарбда ва жанубда, РСФСРнинг қардошлари —иттифоқдош республикаларнинг ерлари унинг чегаралари билан бевосита туташиб кетган. Ягона Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи оиласида РСФСРни уларсиз тасаввур қилиш мушкулдир.

1917 йилнинг баҳорида революция доҳийси В. И. Ленин Петроградниng Финляндия вокзалида буюк келажакдан башорат берган эди.

М. СИТНИКОВ фотоси

Россия Федерациясининг бепоён далаларида миллиард-миллиард пуд ғалла етиштирмоқдалар. Краснодар ўлкасидаги 1 Май номли совхознинг коммунистик меҳнат зарбдори Дмитрий Головчанскийнинг ҳам ана шу қутбарака хирмонида ҳиссаси бор.

С. РАСКИН фотоси



Иваново тўқимачилари Ўзбекистон меҳнаткашлари билан революция йилларидан бери ҳамкору ҳамдастдирлар. Суратда: Ленин орденли Иваново тўқимачилик комбинатининг цехларидан бири.

Н. МАРАКУШЕВ фотоси



Россия федерациясида юзлаб миллат ва халқлар дўстона оилада аҳил яшамоқдалар. Доғистон халқ шоири, Ленин мукофоти лауреати, СССР Олий Советининг депутати Расул Ҳамзатов бу дўстликнинг нуйчисидир.

Р. ДИК фотоси

Рус балетига жаҳон томошабинлари маҳлиё. Суратда: СССР Большой театрининг раққосаси, РСФСР халқ артисти Екатерина Максимова.

С. ВАСИЛЬЕВ фотоси

Тундрада ҳаёт қайнайди.

Л. ГИЛЬДЕРМАН фотоси

Гоголь мадҳ этган тройка.
Н. САФОНОВ фотоси

Сурур.
С. ВАСИЛЬЕВ фотоси

Ватан сарҳадлари муқаддас ва дахлсиз.
М. МИНЕЕВ фотоси

Қадим Руснинг кўрку салобати.
М. НИКОЛАЕВ фотоси

# ЮЛДУЗ ЯРҚИРАБ УЧАДИ

## I

Ҳар кимнинг ўз юлдузи бўлармиш. У одам билан бирга оламга келармишу учиши эса шу кишининг дунёдан кўз юмгани бўлармиш... Онамиз ҳеч биримизни ранжитмай, энг ёруғ юлдузларни бир-бир улашиб чиқарди.

Ҳидоят момо ҳам, балки ҳамма меҳрибон оналар сингари, жигарбанди Сирожиддинга порлираб турган чароғон юлдузлардан бирини атагандир. Балки ўғлининг умрини сўнмас сайёраларга қиёслаб, мангу ҳаёт тилагандир. Юртни ёв босганда Сирожиддиннинг нилий осмондаги юлдузини кўз ёши билан ювиб, тунлари бедор қўригандир.

На иложки, юлдузлар учиб туради... Лекин улар зулматни поралаб, яшин каби из қолдириб учади.

Ватан бошига оғир мусибат тушганда ҳаётининг шами чироғи — юлдузидан айрилган она ҳузурига кетмоқдаман. Сирожиддин униб-ўсган қишлоққа ошиқаман. Қорақўйли қишлоғининг ҳар қарич ерида, ҳар бир гиёҳида, ҳар бир довдарахтида қаҳрамоннинг ўчмас хотираси яшаётганини фикран тасаввур этаман, унутилмас сиймоси онаси, укалари, ёру биродарларининг қалбида барҳаётлигини дилдан ҳис қиламан...

## II

Қишлоққа оқшомда кириб бордик. Ҳамроҳим — Киров район партия комитетининг масъул ходими Абдуллажон Ғиёсов бир маҳаллар Валиев ўқиган, ҳозир эса унинг номидаги мактабга бошлади. Ҳовли саҳнида Сирожиддиннинг бюсти қад кўтариб турибди. Ҳайкал тевараги гулзор.

Абдуллажон Ҳидоят момонинг уйига кўп марта борган. У ҳар борганида момонинг дардини янгилаб қайтганидан хижолат бўлади. Бу сафар момони ҳайкал қошига чақиришни маъқул кўрдик. Аввал Сирожиддиннинг укалари — Насриддин ва Нажмиддин етиб келдилар. Сўнг саксон йилнинг машаққатини енган момони кутиб олдик. Биз унинг ҳикоясига муштоқ эдик. Момо ҳаяжонли туйғуларини тиндириб, юрагининг аламли гирдобини енгиб олмоқчидек, узоқ жим турди...

— Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи, деганларидай, Сирожиддин жуда меҳрибон эди. Ақли эрта кирди. Тез кунда бўй етганини сезмабман. Отасидан ёш қолган эмасми, оилага, укаларига бош бўлди. Ўз-ўзидан насиҳатгўй, далда берадиган бўлиб қолди. Фарғонага ўқишга кетди. Илмнинг қадри ҳақида кўп гапирарди. Бир куни: «Тошкентга ўқигани кетяпман, эна, бирор йилча келмай қолсам, хафа бўлмайсизми?» — деб қолди. Мен доим унинг раъйига қарардим, ўксимасин болам, дер эдим. Аҳён-аҳён келган хатини поччаси Азимжон ўқиб берарди. Ҳаммамизнинг сиҳат-лигимизни сўраб, барча қадрдонларини бирма-бир йўқлаб ёзарди. Поччаси ҳам болагинамнинг урушдалигини сир тутиб юраверибди... Буни анчадан кейин билдим... Лекин бари бир, ўғлим эрта-индин уйга кириб келадигандай эди... Шунисига ҳам шукурки, болам ном-нишонсиз кетмабди. Меҳрига ташна кўнглимнинг бир чеккаси ёришиб қолди. Йироқ-ёвуқдан йўқлашиб туришибди. Ҳукумат ўғлимнинг руҳини шод қилиб, қадр-қимматига етди... Шунчалик қадр топганига минг қатла шукур!.. Раҳмат дейман, ўғлим, ҳаммаларингга раҳмат. Қадамларингга ҳасанот!..

Момо суҳбат орасида бир неча бор тўлиб-тошган бўлса-да, сўзини дадиллик билан тугатди. У ўғлининг ҳайкалидан ҳарорат, қувват олаётгандай эди.

— Ўғлингизнинг бюсти ўзига ўхшабдими, момо? — дедим.

— Ҳа, умрингдан барака топгур ҳайкалтарош ўғлимга жуда ўхшатган. Кўпчилик ҳам шуни айтяпти, болам...

Дарҳақиқат, ёдгорликни фарғоналик ҳайкалтарош Аҳмаджон Иброҳимов меҳру маҳорат билан яратибди. Унинг узоқ изланишлари зое кетмабди. Қаҳрамоннинг сиймосини мангуликка кўчирибди.

Акаси ҳақида ҳикоя қилиш навбати Насриддинга келди. У Сирожиддиннинг меҳрибон ва меҳнаткаш бўлганини эслайди. Шаҳардан ёзги таътилга қайтган кезлари елиб-югуриб, уй-рўзғор юмушларига қарашганини, ипак қуртига боқишганини, колхоз даласида ишлаб, даромад орттирганини айтади.

— Минг тўққиз юз олтмиш саккизинчи йилнинг йигирма учинчи февралида,— дейди Насриддин,— акамнинг хотирасига қўйилган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Шу йилнинг саккизинчи майида еленовкаликлар мени таклиф қилишди. Ворошиловград областининг акам дафн этилган қишлоғига отландим. Мендай бир оддий колхозчини шундай кутиб олишдики, асти қўяверинг! Гулга кўмиб ташлашди. Вокзалдан то Еленовкагача йўлимизга гуллар сочишди. Қайси хонадонга кирсам, совға тутишади, денг. Совғалар ичида энг қимматлиси акамнинг биз кўрмаган бир сурати бўлди. Уни ўша уруш пайтларида ўн уч яшар бўлган Серёжа деган бола сақлаб қолган экан. Серёжа доимо акамга эргашиб юрган, разведкага ҳам бирга борган. Акам уни ўз укасидай суюб, суратини эсдалик учун ёзиб берган экан. Собиқ полк ўғли ҳозир Донбасс шахтёри, ували-жували. Менинг дарагимни эшитиб, Еленовкага йўл олибди. Йигирма етти йилдан бери сақлаб келаётган расмни ола келибди. Сергей акам ҳалок бўлган жойни кўрсатди. У разведкада бирга бўлган кунини, акам бошидан ўқ еб жон бераётганида ёнида бўлганини, буни штабга ўзи хабар қилганини сўзлаб берди.

Сирожиддиннинг кенжа укаси Нажмиддин ҳам, муаллими Маҳкам Қодиров ҳам, мактабдоши Набижон Қўшоқов ҳам, синфдоши Неъматжон Аҳмедов ҳам хотираларини сўзлаганларида, албатта, қаҳрамоннинг бирор фазилатини тилга оладилар. Унинг қобилияти, ишчанлиги, дилкашлиги, меҳрибонлиги, тиришқоқлиги, зеҳни, ёқимтойлиги тўғрисида мароқ билан гапирадилар.

Сирожиддинда ажойиб инсоний фазилатларнинг куртаги жуда эрта барг ёзган. Ана шу фазилатлар у улғайган сайин камол топган. Зотан, қаҳрамонлик ғайри табиий куч ёки тасодифларнинг самараси эмас. У гўзал инсоний фазилатлар сифатида рўёбга чиқади.

## III

Бутун фронтимизда фарғоналик ўзбек разведкачи Сирожиддин Валиевдан кўра шуҳратлироқ, севимлироқ жангчи бўлмаган эди — мактаб музейида асли еленовкалик атоқли адиб Борис Горбатовнинг ана шу сўзлари йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Сирожиддин билан шахсан таниш бўлган ёзувчи унинг жасорати ҳақида марказий ва фронт газеталарида тез-тез ёзиб турган. «Она-Еримизнинг ҳар қаричи» деган публицистик мақоласида Горбатов шундай қасамёд этади: «Биродар! Сен Ватанни Сирожиддин Валиев севгандек севасан. У она-Ватаним, деб ҳисоблаган совет тупроғи учун, ҳар қарич ер учун жанг қилди. Унга ҳаётини бағишлади. Биз Валиевни унутмаймиз. Биз ҳеч кимга уни унутишга йўл қўймаймиз. Уруш тинади, жароҳатлар битади, заводлар яна дуд бурқийди ва озод қилинган Донбасснинг кишилари олис фарғоналик йигит Сирожиддин Валиевни миннатдорлик билан эслайдилар». Бу оташин мақола «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасида босилган эди.

Музейни кўздан кечирарканмиз, ёзувчининг башорати тўғри чиққанини кўрамиз. Чиндан ҳам Валиевни ҳеч ким унутмаган. У колхознинг фахрий аъзоси, табелда ҳам унинг номи бор. Мактабда «Валиев партаси» фахрли ўринда, унда энг аълочи ўқувчиларгина ўтирадилар. Чунки қаҳрамон олдида ёш авлод ўзини қарздор ҳисоблайди. Украиналик ўғил-қизлар ҳам, фарғоналик ўғил-қизлар ҳам ҳар иккала ўлка учун юртдош бўлиб қолган Сирожиддин Валиев хотирасини эъзозлайдилар.

Мана, музей ашёлари ва кўргазмага қўйилган ҳужжатлар: Еленовкадаги мактабнинг Сирожиддин Валиев номли дружина пионерлари юборган хатлар, бир кафт тупроқ, суратлар. Еленовкада Сирожиддин Валиев қабри қошида қад кўтарган ҳайкалнинг расми, С. Перминовнинг «Қўшин разведкачилари жангда» китоби, Л. Шапироннинг варақлари сарғайиб кетган «Учинчи ўғил» асари, А. Замотаевнинг 1971 йил 7 майда «Литературная Россия»да чиққан мақоласи, маҳаллий журналист В. Акчуриннинг «Ферганская правда»да босилган «Қаҳрамонга таъзим» очерки, «Правда», «Комсомольская правда», «Красный таманец», «Звезда Советов», «Во славу Родины» газеталарида Валиев тўғрисида босилган очерк, лавҳа, мақолалар-

нинг фотонусхалари... Мактублар ва яна мактублар!..

Хатларнинг кўпчилиги қаҳрамоннинг онаси, поччаси Азимжон Умарқулов номига келган. Сирожиддин поччасига «ака», деб мурожаат этади. «Менга оталик қилгансиз,— деб ёзади бир хатида,— укаларимнинг ҳам манглайини силанг, онамнинг ҳолидан хабардор бўлинг. Қимматли ака, менга кўрсатган яхшиликларингиз сира эсимдан чиқмайди... Бирор кун олижаноблигингиз эвазига мендан ҳам яхшилик қайтади... Ҳозир немис босқинчилари билан кучимнинг боричә курашмоқдаман... Сизларга тез-тез хат ёзиб туришга тиришиб кўраман. Жавоб кутаман!..»

Бу хилдаги хатларда Сирожиддиннинг қалб ҳароратини ҳис этасиз. У хизмат қилаётган фронт энг муҳим жабҳалардан бири эканини, тез-тез мактуб йўллайвериш анча мушкул бўлганини ҳам пайқаб оласиз.

Бу ашёларнинг ҳаммаси қаҳрамоннинг иккинчи ҳаётини тўлдириб, жонлантириб турибди.

Истеъфодаги полковник Алексей Замотаевнинг марказий матбуотда босилган очерки музей ташаббускорларини янада руҳлантириб юборди. Очерк автори Сирожиддин Валиев ҳақида бир қанча янги маълумотларни баён қилади: Сталинград Трактор заводининг темирчиси Александр Медунов билан Сирожиддин Валиев мусобақалашган. Уларнинг телефон орқали суҳбати «Во славу Родины» ва «Сталинградская правда» газеталарида босилиб чиққан. Медунов ўз меҳнат ҳиссасини олти баравар ошириб бажараётганини айтса, Валиев ўндан зиёд «тил» тутгани, уч юздан ортиқ фашистни йўқ қилганидан ҳисоб беради. Жанубий фронт Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, бригада комиссари Л. И. Брежнев «фронтнинг энг яхши разведкачиси Валиев»ни эслаб, шоир В. Поляковга маслаҳат солади. «Унинг тўғрисида қўшиқ яратиш керак эди,— дейди Леонид Ильич. — Валиев қўшиққа яраша хизмат қилди».

Тез орада Владимир Поляков қўшиқ ёзади. Композитор Модест Табачников куй басталайди. Қўшиқ артистка Соня Белова ижросида фронт бўйлаб янграйди:

У мен учун, у биз учун қулади жангда,
Фашистлар дастидан сўнди юлдузи.
Биздан эслашни-ку қилмасмиз канда,
Сен ҳам йиғла, йиғла, Фарғона қизи.

«Ферганская правда» газетаси ўз ходими Вилор Акчуринни Еленовкага командировка қилди. Журналист қаҳрамоннинг қуролдошлари, таниш-билишлари билан учрашди. Валиев номидаги Дружина музейи билан танишди, қаҳрамоннинг фронтдаги жасоратига доир маълумотлар тўплади.

Музейда севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг С. Валиев номидаги мактаб комсомол комитети ва пионерлар дружина советига ёзган хатини ҳам учратдик: «...Мен кутубхонани қидириб, «Ўзбеклар» деган китобни топдим. Бунда С. Валиев ҳақида ёзилган лавҳа бор экан, шуни икки нусха кўчиртириб юбордим. Агар музей учун зарур десаларинг, китобнинг ўзини ҳам юборишим мумкин. Сизларга ва бутун ўқувчиларга салом билан А. Қаҳҳор. 1966 йил 19 апрель».

Район маорифи мудири Набижон ака Махсумов ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг Сирожиддин тўғрисида суриштириб, Валиев номидаги мактабга келганини эслайди. Набижон аканинг айтишича, адибнинг Сирожиддин Валиев ҳақида китоб яратиш нияти бўлган экан.

Мактаб коллективи яқинда Москвадаги марказий архивларнинг бирдан С. Валиевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони фахрий унвонини бериш тўғрисидаги 74-ўқчи дивизия тавсия варақасининг нусхасини сўраб олди. С. Валиевнинг 1942 йил 13 мартда Ленин ордени билан тақдирлангани маълум эди-ю, юксак унвонга тақдим этилгани кўпчиликка маълум эмас эди.

Ўша варақадан баъзи жойларини келтирамиз: «Валиевнинг шахсий жанговар жасорати ва хизматларининг қисқа, аниқ баёни:

Ўртоқ Валиев немис босқинчиларга қарши курашда разведкачи бўлиб, жанговар топшириқларни адо этишда кўп марта қаҳрамонлик кўрсатди. У ҳаётини хавф остида қолдириб, жанговар топшириқларни аниқ ва ўз вақтида бажарди.

1941 йилнинг 16 ноябрида К. Маркс номли шахта районида душман жангчисини асир тушириш топшириғини олиб, у ўз бўлинмасидаги 5 жангчи билан бирга ёвнинг орқа томонига ўтди. Ўртоқ Валиев ҳаётини хавф остида қолдириб, душманнинг икки соқчиси устига ташланди, бирига милтиқ найзасини санчди, иккинчисини тириклай тутиб, штабга олиб келди.

19 ноябрда яна ўша районда душман орқасига ўтиб, бўлинмасидаги жангчилар билан душманнинг взводига ҳамла қилди ва 16 жангчисини қириб ташлади. Ўзи эса талафотсиз қайтди.

1941 йилнинг 29 декабрида у Камишеватка қишлоғидан асир келтириш юзасидан берилган жанговар топшириқни адо этаётиб, бир ўзи душманнинг 20 солдатига қарши жангга кирди. Автомат ўти ва граната билан 18 фашистни қирди, шундан кейин 4 жангчи билан бирга Валиев 15 фашист турган уйни қуршаб олиб, гранаталар ёғдирди. Душманнинг қаршилигига қарамай, хонага кириб борди ва автомат қўндоғи билан фашистларни қийратга бошлади. Автоматнинг қўндоғини парчалаб ҳамда душманнинг қаршилигини синдириб, у 7 фашистни қуролсизлантирди ва асир олди. Хонада фашист «азаматъ»ларидан 8 тасининг ўлиги қолди. Асир олинганлардан бири офицер эди.

Асирлар олиш бўйича жанговар топшириқ бажарилди, ҳамма асирлар штабга олиб келинди.

1942 йилнинг 23 январидан 24 январга ўтар кечаси Дебальцево шаҳри районида асир келтириш бўйича топшириқ олган Валиев ўн жангчи билан бирга душманнинг мудофаа чизиғини ўтиб бориб, пистирма қўйди. 7 фашистнинг келаётганини сезиб, уларни ўтказиб юборди-да, ўт очди. Душманлардан учтасини ўлдирди. Қолганларининг қочаётганини кўриб, Валиев икки жангчи билан бирга уларнинг изидан қувди ва шахсан ўзи бир фашистни асир олди. Душман пулеметининг кучли ўқ ёмғири остида у немис асир билан ўз жангчилари қўзурига — штабга қайтди.

Хулоса:

Ўртоқ Валиев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланишга муносиб.

Мото-ўқчи ротанинг бўлинма командири ст. лейтенант Моцарь.

Мото-ўқчи ротанинг сиёсий раҳбари старший лейтенант Перминов.

Олий лавозимдаги бошлиқларнинг хулосаси:

Ўртоқ Валиев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланишга тўла лойиқ.

74-ўқчи дивизия командири, генерал-майор Шевердин.

74-ўқчи дивизия Ҳарбий комиссари, ст. батальон комиссари Хоменко.

1942 йил, 1 февраль».

Фронтда Сирожиддин Валиевни «қаҳрамон» деб аташга ҳамма ўрганиб қолган эди. Унинг жангу жадалларда кўрсатган беқиёс жасорати, шижоати, афсонавий ботирлиги ҳақида қўшиқлар тўқилган эди.

Киров район партия комитетининг биринчи секретари Усмонали Бегматов билан учрашганимизда, у киши ҳам шу фикрни билдирди.

— Сирожиддин Валиевни районимиздан чиққан энг биринчи қаҳрамонлардан, деб ҳисоблаймиз. Афсуски, олий унвоннинг қандайдир тушунмовчилик билан берилмай қолгани чакки бўлган. Лекин тавсия варақасининг топилиши бизга умид бағишлайди. Бу ҳужжат ҳали ўз кучини йўқотмаган, деб ўйлаймиз. Менингча, районимиз меҳнаткашлари номидан жасур юртдошимизга олий мукофотни талаб қилсак арзийди. Бу борада матбуотнинг ҳам кўмаги тегиб қолар, албатта. Айтганча, сизга Тошкентда яшаётган Тўлан Иброҳимовнинг адресини берсам. Тўлан Иброҳимов, қирқ биринчи-қирқ учинчи йилларда партия комитетимизнинг биринчи секретари бўлиб ишлаган. У киши Валиев ҳақида анча-мунча нарса гапириб берса ажаб эмас.

Чилонзор районининг Грозная кўчасидаги 3-уйни топиб бордим. Сочи оқарган, ғўлабир киши пешвоз чиқиб, самимий қарши олди. Муддаомни эшитиб Тўлан Иброҳимов ғоят хурсанд бўлди. Суҳбатга Тўлан аканинг турмуш ўртоғи Шаҳрихон опа келиб қўшилди. Улар ўша оғир йилларни бирма-бир хотирлай бошладилар.

— Ҳамманинг фикри-зикри уруш хабарларида эди, — деди Тўлан ака.— Кичик бир хабар, хоҳ яхши, хоҳ нохуш бўлсин, яшиндай тарқаларди. Сирожиддиннинг ҳам ёвқурлиги аллақачон эл оғзига тушган эди. Газета дегани борки, Сирожиддиннинг жасоратини ёзгани ёзган эди. Унинг мерганлигини дейсизми, «тил» тутишдаги уддабуронлигини дейсизми, душманга кўп талафот берганини дейсизми, моҳир разведкачилигини дейсизми — ҳаммасини газеталарда ёзиб боришди. Ич-ичимдан севиниб, фахрланиб юрдим... Қайга борсак, бор-йўғи йигирма бир ёшга тўлган Сирожиддиннинг қаҳрамонлигини ибрат учун гапирадиган бўлдик. Бир куни ўртоқ Усмон Юсупов ҳам Сирожиддин ҳақида тўлиб-тошиб гапириб қолди. Икки гапнинг бирида уни «лочин» деб атади. Шундан кейин Сирожиддинга меҳрим яна ошди. «Қорақўйлига йўлим тушса, юрагини ҳовучлаб юрган Сирожиддиннинг онасини бир хушнуд қилай...» деб, кўнглимга тугиб қўйган эдим. Бахтга қарши бу ниятимга етолмадим. Ҳидоят кампирнинг остонасига машъум хабар билан бордик.

— Эҳ-е, осон бўлганми? Шундан гапирсангиз-чи, дадаси! — эрининг сўзини бўлди Шаҳрихон опа.

— Ҳа-я, бир неча кун Усмон ака билан бош қотирдик. Бу фожианинг дарагини қора хат келмасиданоқ билганмиз. Сирожиддиннинг ўлими ҳақидаги хабар «Правда»да чиққану нафасимизни ютиб юрибмиз. Охири Усмон Юсупов айтдики: «Токайгача миқ этмаймиз, бўлар иш бўлган-ку, энди кампирникига дадил кириб борайлик. Юпатайлик. Митинг ўтказайлик. Қаҳрамоннинг ҳалокати халқни яна сафарбарликка ундайди!..» Шу қарорга келиб, Ҳидоят кампирникига кириб бордик. Бояқиш кампир сопол товоқни ўрикка тўлғазиб, супага яқинлашган экан. Бизни кўрдию пилдираб қолди. Чорпояга дастурхон ёзди, чой қайнатди. «Уриқдан татиб кўринглар, Сирожиддин экан эди, бинойидек ҳосил қипти», деди. Усмон ака кафтидаги пиёлани чайқалтирганича туриб қолди. Мен билан опангизнинг авзойи ҳам ўзига яраша эди. Бу ёғини сен айт, онаси.

— Шўрлик ҳаммамизга бир сира разм солиб чиқди-да, бирдан чинқириб юборди. «Вой ўлай, юрагим сезувди-я», деганини биламан, шунақангги даҳшатга тушиб чинқирдики... Этим жимирлайди, юрагим увишади, оғир хўрсиниқ томоғимга тиқилиб келади. Ўзимни қўлга олай деймаку уддасидан чиқолмайман. Усмон ота менга имо қилди. Анча дадилланиб, шўрликнинг елкасидан босиб турмоқчи бўлдим. Қайда дейсиз, она шўрлик фиғони фалакка чиқиб ўртанади. Дард-алам уни ғужанак қилиб қўйди. Шу заҳоти уни яна оғушимга олдим. Тасалли бердик. Шўрликнинг кўзи қотиб қолган, оғир ғамнинг ўти кўз ёшини қуритиб қўйган эди.

— Кечагидай эсингда-я, онаси... — деди Тўлан ака.— Ўртоқ Юсупов билан бамаслаҳат митингнинг тараддудини кўрдик. Йиғинга Ҳидоят кампирни бошлаб келдик. Эл билан бирга бўлса, дарди енгиллашар, дедик. Митингдан кейин Сирожиддиннинг қаҳрамонона ўлимига жавобан, район меҳнаткашлари ташаббус бошлаб юборди. Сирдарёгача иккита ўн саккиз чақиримли зовур қазишга ахд қилдик. Район меҳнаткашлари тўплаган пул, иссиқ кийим, озиқ-овқат фронтга жўнатилди. Бош Қўмондонликдан миннатдорлик хати олдик. Кўп ўтмай, Тожикистоннинг Ашт районига қараб йўл қурдик. Янги туз конини ишга солиб, бутун республикага туз етказиб бердик. Бу ҳам қаҳрамоннинг шаъни учун душманга берилган жавоб эди. Қорақўйлидаги мактаб, қишлоқ совети ва колхозга Сирожиддин Валиевнинг номи берилди. Қаҳрамонга ғайкал ўрнатиш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ҳам чиқди.

— Усмон ота Ҳидоят холани иккинчи онам деб атагани, уни қирқ учинчи йили Тошкентга олиб келгани, бир неча ой оиласида меҳмон қилгани ҳам эсингиздадир, дадаси?



Фарғона областининг Киров районидаги 12-ўрта мактабда Сирожиддин Валиев хотирасига ўрнатилган ғайкал.

С. БЕЗНОСОВ фотоси

— Бўлмаса-чи! Усмон Юсупов Ҳидоят кампирни «Лочиннинг онаси» деб ардоқларди. Бордию,— деди Тўлан ака,— яна ўша ёқларга йўлингиз тушса, хабарлашайлик, бирга борайлик.

Мен бу таклифга ризолигимни айтиб, Тўлан ака ва Шаҳрихон опаларга миннатдорчилик билдирдим.

Сирожиддин Валиев тўғрисидаги таассуротларимни яна бойитмоқчи бўлиб, изланишни давом эттирдим. Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасидан ёзувчи Лев Шапироннинг «Учинчи ўғил» китобини топдим. «Учинчи ўғил» Абдулла Қаҳҳор таржимасида 1943 йилда Тошкентда босилиб чиққан. Китобчанинг ички муқовасида «Сирожиддин Валиев ҳақида кинематограф учун 12 эпизоддан иборат повесть» деб ёзилган. Асар: «Жанубий фронтдаги энг яхши разведкачи Сирожиддин Валиевнинг номи машҳур бўлиб кетди. Унинг тўғрисида «Красный таманец», «Звезда Советов», «Во славу Родины» газеталарида мақолалар чиқди. «Комсомольская правда» газетасида ҳам бир мақола унинг сурати билан бирга босилди. Мамлакат ўз содиқ фарзандининг қаҳрамонликларидан ҳабардор бўлди. Бу газеталар мамлакатнинг энг узоқ жойларигача етиб борди», деган сатрлар билан бошланади. Шундан сўнг Валиевнинг разведкачилик маҳорати ва матонатини тасвирловчи воқеалар тизмаси берилади. Айниқса, Днепр соҳилида Валиев ва унинг шериклари душманнинг ўнларча қайиғини чўктириб юборганликлари мароқ билан тасвирланади. Тўлан ака Иброҳимов эслатган, яъни Валиевнинг ўлимига жавобан унинг юртдошлари бошлаган ташаббусларнинг баъзилари тўғрисида ҳам сўз юритилган. Асарнинг «Учинчи ўғил» деб аталишига сабаб — украиналик Наталья хола Сирожиддинни ўз ўғиллари Николай, Вася қаторида қадрлаган экан.

«Қўшин разведкачилари» китобининг автори полковник С. Перминов разведкачилар ротасининг собиқ командири эди. У мазкур китобининг «Фарғоналик ўртоқ» қисмини Валиевнинг мислсиз жасоратига бағишлади ва ўзи гувоҳ бўлган қаҳрамонликларини тўлқинланиб ёзади. Автор бир жангчи шоирнинг Валиев ва унинг разведкачиларига бағишлаб ёзган шеърини ҳам келтиради. Шеър уруш қизиб турган кунларда «Звезда Советов» газетасида босилиб чиққан экан.

Кўпларнинг бошини қўшди бу уруш.
Яна бирлаштирди мақсад бирлиги.
Қил ўтмас дўстликдан барча диллар
хуш,
Эсга ҳам тушмабди мусофирлиги,

Қозоқ саҳросини асрайди кўздек,
Тунд тоғлар тинчини қўриқлар
гуржи,
Бизнинг командир-чи, буғдойранг
ўзбек,
Бундай қалин қорни кўрди биринчи.

Кўрдию у қалин қорда қайтага
Душман қўрғонига силжиди осон,
Офат йўламасин озод юртига,
Гўзал Фарғонаси бўлмасин яксон...

С. Перминовнинг кутубхонада сақланган бошқа бир китоби — «Қўшин разведкачилари жангда» деб аталади. Унда автор Сирожиддин Валиевнинг тактик маҳоратини, разведкада орттирган тажрибасини батафсил тушунтириб беради. Китоб жангчиларимиз учун мўлжаллаб ёзилган.

Автор моҳир разведкачининг ҳар бир тактик ҳаракатини пухта таҳлил этади. Мана, эътиборингиз учун бир неча сатр:

«...1941 йил ёзида, немис-фашист босқинчилари шарққа, Ватанимиз чегараларига интилаётган оғир кунларда 74-ўқчи дивизия мустаҳкамланган Днестр райони солдат ва сержантлари группаси билан кучайтирилди. Улар орасида тез фурсатда қўшиннинг аълочи разведкачиси сифатида танилган топқир, жасур командир, ўзбекистонлик старший лейтенант Сирожиддин Валиев ҳам бор эди...

Қидириш ва пистирма — «тил» тутишда қўшин разведкачилари ҳаракатида анча кенг тарқалган усулдир. Баъзи бир командирлар жанговар тажрибаларига суяниб, қидирувчи группани ҳужум қилувчи, мадад берувчи ва тўсиб турувчи группачаларга бўлишни тавсия этадилар. Разведкачиларнинг довюрак командири Валиев ҳамиша ҳам бунга риоя қилавермас, одатий бўлинишни рад этмаса-да, кўпинча бошқачароқ ҳаракат қиларди. У вазиятни майда-чуйда тафсилотларигача таҳлил этар, мазкур фронт нуқтасидаги душманнинг хатти-ҳаракатини, жой, об-ҳаво ҳолатини ва куннинг қандай келишигача ҳисобга олар, бундан ташқари воқеаларнинг боришини, нималар содир бўлиши эҳтимолигини, душманнинг қандай ҳаракат қилишини олдиндан кўришга интилар эди. Разведка-қидирув ва пистирма ишига таъсир этиши мумкин бўлган барча омилларни атрофлича текшириш Валиев разведкачилари жанговар фаолиятининг алоҳида хусусиятларидандир. Шунинг учун ҳам муваффақият уларнинг йўлдоши эди».

Ватаннинг содиқ фарзанди Сирожиддин Валиевни ярқираган юлдузга қиёс қилгулик. У она-юртимизнинг шуҳрат осмонида мангу сўнмас юлдузлардан бири бўлиб қолди. У бутун Украина, сулув Ўзбекистон, бир ҳовуч хок дея, жонни фидо қилди. Фидойилар эса асло унут бўлмайди.

**Мурод ХИДИРОВ**

## Александр Фадеев

Улкан анжуманда танишдим... Йўқ, йўқ,
Топгандим Горькийча бир меҳрибонни.
Турли кийимдаю қалби бир тепган
Шоирлар севардик. Эслайман онни...
Қардошлик туйғуси билан йўғрилган
Буюк қалб тинмаган, биз билан бирга.
Адиб ўлим билмас, кирмаган ерга!
Кўз олдимда ҳамон ўша рўйинтан.
Кичик удегэни кўрдинг Русга тенг,
Халқ деган номга у бўлди эга.
Лазо билан бирга ташланган эдинг
Сибирда паровоз ўтхонасига.
Улдиришолмади сени, Фадеев,
Фашист галалари Краснодонда.
Сени жаҳаннамдай шахтага ташлаб
Йўқотмоқчи эди душман ўшанда.
Сен, қалам аҳлининг лойиқ саркори,
Матонатни куйлаб, яратдинг асар...
Қардош адибларнинг дўсти, ҳамкори,
Қардош чеҳраларда порларди назар...
Фадеев қайнарди — баъзан минбарда,
Баъзан анжуманда сўзлари янгроқ!
Севардик, халқ билан бир эди дарди,
Қалби эди унинг қуёшдек порлоқ.
Қайси бир тасодиф, машъум он экан,
Юрагимга ботди у захри олуд...
Гоҳ катта кемани дарз чўктираркан,
Баъзан ёнғинни ҳам бошлар кичик дуд.
Ғоят аччиқ бўлди қисмату тақдир;
Забардаст вужудга виждон қилди ҳарбі..
Юраги буюклар, яхшилар кўпдир,
Аммо бошқачароқ, зўр эди у қалб!
Бошқачароқ эди бизнинг Фадеев —
Падар деган сўзга ўхшашу яқин...
Малик уш-шуаро Ғафур, Ойбекдек
Мафтун қалбимизга солганди чақин.
Уни қўмсаймиз!..

1971 йил, ноябрь

# НАФОСАТ ДУНЁСИ

Санъат, нафосат қалбларда эзгу ҳислар уйғотади. У — сеҳрли олам. Бу олам сеҳри, гўзаллиги билан инсонни болалигидан бошлаб таништириш керак.

Владимир Ильич Ленин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ бу масалага педагогларнинг диққатини жалб этган эди. Маориф ишлари бўйича давлат комиссияси В. И. Ленин кўрсатмаси билан ўша вақтдаёқ бу тўғрида махсус декларация қабул қилган эди.

Мана, ўша тарихий ҳужжатдан баъзи парчалар: «Ҳайкалтарошлик, расм, ашула ва музика сингари эстетика дарслари иккинчи даражали фанлар ёки ортиқча ҳашамат эмас, улар мактабда асосий ўрин тутиши керак... Бу дарслар, айниқса, ўқишнинг дастлабки даврида кўз ва сезгилар гимнастикасидир. Ритмли ўқиш ва жўр бўлиб ашула айтишга алоҳида эътибор берилиши шарт, чунки булар болаларни коллектив руҳга, туйғулар бирдамлигига ўргатади...

Умуман, эстетик таълим деганда, болаларга санъатни жўнлаштириб тушунтиришни эмас, балки уларнинг сезги аъзоларини, ижодий қобилиятларини изчил равишда ривожлантиришни тушуниш керак. Ана шундагина бола гўзалликдан завқ олиш ва гўзаллик яратиш қобилиятини ривожлантира олади. Акс ҳолда меҳнат таълими ва билимнинг ўзигина одамга ҳаёт қувончи, ижодий қониқиш бағишлай олмайди».

Ҳужжатда бундай ажойиб фикрлар кўп. Ҳозир педагогларимиз ҳамма болаларни санъат оламига мумкин қадар эртароқ олиб кириш ҳақида қайғурар эканлар, бу таълим-тарбия ишларимизнинг яхши анъанасидир. Ижодий ташкилотларимиз ҳам болаларни санъат сирларидан баҳраманд этиш методларини мукаммаллаштирмоқдалар. Бу ўринда биз ота-оналар ҳам мазкур муҳим ва нозик ишдан четда турмасликлари керак, деган фикрни таъкидламоқчимиз.

Ота-оналар кўпинча ўз фарзандларидан алоҳида қобилият излайдилар, ўз болаларининг албатта санъаткор, актёр, музикачи, рассом ё адиб бўлишини истайдилар. Орзуга айб йўқ, албатта. Лекин болада санъатнинг бирон турига алоҳида салоҳият бўлмаса-чи! У тақдирда бола санъат оламидан бехабар қолиши керакми!

Менга таниш бир композитор шундай воқеани айтиб берди. Она ўзининг етти яшар ўғлини унга олиб келиб, боламнинг музикага қобилияти борми-йўқми, дарров аниқлаб берсангиз, уни музика мактабига бермоқчиман, деган талабни қўяди. Шунда композитор бу онага шундай савол беради: «Сиз тарих, математика, физика, география ўқитувчиларидан ҳам ўғлингизнинг шу фанларга қобилияти бор-йўқлигини сўрадингизми! Йўқ. Боланинг бу фанларни, эҳтимол, қобилияти бўлмаган тақдирда ҳам, ўргана бериши сизни ажаблантирмагандир! Нима учун музикани фақат алоҳида қобилиятли болаларгина ўрганиши керак экан!»

Менингча ҳам, композитор дўстимизнинг эътирози ўринли. Болани (албатта, донгдор санъаткор бўлиши учун эмас, ўз маънавий дунёсини бойитиш учун ҳам) ёшлигиданоқ санъат оламига етаклаш, унинг гўзалликка интилишини рағбатлантириш (бундай интилиш ҳар бир қалбда бўлади), аввало, ота-онанинг измидадир. Бунинг имкониятлари кўп, ҳар бир пионер уйида, маданият саройида музика, санъат, адабиёт тўгараклари бўлади, энг яхши радио эшиттиришларни тинглашга ўргатиш, китоб танлашга ёрдам бериш, кундузги спектакларга юбориш мумкин. Ундан ташқари санъат музейлари доим очиқ, музика, умуман, санъат ҳақидаги суҳбатлар концерт залларида, лекторийларда, телевизорда ҳам бўлиб туради.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, санъат одамнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда жуда катта ўрин тутади. Бола назарида гўзаллик ва яхшилик тушунчалари бирга қўшилиб кетган бўлади. Гўзаллик бола назарида доим софликнинг, яхшиликнинг, эзгуликнинг манбаидир. Ундаги бу тасаввурни ардоқлаш керак. Республикамизда болалар ижодига бағишланган кўргазмалар, кўриклар, истеъдодли болаларнинг концертлари, бадиий ўқиш конкурслари уюштириб турилса қандай яхши бўларди. Бу ишда ижодий союзлар, Театр ва рассомлик институти ҳамда музика билим юртлари ташаббус кўрсатсалар айни муддао бўлар эди.

Инсон табиатан санъаткордир, дейди Максим Горький. Бадиий кўникма одамга профессионал маҳорат учун ҳам зарурдир. Педагогларнинг таъкидлашича, эстетик тарбия бошқа фанларни ўзлаштиришда самарали таъсир кўрсатар экан. Буюк мураббия Надежда Константиновна Крупская, санъат, нафосат болаларни тиниқ фикрлашга, борлиқни ёркин ҳис этишга ўргатади, унга оламни ўрганиш ва ўзгартириш воситаларидан бири, деб қарашимиз керак, деган эди.

Бу мураббийлар ва ота-оналар учун сира эскирмайдиган, тўғри ва доно кўрсатмадир.

---

# КЕНГЛИКЛАРНИ ҚУЧСАМ ДЕЙМАН...

*Шарқий Сибирдан хат*

Ҳурматли гулистончилар!

Мана, кўришганимизга бир йилдан ошиб кетди. Вақтнинг ўтишини қаранглар. Аммо «Гулистон»нинг ҳар сонини олганда қадрдон ўзбек дўстларим билан яна дийдор кўришгандек бўламан. Биласизлар, мен Тошкент, Самарқанд қурилишларида ишлаган эдим. Энди бу қадрдон шаҳарлар нақадар гўзал бўлиб кетган экан, сира тасаввур этолмайман. Аммо ҳозир мен ишлаётган Ангарск шаҳри ҳам ғоят шинам, навқирон шаҳар. Шарқий Сибирнинг дилбари деса бўлади. Ўзларингиз биласизлар, бу ерларнинг табиати беқиёс, ўрмонлар, дарёлар... Ёзи серёмғир, бу йил эса кузи — ҳақиқий олтин куз бўлди.

Мен саёҳатга ўчман. Бу ерда тайгани, Байкал соҳилларини кезиб чиқишга улгурдим. Ҳамма жойда ўзимизнинг ажойиб меҳнаткаш одамлар, ҳар ернинг табиати эса — ўзига хос, беназир.

Мен аввал, Ўзбекистондан бошқа бир ўлкани бу қадар сева олмасман деб ўйлар эдим, чунки бу қадар мўл офтоб, бу қадар кўп гул ва бу қадар ажойиб қалбларни бир умрга севмаслик мумкин эмас эди. Аммо поёнсиз Ватанимизнинг бошқа гўзал ўлкаларини ҳам кўргач, муҳаббат ҳисларимни юрагимга сиғдиролмай қолдим. Ён дафтарларимда ҳозир шундай жозибали номлар, воқеалар, мўъжизалар борки, ҳар қандай журналистни ҳайратга солиши мумкин. Мен Ватанимиз, юрган йўлларим ҳақида кўп ўйлайман, ҳамма кўрганларимни ўқсам, барча яхши одамларни ёдимда олиб қолсам, бутун кенгликларни қучсам, дейман. Аммо ҳозирча вақт етмаяпти, ўқийдиган нарса кўп, ҳали юрилмаган йўллар қанча, мен ишлаётган электр заводдаги ажойиб иш ва ажойиб коллективнинг ўзи бир умрга татигулик. Бунинг устига отпускада Москвага ҳам боргим келади, сиз дўстларимни ҳам кўргим келади. Аммо бутун умр ҳали олдинда, ҳаммасига улгурмасак ҳам, анча иш қилишимиз мумкин. Сиримдан огоҳсизлар: кўрганларимни китоб қилиб ёзиш орзум бор. Бироқ ҳали бунга эрта. Ҳали ёзмайман, ҳали ҳаётга ташнаман, ишлаш, кўриш, одамлар билан танишиш керак; иложи бўлса Ватан қиёфасини, халқим қиёфасини қалбимга бутунлай жойлай олсам (шу мумкин бўлармикан, сизлар қандай ўйлайсизлар?), кейингина қоғозга туширмоқчиман. Шунинг учун юрагимда ором йўқ, ҳар зумнинг маъноси, ҳар чеҳранинг жозибаси, ҳар иш кунининг, ҳар қадамнинг мазмуни ўйларимни банд этади. Ёзадиган нарсам бадиийми, ёки шунчаки ҳаётнинг таҳлили бўладими, билмайман. Лекин биламанки, ҳаётнинг порлоқ қудратига ишқ қўйиб, доим мўъжизага интилиб, ҳар куни меҳнатга, худди ширин таом егандагидек астойдил иштаҳа билан киришадиган одамгина Инсон деган азиз номга муносиб бўлади. Менинг яшаш шиорим шу, агар ёза олсам, ёзиш шиорим ҳам шу бўлади.

Ҳамма қадрдонларга соғинчли салом билан:

**Борис НИКИТИН**

Ангарск шаҳри

УЙҒУН,
Ўзбекистон халқ шоири

# Ёшлик юрагимни тарк этолмайди

## Чинор

Савлат тўкиб туради чинор,
Ҳавас билан қарайман унга.
Бўйи баланд, ҳаммадан аввал
Салом берар тонг чоғи кунга.
Довулларда аста тебранар
Афсонавий паҳлавонсимон,
Бўй чўзганда қаддини ростлаб,
Тор келгандай бўлади осмон.
Ун қулоч ҳам етмас белига,
Дилни тортар маҳобат, чирой.
Ойдин тунда бошига келиб
Қушдай қўнар ҳатто тўлин ой...
Юз кишига соябон бўлар
Саратонда сersоя чинор.
Чиқсанг етар юлдузга қўлинг,
Гўё кўкка туташган минор.
Юз ёғочга барг бўлар барги,
Битта дарахт ҳар битта шохи.
Тоғлар билан бўй ўлчар мағрур,
Чўққиларда доим нигоҳи.
Яшил тўнни ечгиси келмас,
Япроғини кечроқ тўкади.
Кузда унинг олтин кифтига
Оқшом қўёш келиб чўкади.

Унча-мунча бўрондан қўрқмас,
Тўпиғидан келмайди селлар.
Ажиб бир манзара касб этар
Баргларини ўйнатса еллар.
Беш қиррали олтин барг сонсиз,
Инган каби юлдуз галаси...
Чақмоқ силаб ўтар манглайин,
Сочин ювар баҳор жаласи.
Фойдаси кўп инсонлар учун,
Яшил бойлик дейдилар уни.
Бекорга тилашмас кексалар
Йигитларга чинор умрини.
Аъло бўлар чинор тахтаси,
Чинор сандиқ азалдан машҳур.
Мўъжизага айланар унда
Узоқ йиллар қуёш тўккан нур.
Умри узоқ бўлар чинорнинг,
Дарахтларнинг нориди чинор!
Ҳавасимни келтириб доим
Савлат тўкиб турар пурвиқор.
Тақлид қилгим келар чинорга,
Орзу учун айбламас ҳеч ким.
Армоним йўқ эди ўхшаса
Умрига умрим...

## Юзларимга боқиб ҳайрон бўларсан...

Юзларимга боқиб ҳайрон бўларсан,
Ёшликдан асар ҳам қолмаган юзда.
Бу табиий бир ҳол: баҳор, ёз ўтиб
Хазонрезгилиги бошланар кузда.

Танамни, чеҳрамни тарк этди ёшлик,
Фақат юрагимни тарк этолмади.
Қанча уринмасин кетишни чоғлаб,
Ўрганган жойидан ҳеч кетолмади.

Ёшликни юзимдан ахтариб юрма,
Ёшлик юрагимда, ёшлик шеъримда.
Қалбимнинг ёшлиги, хушчақчақлиги
Айт-чи, дўстим, шубҳа уйғотар кимда!

Агар юрагимни тарк этса ёшлик
Дарҳол билинарди қариганлигим.
Дилда ёшлик қўри бор экан ҳали
Мени қариди деб айтолмас ҳеч ким!

Бахтим шу: юзларим сарғайса ҳамки,
Юрагимда кўклам, ёшлик баҳори.
Токи ёшлик ҳамроҳ экан юракка
Янграшдан тўхтамас шеърият тори...

## Сени излаб...

Сени излаб гулзорга кирдим,
Сен йўқ эдинг, ҳувиллар гулзор...
Келишингга ишонган эдим,
Шу эдими ваъдаларинг, ёр!..

Тополмадим ахтариб сени,
Мени ташлаб кетибсан йироқ.
Жуда оғир, билсанг, гўзалим,
Куз пайтида юз берган фироқ.

Сенсиз яшаш мушкулдир менга,
Излаб сени бир кун топарман.
Дарагингни эшитдимми, бас,
Изларингни излаб чопарман.

Бор эканми бошқа иложим?
Сенсиз яшаш жуда ҳам қийин.
Ҳозир сени топа олмасам,
Умидворман, топарман кейин...

Сени излаб гулзорга кирдим,
Гулзор сенсиз бўм-бўш, ҳувиллар...
Хазон титиб боғ ўртасида
Аллақандай қушлар чувиллар.

Қулоғимга кирмас шовқинлар,
Чунки бутун хаёлим сенда.
Бутун умр сени излайман,
Бошқа илож йўқ ахир менда...

# КАРВОН ЙЎЛДА

...Тошкентнинг марказидаги, бу сершовқин шаҳри азим учун эриш туюладиган сокин кўчаларнинг бирида шинамгина бир уй бор. Ҳар ким бу уйга кираверишда ғалати жиринглаган товушни эшитиб, ён-верига бир аланглаб олади. Ёзувчи Сергей Бородин билан бизнинг суҳбатимиз ҳам ана шундан, нима учун даҳлизга карвон туялари бўйнидагидек қўнғироқ осиб қўйишганидан бошланди.

— Карвон ҳамма вақт йўлда. Қўнғироқ келган меҳмоннинг даракчисигина эмас, бу уйдаги ҳаёт йўл устидаги бир муддатли бекат эканлигини унутмаслик учун ҳам керак,— дейди ёзувчи.

«Йўл» — бунда мажоз эмас. Сергей Бородин, романларидаги воқеалар оқими ўтадиган барча шаҳар ва мамлакатларни ўзи ҳам кезиб чиққан. У тасвирлаётгани даврни мукаммал ўрганишни ўзига қатъий талаб қилиб қўяди. Баъзан қўлга киритилиши қийин бўлган ёки узоқ жойлардаги архив ва кутубхоналарда сақланаётган ҳужжатларни чидам билан ўрганиши ҳам ана шундан. У номаълум ҳужжатлар билан танишиш мақсадида сафарга чиқиб, ўз қаҳрамонларининг йўлидан ўтади. Бу муҳитни, жойларнинг шарт-шароитини беришда ёзувчига қўл келади. Чунки, ҳеч бир китоб, ҳеч қандай ҳужжат кўз билан кўрганга етмайди.

Унинг ишхонаси катта кутубхонани эслатади. Териб қўйилган қомуслар, тарихий асарлар, шарқшунос, археолог, нумизматларнинг ишлари, бадиий асарлар, географик атласлар, альбомлар шифтга тиралиб турибди.

У ўтган асрлар томон қараб борарнан, бугунги кун билан яшаб, келгусини ўйлайди. Ёзувчининг барча асарларини улкан бир мавзу бирлаштириб туради. У ҳам бўлса, халқларнинг ўз мустақиллиги учун кураши мавзуидир.

— Сиз катта адабиётга қандай кириб келгансиз?

— Мен катта ва кичик адабиёт ўртасида чегара кўрмайман. Баъзан ёш ёзувчининг биринчи очеркиёқ китобхоннинг диққатини жалб қилади.

Адабиётда менинг омадим бор. Китобхонлар ҳам, танқидчилар ҳам мен томонда. Бу ўз вақтида жуда кўп нарсани талаб қилади. Аввало, танланган материал янги ва арзигулик бўлиши, шунингдек, янгича ҳал қилиниши лозим. Асар шакл жиҳатидан ҳамиша замонавий бўлиши керак. Шуларнинг ундасидан чиқилса, адабиётга қўшадиган ҳисса тўғрисида ҳам гапириш мумкин.

— Сиз қачон ва қандай ёза бошлагансиз?

— Биринчи очерким ўн уч ёшимда, Москва журналларининг бирида босилган. Шундан бошланган бўлса, эҳтимол... Валерий Брюсов 1921 йилда илк шеърларимни мақтаб, мени ўзининг «Шеърият студияси»га тортди. 1922 йилда Брюсов ташкил қилган Адабиёт институтига кирдим. Машғулотни атоқли олимлар олиб боришарди. Улардан таълим олишнинг алоҳида завқи бор эди: сўзларимиз чархланиб, дунёқарашимиз ўсар, студентлар кундалин жиддий меҳнатга ўрганишар эди. Материални пухта эгаллаш талаб қилинар, дарсларнинг умумий савияси баланд эди. Биз Михаил Светлов, Пётр Замойский, Артём Весёлий, Степан Злобин билан бирга ўқиганмиз.

## Сеҳргар

Сеҳргар бор, деса ишонмас эдим,
Сени учратдиму энди ишондим.
Сеҳргар экансан, сеҳрлаб олдинг,
Севгингга тутилдим, ишқингда ёндим.

Ипсиз боғлаб олдинг бир қиё боқиб,
Қўлингга туширдинг мени тузоқлаб.
Қўлдан олиб қўйдинг ихтиёримни,
Энди кетолмайман сендан узоқлаб.

Менда ихтиёр йўқ энди, жонгинам,
Бутун ихтиёрим сенинг қўлингда.
Шу ёққа бораман — қайга бошласанг,
Умримни сарф этиб сенинг йўлингда.

Узоқларда бўлсам, висол умиди
Менга далда берар, менга жон берар.
Яқинингда бўлсам, висол лаззати
Дилга сиғмайдиган ҳаяжон берар.

Ахир, одам тирик ҳаяжон билан!
Сўнар, ишқ ўтида ёнмаса юрак.
Бахтли бўлармидим, ўзинг айт, жоним,
Севги лаззатига қонмаса юрак!

Тақдиримдан сира хафа эмасман,
Хурсандман шу куйга тушганлигимдан.
Аминман, сенинг ҳам юрагинг нотинч,
Кузатиб юрибман билдирмай зимдан...

Мени алдаганинг алдаган, жоним,
Сенда инсоф деган нарса йўқ экан.
Лабингга лаб қўйсам икки гилос деб,
Лабимни куйдирди — икки чўғ экан!..

Сеҳргар бор, деса ишонмас эдим,
Сени учратдиму энди ишондим.
Бир қарашингдаёқ сеҳрлаб олдинг,
Севгинг оловида ловиллаб ёндим...

## Инсон заковати

Кечаги чўл бугун гулистон,
Тамом ўзгарибди бу ерлар.
Меҳнат қилар, бунда тангрининг
Хатосини тузатган эрлар.

Тангри чўлни «яратган» бўлса.
Инсон уни таҳрир қилибди.
Чўл ўрнида бўстон бўлишин
Доно инсон афзал билибди.

Яшайверсин оламга зеб берган
Инсондаги заковат, идрок!
Бўстон бўлар минг йиллик чўл ҳам
Меҳнат ҳалол, ният бўлса пок!

## Табиатнинг ўйини

Табиатнинг ўйини қизиқ,
Бунга мисол кўкарган ёғоч:
Кийим кийиб ёзда, иссиқда,
Қишда эса бўлар яланғоч...

## Вафоли ёр эрурман...

Вафоли ёр эрурман, сен ҳам менга вафо қил,
Берсам тариқча озор, сен ҳам менга жафо қил.

Ўрнингни ёрга бер, деб кўкдан қуёшни ҳайдай,
Юксал қуёш бўлиб сен, кўкда сайри само қил.

Мурувват айла менга, кўрсат менга саховат,
Сен бахтиёр эрурсан, бахтингга ошно қил.

Ҳуснингга боққанимда ақлу ҳушим йўқолса,
Келтир ҳушимга дарҳол, кўзинг билан имо қил.

Ҳар қанча ишва бўлса кўрсат ўзимга, жоним,
Шарму ҳаёни сақла, бегонадан ибо қил.

Васлинг билан тирикман, ҳажрингга тоқатим йўқ,
Ҳажрингда хаста бўлсам — васлинг билан даво қил.

Лабинг лабига тегса ўликка жон кирармиш,
Лабингни қўй лабимга, жонсизга жон ато қил.

Ошиққа бўса берса маъшуқаси,— хатомиш,
Бўсангга қонганим йўқ, ҳар дамда юз хато қил.

Хурсанд бўларди Уйғун, хурсандлигингни кўрса,
Давринг келибди, жоним, даврингни сур, сафо қил!

## Бир ажиб хислат сезарман...

Бир ажиб хислат сезарман мен гўзалнинг нозида,
Севги мадҳи куйланар ул дилрабонинг созида.

Боғда булбуллар, тасанно, дер қўшиқ айтганда у,
Чунки булбулларга хос мунг бор унинг овозида.

Тингласангиз дилда шодлик мавж урар дарё каби,
Тенги йўқ лаззат, нозокат бор унинг «Шаҳноз»ида.

Интизорман, жонгинам, бир-бир босиб гулшанга кел,
Қолдириб из навбаҳорнинг турфа поёндозида.

Бўлса имкон ҳамма ҳам қилгай мурувват ўзгага,
Сен сахий бўлсанг мурувват қилгил имкон озида.

Тез билингай ишқибозларнинг баланд-пасти аниқ,
Севги осмонида қилган сайрида, парвозида.

Кунлари роҳатда ўтгай кексаликда ким агар
Қилса меҳнат умрининг фасли баҳори, ёзида.

Шоир Уйғун, кўзларинг тўймас гўзалликка сира,
Кўзларинг соҳибжамолларнинг яна таннозида...

---

— Сиз институтга шоир сифатида қабул қилинган экансиз, насрга қандай ўтиб кетгансиз?

— Мен ҳикоя ва очерклар ёзишни канда қилганим йўқ. Шеър руҳимга тўғри келмаслигини англагач, табиийки, Брюсов ҳар қанча менинг қаламимдан шеър енгил кўчади деб ҳисобламасин, насрга ўтиб олдим.

— Сергей Петрович, сиз нима учун тарихий роман жанрига мурожаат қилдингиз?

— Ўттизинчи йилларда энг замонавий ҳозиржавоб мавзуларда ишлаганман. Ушанда ёзганларим ҳозиргача қайта нашр қилинади. Аммо менинг диққатимни доимо тортиб келган нуқ — тарихдир. Мен, ўзим яшаётган давлат ва унинг маданияти қандай ташкил топганлигини билишга қизиқардим. Халқнинг бугунгача босиб ўтган йўли ғоят мураккаб, воқеаларга бой, баъзан эса фожиалидир. Китобхонларга ана шулар ҳақида ҳикоя қилишни фойдали ҳамда ҳозиржавоблик деб ҳисобладим. Ана шу ният мени биринчи романим «Дмитрий Донской»ни ёзишга олиб келди. Романни зўр иштиёқ билан тез ёздим. Бу жанр менга яқин туюлди. Шундан буён «Самарқанд осмонида юлдузлар» деган умумий ном билан яна учта тарихий роман ёздим.

— Китобхонлар сизни Урта Осиё мавзуида ишлаётган ёзувчи сифатида биладилар. Сиз Шарқ мавзуига қандай ўтгансиз?

— Зотан мен ундан узоқлашганим ҳам йўқ. Дастлабки китобларимнинг кўпчилиги Урта Осиё материали асосида ёзилган. Мен биринчи марта бу ерга студентлик давримда, 1923 йилда келганман. Шундан сўнг тез-тез келиб турдим. Шунинг учун Урта Осиё тарихини ҳам қуруқ экзотика эмас, юрагимга яқин материал сифатида ўргандим.

— Сизнингча, тарихий мавзу билан замонавийликнинг боғлиқлиги нимада?

— Замонавийлик мавзуда эмас. Гап ёзувчининг қандай ёндашишида. Қанчалик қадимий бўлмасин, мен тарихий воқеаларга совет кишиси нўзи билан қарайман.

— Қаҳрамонларингиздан қайси бири юрагингизга яқинроқ?

— Менинг қаҳрамоним халқ ва унинг тақдири. Мен шунинг учун ҳам, тарих асосида ҳал қилишимга қарамасдан, ўз мавзуимни замонавий деб биламан.

— Кабинетингизда япон ниқоблари, қадимий тангалар жавони ва бошқа ажойиботлар кўп экан. Ишингизда буларнинг ёрдами тегадими?

— Албатта. Мана бу, темурийлар зарб қилдирган тангалар, қадимги араб пуллари мен қаламга олаётган ўша даврда қўлма-қўл юрган... Уларда даврнинг турмуш маданияти, мен кўриб ўрганмоқчи бўлган ҳаёт акс этган. Булар менга ўша даврни тасаввур қилишда ёрдам беради.

— Қандай режаларингиз бор?

— Роман. Асар марказида яна халқларнинг ўз ерида озод ва тинч яшаш ҳуқуқи учун кураши масаласи туради. Яна босқинчиларга қарши кураш...

— Романни қачон тугатмоқчисиз?

— Ишни энди бошладим. Материаллар ҳар хил мамлакатларда «ётибди». Ҳали қанча сафарлар, учрашувлар бор...

— Янги китобингиз нима деб аталади?

— Уқувчилар буни сўнгги саҳифада сиёҳ қуриши билан билиб оладилар.

Суҳбатимиз тугади. Бу хонадондан чиқиб кетаётганимда даҳлиздаги қадимий қўнғироқ уй эгасига нарвоннинг янги йўлга тайёр эканлигини эслатиб, жаранглади.

Т. НИЁЗМАТОВ

## Жаҳон адабиёти ёдгорликлари

# ГИЛГАМЕШ

Эпос — халқ ҳаётидаги буюк воқеаларни кенг миқёсда эпик тарзда баён этадиган катта асардир. (Гоҳо достон ҳам деб атаймиз, лекин бу торроқ маънода). Эпослар халқ даҳосининг, М. Горькийнинг айтишича, коллектив фикрлашнинг, эпик тафаккурнинг, сўзга рамз деб қараш ва катта умумлашмаларнинг самарасидир. Айниқса қаҳрамонлик эпослари кўпинча ватанни ҳимоя қилиш, ёвузликни, офатни енгиш каби катта жанговар воқеаларга бағишланади ва улар албатта Алломиш, Амирон, Тариэл, Одиссей, Гўрўғли, Прометей, Илья Муромец, Манас сингари кучли, ёркин халқ қаҳрамонларининг образларини юзага келтиради.

Энг қадимий адабий жанрлардан бири бўлган эпосда эпик, лирик ва драматик тасвирлар қоришиқ ҳолда бўлади. Шунинг учун уларда назм ва насрий парчалар кўпинча навбатлашиб келади.

Биз журналимизнинг бундан кейинги сонларида жаҳон халқларининг энг машҳур эпослари ҳақида қисқача ва оммабоп тушунча ҳамда улардан парчалар бериб борамиз.

«ГИЛГАМЕШ» — Бобил ёдгорлиги, энг қадимги, энг йирик эпослардан. Унинг қаҳрамони Гилгамеш Месопотамиядаги Кулоба шаҳрининг ҳокими бўлиб (эрамиздан уч минг йиллар аввал), ўз юртини босқинчилардан қўриқлашда афсонавий қаҳрамонликлар кўрсатган. Эпосда ёвузликка, ўлимга, бахтсизликка, офатларга қарши кураш куйланади, ҳаётнинг маъноси, мангулик, ёшлик ва кексалик тўғрисида фикр юритилади.

Бу асар эрамиздан етти юз йиллар муқаддам яшаган Бобил подшоси Ашшурбанипал кутубхонасининг вайроналаридан топилган. Қадим дунёнинг бу қимматбаҳо ёдгорлиги сопол идишларга ёзилгани учун сақланиб қолган.

Қуйида «Гилгамеш»дан кичик парча ўқийсиз.

### Мақтов

Кишдан[1] Агга[2] чопарлари
Урукка[3] етиб келди.
Шаҳар оқсоқолларига
Бир сўз деди Гилгамеш:

«Юртнинг барча қудуқларин
Кавлаб тугатиш учун,
Арқонларни эшиб бўлиш,
Чиғириқ тузатиш учун,
Кишдан келган келгиндига
Зарб-ла жавоб берайлик!»
Шаҳар оқсоқоллари
Гилгамешга дедилар:
«Юртнинг барча қудуқларин
Кавлаб тугатиш учун,
Арқонларни эшиб бўлиш,
Чиғириқ тузатиш учун,
Кишдан келган келгиндига
Зарб-ла жавоб берайлик!
Шундан кейин оқсоқоллар,
Ундан кўнгиллари тўқ,
Фуқарони жангга чорлаб,
Бонг уришди ҳар ёнда.
— Ўтирганлар, турганлар,
Боғда чайла қурганлар,
Пиёдалар, отлиқлар,
Эшитмадим деманглар:
Урук — эзгу қалъамиз,
Қасрлари илоҳий,
Булутларга тегиб турган
Минорлари мустаҳкам.
Бизнинг ғолиб дарғамиз,
Қуёш ўғли Гилгамеш
Қачон ёвдан чўчиган
Қачон ёвдан чекинган!!
Бу мақтовга Гилгамешнинг
Олов ёнди қалбида.
Фуқаро ҳам рағбатланди,
Омочларни қўйдилар.
Шаҳарнинг атрофига
Қоя тошлар уйдилар.
Ёв келганда Гилгамеш
Ўзи чиқди қалъадан,
Орқасидан лашкарлари
Чанг тўзғитиб қўзғалди.
Тупроқ билан тисон қилди
Келгиндилар галасин.
Киш шаҳрининг ҳокимини
Асир олди яккалаб,
Асир ҳушомад қилиб,
Мадҳиялар ўқиди.
Бу мақтовлар Гилгамешнинг
Ҳуш келмади кўнглига.
Фуқаронинг мақтовида
Бирон ҳикмат бор эди.
Бирон ҳикмат йўқ эдию
Фақат бегубор эди.

А. МУХТОР таржимаси.

---

1 Киш — Фирот, Дажла дарёлари оралиғидаги бир шаҳар.

2 Агга — унинг ҳокими.

3 Урук — шаҳар қалъаси.

1 Инанна — ҳосил, барака тангриси.

**Космос электр станцияси.** Баъзи кристаллар ажойиб хусусиятга эга бўлади: жиндек қуёш нури тушса, худди жажжи электр станциядек қувват бера бошлайди. Шундай кристаллардан, масалан, мингтасини бирлаштириб, қуёшга қўйилса, анча қудратли электр манбаи ҳосил бўлади. Машҳур «Луноход»нинг «электр станция»си мана шу кристаллардан иборат. Қуёш нурини электр қувватига айлантирадиган шундай кристаллар бошқа космик аппаратларда ҳам иш бермоқда.

**Табиат инсон измида.** Бегона ўтлар ва ёввойи ҳайвонларни инсон эҳтиёжларига мослаб, янги нав ва янги зотлар яратиш минг йиллардан бери давом этиб келади. Ҳозиргача буғдойнинг 30 минг хил янги нави, олманинг 10 минг хил, картошканинг 2000 хил янги нави яратилган. Қорамолнинг 400, қўйларнинг 250, йилқининг 150 дан зот янги зоти яратилгани аниқланган.

**Тўрт оёқли геолог.** Баъзи маъданларнинг ўзига хос ҳиди бўлади. Масалан, олтин бор жойдан сезилар-сезилмас сариқсоқ ҳиди келиб туради. (Олтин доим арсенопирит деган металл ёнида учрайди, бу ҳид эса аслида ўшанинидир). Шунингдек, мис ва руҳнинг ҳам ўзига хос ҳиди бўлади. Демак, маъдан топишда ит-новичларидан фойдаланиш мумкин экан-да? Финляндияда бу нарса синаб кўрилди. Новичит мис бор жойнинг худди ўзида тўхтаб, ҳураверди. Бу усул Карелия ботқоқликларида ҳам синалиб, геологларга анча қўл келиб қолди.

## Янги йил келди, онажон!

Онажоним, келиб қолди яна Янги йил,
Сизни эслатади шу гўзал мавсум.
Бирга кутар эдик тўлиб-тошиб дил,
Асло армасди юздан табассум.

Она-бола сипқорардик бирор қултум май,
Оппоқ-оппоқ қорларда кўз, сўзда бол эди.
Ўтирардик ҳатто тонглар отганин сезмай,
Қиёси йўқ бир дам эди, зўр иқбол эди.

Бир кун аввал кўрар эдим ўчоқ бошида,
Ё тандирда кулча узган қўлларингизни.
«Отаси йўқ, ўксимасин ўсмир ёшида» —
Эшитардим дилдан чиққан сўзларингизни.

Мен кўз олмай ўтирибман шу дастурхондан,
Бу йил сизни қучиб қутлаш бўлмади насиб...
Шу дастурхон бору сиз йўқ энди, волидам,
Давра қуриб ўлтирибмиз сизни эслашиб.

Хотиралар туғён уриб, ўйим тўзитар,
Ўйлар худди сукунатдай сизни кутар гоҳ.

Қандай фарзанд тўкинликда сизни унутар!!
Дилим азал она учун нурли қароргоҳ.

Сиз кўрмаган ўғил-қизим — унган нав-ниҳол,
Шулар борки, ҳаётимда таъм, қуту қароғ.
Шулар ахир, онажоним, сиз берган иқбол,
Сиз яшнатган ёруғ хонам, сиз ёққан чароғ.

... Бир дам сукут сақлаб қолдим, узр, онажон!
«Тантанада сукут қилмоқ ёмон», дердингиз.
«Ҳажр дардин унутгилу, ўйна, кул, қувон,
Дил хушласанг умринг боқий, омон», дердингиз.

Қулоғимда товушингиз янграйди ҳамон,
Тўйимда ҳам, тўкинимда биргасиз, бирга.
Шодлик борки, ташвиш борки, сиз доим омон,
Йиллар ўтар, биз билансиз бутун умрга.

Онажоним, кириб келди яна Янги йил,
Янги йилки, иккаламиз севган шу мавсум.
Диллар қўшиқ, япроларга жуда ҳам мойил,
Шодлик, бахтга зинҳор бўлсин келган ушбу зум!

Нуриддин БОБОХЎЖАЕВ

Наманган.

## ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

# ДЕҲҚОНБОЙ ҲИКОЯСИ

Сўлим хиёбондан икки киши бормоқда. Олдинда қирқ беш ёшлар чамасидаги ўрта бўй, ғўлабир киши. Бошида чуст дўппи. Бир чимдим мўйлови буғдойранг юзига ярашган. У тўхтаб, эргашиб келаётган ёш йигитга ўгирилди:

— Дима, биласанми, мен дастлаб иш бошлаган вақтларда комбинатда фақат битта цех бор эди, — деди. Кейин кўли билан кўрсатди. Мана бу чойхона, институт бинои—булар биттаси ҳам йўқ эди. Бу ерлар ажириқзор, тўқайзор бўлган. Энди кўриб турибсан, комбинат, қатор-қатор оппоқ бинолар... Шаҳримизда 50 миллат вакили, 110 мингдан ортиқ аҳоли яшайди...

Ҳамроҳининг ҳикоясини жимгина тинглаб бораётган баланд бўйли, сочи калта қирқилган, юзи офтобда пишган, истараликкина йигит Дмитрий дам-бадам суҳбатдошига жилмайиб боқади...

Бўзсув кўпригидан ўтиб, темир йўлга етганларида Деҳқонбой яна гап бошлади:

— Бу темир йўл қачон қурилганини биласанми?

Дмитрий ҳайрон, «Мен қайдан билай?» дегандай елка қисди. Деҳқонбой бу йўлдан биринчи поезд ўттиз бешинчи йилнинг сентябрида ўтганини, онаси билан олма сотгани бозорга тушганида ўша куни илк марта поездни кўрганини айтди. Кейин шпал устига тўкилиб қолган оппоқ нарсани кафтига олди.

— Ия, селитра-ку!..

Деҳқонбой қўлидаги ўғитнинг илк намунаси қирқинчи йилнинг олтинчи ноябрида, ўзи ишлаётган корхонада Ўзбекистонда биринчи марта ишлаб чиқарилганини, дастлабки тонналари Андижон пахтакорларига юборилганини гапира кетди...

Темир йўлдан ўтишгач, ёлғиз оёқ сўқмоққа бурилишди. Барларига урилиб орқада тебраниб қолаётган кўкатлар, ариқда чулдираб оқаётган сув, қишлоқнинг ўзига хос тоза ҳавоси хаёлга толдирди шекилли, икковлари ҳам жим. Деҳқонбой шогирди ҳақида ўйлаб борарди. «Ҳозир ўзидан ўзиб кетган Каримжон ҳам дастлаб ишга келганда худди шу Димага ўхшаш ғўр эди. Аммо Дима бу йўлни тезроқ босиб ўтади, армия хизматидан келди. «Правда» газетасида Деҳқонбой ҳақида чиққан мақолани ўқибдию «Шу моҳир устага шогирд тушганим бўлсин!», деб Чирчиққа келибди. Одам ёшлигида нималарни орзу қилмайди! Лекин Диманинг шаҳдига қараганда, орзусига етадиган кўринади».

Мана, бугун Деҳқонбой Димани қишлоғига олиб бораркан, йўл-йўлакай унга ҳаётдаги баъзи бир нарсаларни айтмоқчи. Қишлоғи, ота-онаси, укалари билан таништирмоқчи. Булар унинг ҳақиқий ишчи бўлишига, янги жой билан, янги коллектив билан қадрдонлашув ишига ёрдам бериши аниқ.

Дмитрий ҳам шу топда бўлажак устози ҳақида ўйларди. Цех бошлиғи устага рўпара қилиб кетгандан кейин, Деҳқонбой ундан қаерда хизмат қилганини, ота-онасини суриштирди. Қаерда ётиб-туришини сўради. Кейин, ҳозир ҳамма кимё корхоналарида мисгарлар камлигини, бу ишда баъзан вақт, смена билан ҳисоблашмай, тунлари уйқудан уйғотиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиб туришини таъкидлади. «Саккиз соат ишлаб кетаверадиган иш эмас, чидайсанми шунга?», деб очиғини айтди. Сўнг цехни айлантириб, гувиллаб ишлаётган аппаратлар билан таништирди, конденсаторни, ҳаво алмаштириш жиҳозларини, совутгич агрегатларни кўрсатди. Уч кунгача Дмитрий устозининг ишини кузатиб, цехга келиб-кетиб юрди. Тўртинчи кун деганда «Қани энди ишга, кичкина Деҳқон», деб енг шимарди.

Хаёл оғушида дарёга қандай етиб келишганини ҳам сезмай қолишибди. Катта бетон кўприк рўпарасидан чиқишди. Тўғон тепасида сув кўм-кўк. Пастда эса денгиз қайнамоқда. Тўғон остидан шиддат билан отилаётган сув тўсиққа урилиб юқорига сапчийди, сўнг ҳолдан тойиб беҳисоб гирдобчалар ҳосил қилади. Ана, иккита олма пилдираб оқиб кетяпти. Буни кузатиб турган йигитлар сархуш. Дмитрий рўмолчасини ҳўллаб, бошига ёпаркан:

— Оҳ, оҳ, жуда муздак-ку! — деди. Деҳқонбой бақувват қўлларини унинг елкасига ташлади:

— Муздак. Қишин-ёзин шундай. Сабаби, бу дарё ҳов анави қордан қалпоқ кийган баланд тоғлардан тушади. Шу асрий музларнинг салқини. Бу дарёнинг қадимий номи Паррак. Ёз ойларида Чотқол, Кўксув, Писком, Угом дарёларининг сувини шимиргандан кейин, жуда жўшиб оқади.

Деҳқонбой тоғ этакларидаги кўм-кўк қишлоқларга, Чирчиқ воҳаси томон назар ташлади. Кейин, рўмолчасини яна сувга чайқаётган Дмитрийга юзланди:

— Ҳа, Чирчиқ — нур дарёси, об-ҳаёт! ГОЭЛРО планига кўра мамлакатимизда ўнта ГЭС қурилиши кўзда тутилган бўлса, шулардан биттаси Бўзсув эди. Ҳозир бу дарё суви билан юрадиган электр станциялар ўн олтита. Йилига бир миллиард киловатт-соат қувват беради. Чорвоқ ГЭСи батамом ишга тушганда, дарё соҳилидаги чироқлар маржонини ана ўшанда кўр! Чирчиқ! Қишлоғимизда биринчи электр лампочка, шаҳримизда биринчи темир йўл, Ўзбекистонда биринчи кимё корхонаси, Ўрта Осиёда биринчи селитра, карбамид, биринчи саноат шаҳри, буларнинг ҳаммаси шу дарё билан боғлиқ.

* * *

Деҳқонбой ёшлигини ёнидаги йигитчанинг ҳаётига қиёс қиларди. Ҳа, фарқ катта: у ишни етти ёшида омочга қўшилган ҳўкизни етаклашдан бошлади. Тушликда ачитма гўжа ичиб ўтиришган пайтларида отаси «Сени ўқитаман», дерди хўрсиниб. Ўзи ҳам ўқиб «катта одам» бўлишни орзу қиларди. Аммо еттинчи синфга чиққанда уруш бошланиб кетди. Оиланинг тўнғичи Деҳқонбой ўн олти ёшда эди. Уруш каттаю кичикни бирдек ташвиш домига тортди. Деҳқонбой ҳам ўқишни қолдириб, ишга киришга мажбур бўлди.

1942 йил ўрталарида Чирчиққа Ленинграддаги «Электропульт» ва Горловкадаги кимё заводлари кўчириб келтирилди. Уларни тезликда тиклаб, ишлатиш учун кўп ишчи кучи керак эди. Ана шунда қишлоқдаги комсомол-ёшлар сафарбар этилди. Деҳқонбой ҳам Қўшқўрғон қишлоғидан Чирчиқ электр кимё комбинатига келиб қолди. Мамлакатнинг катта корхонасига айланиб қолган бу комбинат 1943 йилга келиб, 1942 йилдагига нисбатан бир ярим баравардан зиёд маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Ўша йили коллектив Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўзи ҳам ўн саккиз соатлаб ишлашган вақтлари бўлди!.. Деҳқонбойни мисгарлик касбини эгаллашга ундаган бир воқеа ҳамон ёдида: азот кислотаси цехида йирик ускуна ишдан чиқиб, бутун комбинат тўхташ хавфи туғилди. Шунда ўн кунлик ишни беш кунда бажариши керак бўлганда ремонтчи слесарлар, пайвандчи ва мисгарлар икки суткалаб ухлашмади. Хавф бартараф этилиб, ускуна яна гуриллаб ишга тушиб кетди. Ўша кунниинг эртаси катта аппаратчи Асқар ака ишга бир аҳволда келди. Ранги қув ўчган, мўйлови титрайди. Деҳқонбойни етаклаб, цех бошлиғининг хонасига олиб кирди. Кейин урушда бирданига икки ўғли ҳалок бўлганини айтиб, кўзида ёш, мўйловини силаб: «Гап бундай, ўрнимда шу йигитча ишласин. Мен фронтга жўнайман. Қонга — қон, ўч олмасдан қайтмайман. Мен қайтгунча ўрнимда ишлаб тур, ўғлим», деб Деҳқонбойни қучди.

Шуларни ўйлаб, Деҳқонбой Дмитрийга юзланди:

— Э, нимасини айтасан, Дима, уруш йилларида комбинатда бўлган ишларни айтаман десам, гап жуда кўп. Сен буларни билиб қўйсанг, зарар қилмайди. У вақтларда фикри-ёдимиз уруш, иш, ишхонада эди.

ШУКРУЛЛО

# ЗАРРАЛАР

* * *

Ким ҳам ўйламайди замон сирларин,
Баъзан ўйлаб бўлар ҳафсалам ҳам пир.
Не ҳам қила олур бу шеърларим.
Атом бомбаларин олдида ахир!

Нега керак менга дунё ташвиши,
Нега керак менга бу ёғоч қалам,
Баъзан синиб кетар етмасдан кучи,
Муштумдек қалб дардин кўтаролмай ҳам.

Шу кичик бир қалам очилганида
Булбул тумшуғича келмас учи бор.
Қаҳридан тикандек санчилганида...
Тикан заҳарининг нима кучи бор!

Баъзан қўл силтайман ва баъзи онда
Пайдо бўлиб қолар умиддан учқун:
Гоҳо шу кичкина учқун ўрмонда
Даҳшатли аланга бошлаши мумкин!

Йўлин топиб сингган томчи ҳам гоҳо
Упирган-ку буюк кўприкларни ҳам.
Кичикни менсимай қараймиз, аммо
Заррадан яралган эмасми олам!

Гоҳо узоқ турар ёритиб
Туянинг кўзича жойдан тушган нур,
Ғайри дин, ожиза онага боқиб,
Инсофга келган-ку жаҳонгир Темур!

Йўқ, кичик қаламим, ўксима асти,
Атомлар ҳам зарра, шундан ибрат ол!
Оламни ўртамай атом бомбаси,
Сен инсон қалбига шафқат ўтин сол!

* * *

Куз келди. Баҳорда яшнаб туғилган
Ранг-баранг чаманлар энди заъфарон.
Ҳаётда қарилик нишони бўлган
Оқ сочдек, шохларга илинди мезон.

Теваракда ётар қовжираб саҳро,
Умрин тугатибди дейсан табиат.
Аммо мен ўлмайман дегандек гўё
Хазонлар остида бўй чўзар кўкат.

Сарғайиб қуриган ўтлар тагида
Мурғак кўк майсани кўрганим замон
Менга умри ўтган она олдида
Ёш гўдак ётгандек туюлди шу он.

Куз фасли саҳрога тикилиб узоқ,
Умр мангулигин ўйлардим шу чоқ.

---

Комбинат — меҳнат, жасорат майдони бўлган. Уруш йилларида шу Чирчиқ кимёгарлари Давлат Мудофаа Комитетининг кўчма Қизил байроғини ўн тўрт марта олган эди. Ҳукумат қарори билан, 1946 йили бу Қизил байроқ абадий сақлаш учун комбинатимизда қолдирилди.

Рўпарадан келаётган «ГАЗ — 69» қаттиқ тормоз бериб, улар олдида таққа тўхтади. Шофёр ёнида ўтирган тўладан келган, думалоқ юзли сариқ йигит машинадан сакраб тушди.

— Ҳа, қишлоққами? — Деҳқонбой билан сўраша кетди. Кейин: «Машинада олиб бориб қўяман», деб қистади.

— Қўй, бизни деб мажлисга кеч қолма,— деди Деҳқонбой.

— Хўп бўлмаса, кечқурун уйга бораман.

Машина кетди. Икки йўлдош қир-адирлар оралаб узоқда кўм-кўк бўлиб турган қишлоқ томон юришди.

— Раисми? — сўради Дмитрий.

— Йўқ, колхоз инженери. Армиядан келиб, институтда сиртдан ўқиди, чаққон йигит.

«Ҳм» деганича Дмитрий ўйланиб қолди. У ўз юртида бу томонларни бутунлай бошқача тасаввур қиларди. Энди эса мана тоғлик, қишлоқ йигитларининг бири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, номи мамлакат бўйлаб ёйилган моҳир мисгар, унга касб ўргатувчи устоз. Иккинчиси колхоз инженери!

— Сенга айтаверсам, худди эртакка ўхшайди.— Деҳқонбой яна Дмитрийнинг хаёлини бўлди. — Биласанми, ука, чорак аср олдин бу ерда бironта ҳам уй йўқ, ҳеч ким яшамас эди. Бу асфальт йўллар, машина, автобуслар қаёқда дейсан. Ёлғиз оёқ сўқмоқнинг, икки ёни қамишзор, кундузлари ҳам юриш қўрқинчли эди...

Деҳқонбой қўлида темир чўқморли таёқ, устида юпқа пахталик, бошида отасининг тумоғи, белида қийиққа боғланган нон билан ана шу сўқмоқдан қишин-ёзин, куну тун, оппоқ қорларда из қолдириб, лой кечиб шаҳарга ишга қатнаганларини айтмоқчи бўлди-ю, тағин мақтанчоқлик бўлмасин, деб индамади.

* * *

Дарвозадан киришлари билан, зуваласи пишиққина аёл уларга пешвоз чиқди. Ибодат хола ўғлининг елкасига қўлини қўйиб, пешанасидан ўпиб кўришаркан:

— Бугун тушимга кирувдинг-а, болам, ўзим ҳам илҳақ бўлиб турувдим,— деди. Кейин Дмитрий билан саломлашди.

Эски сим каравотда ўтирган, соч-соқоллари қордек оппоқ, барваста қария қўлларини тўшакка тираб, ўрнидан турди. Ажин босган қўлларини узатиб аввал ўғли, сўнг меҳмон билан сўрашди.

— Ибод, жой сол, — деб, кейин шаҳардаги невараларини суриштира кетди.— Меҳрихон ТошМИга кирмоқчи эмиш, ёрдам бергин, болам. Умаржон, Маъмуржонлар-чи, Рўзимат, Муҳаббатлар катта бўлишяптими? Санам тинч ўтирибдими?

Дмитрий дам кампирга, дам чолга қараб, суҳбатга аралаша олмай ўтирарди. Ун икки фарзандниг ота-онаси, қирқ саккиз невара-эвараниг бувиси ва бувваси бўлган бу кексаларга, гапнинг очиғи, унинг ҳаваси келди. Бу чол-кампир қанчадан-қанча қувонч ва қийинчиликларни кўрмаган, не-не ўғил-қизларнинг манглайини силамаган! Мана, бугун энг тўнғич ўғиллари Қаҳрамон! Ибодат хола — қаҳрамоннинг онаси! Яқиндан бери қишлоқда ҳамма уни шундай дейдиган бўлиб қолди. Ахир унинг ўғли Қўшқўрғон қишлоғидан чиққан биринчи ишчи, биринчи депутат, биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони! Ҳаётдан бевақт кўз юмиб кетган етти фарзанди ҳам тирик бўлганларида бири инженер, бири агроном, балки учувчи бўлармиди...

Чол каравотидан энгашиб, пуштада яшнаб турган райҳондан узиб, меҳмонларга узатиш баҳонаси билан Дмитрий ҳақида сўради.

— Шогирдим,— деди Деҳқонбой.— Ҳў, эсингиздами, Шокирбой сизни «Уринбурунга қувғин қиламан», деб дўқ қилган экан-ку, худди ўша Оренбургдан келган.

Дмитрийнинг чол билан жуда гаплашгиси келарди, лекин ботинолмасди. Деҳқонбой бўлса қўш ёстиққа ёнбошлаб, гўё куй тинглаётгандай, қишлоқ манзарасига маҳлиё. Ён ҳовлилардан қўй-кўзи ва бузоқларнинг маъраши, итларнинг ҳуриши, қушларнинг чирқ-чирқи, болаларнинг янгроқ овозлари эшитилиб турарди.

Кампир дастурхон ёзди, чой келтирди. Узумнинг зангига осилган, четига бодомдек мой суртилган челакчани қўлига олди. Сигирни вақтида соғмаса бўлмайди, феъли айнийди жониворнинг.

Кампир қўли ишдаю ўй-хаёли ўғлида, невараларида. «Ёшлигидан мўмин-қобил эди. Иш тутуми бувасининг ўзи, лекин буваси бир умр меҳнат қилса ҳам қаҳрамон бўлмади. Деҳқонбойни эса замони тақдирлади. Болагинам ишнинг оғир-енгилидан қочмади. Уруш йиллари рўзғорни тебратган ҳам Деҳқонбой бўлди. Қишлоқдан шаҳарга ёлғиз ўзи ҳар куни ишга бориб, қайтишда етти юз грамм нон олиб келарди. «Тиқ» этса эшикка қараб, узоқ тунлар ухлолмай Деҳқонбойни кутиб ўтирардик. Чирчиқ дарёсидан ўтишга паром бўлмай қолган вақтларда сув кечиб ўтарди, уст-боши шалаббо, дилдираб келарди, болагинам...»

* * *

Эртасига Деҳқонбой билан Дмитрийни кечаги инженер оғайниси қўярда-қўймай меҳмондорчиликка чақирди. Кейин колхоз шофёри уларни шаҳарга олиб кетди.

— Деҳқонбой ака,— деди шофёр йигит,— сизнинг мисгар эканингизни билардим-у, бироқ...

— Нима гап?

— Мақолангиз чиқибди,— деб у машинанинг брезент шифтига қистириб қўйилган газетани олиб узатди.

Деҳқонбой газетани қўлига оларкан, ҳаяжондан кўзлари пирпираб, бетига қизиллик югурди. Мақолада комбинат ишлари ҳақида жиддий фикр ва таклифлар бор эди. Дўстлари нима дейишар экан?

— Тўғри комбинатга ҳайданг,— деди Деҳқонбой шофёрга.

* * *

Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам, қишнинг аёз тунларида ҳам Деҳқонбой доим меҳнат постида. Мана бугун у ўттиз метр баландликда қўлидаги горелкани возиллатганича темирни сўз қилиб эритмоқда. Икки ёнида шогирдлари Дмитрий билан Каримжон. Уларнинг фикр-зикри ҳозир бир нуқтада. Янги цехдаги ҳаво алмаштириш ва совутгич агрегатларининг «чок»ларини зудлик билан уламоқдалар. Эртага Иттифоқда ягона тажриба-синов цехи ишга туширилиши керак.

Ҳа, буларнинг қўлида ҳар куни энг муҳим, энг масъулиятли участкаларда қанчадан-қанча агрегат ва ускуналар созланмоқда. Энг қаттиқ пўлат ва темирлар бир-бирига туташади. Ҳароратга дош беролмаган бу маъдан оқимлари гўё ҳаёт оқимига ўхшайди. Ўзгариш, келажак, бунёдкорлик, Чирчиқ дарёси оқимига ўхшаш яратувчилик тимсолидек туюлади.

Бекмирза МАҲМУДОВ

Юртим жамолини кўринг. Чет эллик сайёҳатчилар Самаркандда.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ фотоси

# ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

Журналист Тошмамат Рўзибоев касби ва характери билан ҳозирча мамлакатда «ягона одам». У СССРни — бепоён Ватанимизни яёв кезмоқда. Сафар маршрути 17.000 километр! «Сирдарё ҳақиқати»нинг 1969 йил 12 ноябрь сонида бу ҳақда биринчи хабар босилган эди Сайёҳнинг йўлга тушганига икки йилдан ошди. У кўплаб дарё ва саҳролардан ўтди, Тянь-Шань ва Урал тоғларидан ошди.

Тошкент — Сирдарё — Ленинобод — Фарғона — Наманган — Андижон — Ўш — Жалолобод — Фрунзе — Олмаота — Семипалатинск — Новосибирск — Омск — Петропавловск — Челябинск — Уфа — Куйбишев — Ульяновск — Қозон — Горький — Ярославль — Москва—Калинин — Ленинград... У мана шунча йўл босиб ўтди.

* * *

Тошкентликлар Октябрь байрамининг 52 йиллигини тантанали кутиб олишга тайёрланаётган кунларда Тошмамат гоҳ туристлар жамиятига, гоҳ журналистлар союзига, гоҳ медицина кўригига чопар, узоқ сафар тараддудини кўриб, йўл жабдуғини тайёрлар эди. Журналист буюк Ватанимизни пиёда кезиб, саёҳат қилиш иштиёқида эди.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, «Совет Ўзбекистони» газетасининг адабий ходими, коммунист Тошмамат Рўзибоев шундай жасоратли сафарга отланмоқда эди.

Сафарга чиқиши олдидан у билан қилган суҳбатимизни келтирамиз.

— Бундай ғаройиб ва машаққатли сафар орзуси қандай туғилган эди, Тошмамат ака?

— Бунинг уч сабабчиси бор: биринчиси — Ватан муҳаббати, иккинчиси журналистлик касбим, учинчиси — «Робинзон Крузо». Болалик йилларимда шу китоб қўлимга тушган эди. Кейин менда, Робинзон каби кемаларга эргашиб, кимсасиз оролларга бориш, ёввойи одамлар билан танишиш орзулари туғилган, лекин бундай ороллар қаерда бор экан, деган саволни ечолмай бошим қотарди, харитага эса унча тишим ўтмасди. Ўсмирлик ёшимда ҳам Робинзон Крузо тушларимга кириб юрди. Ўша хаёллардан ажралмай туриб фронтга кетдим, неча минг километрлаб йўллар юрдим. Урушдан қайтгач, колхозда ишладим, оила шароитимиз оғирроқ эди, бригадада табелчи, бухгалтерияда хизматчи бўлдим. Ёзув-чизувга қизиқардим, район газетасига ишга олишди. Лекин бу ерда маълумотим етишмаслиги сезилиб қолди. Салкам қирқ ёшимда ТошДУ журналистика факультетига сиртдан ўқишга кирдим. Шу даврда ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди: мени «Совет Ўзбекистони»дек шарафли коллектив ўз бағрига олди. Менинг тақдиримда бу коллектив асосий роль ўйнади. Менинг деҳқончиликдаги устозим Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг собиқ раиси, пенсионер Абдуназар Турдиевдир. Сафар олдидан дастлаб оқ йўл тилаганлардан бири шу киши бўлди. Журналистлар даврасига мени етаклаб кирган устозим — Ўзбекистон Журналистлар Союзининг раиси Зиёд Есенбоевдир. Ёзув-чизув режаларимни шу киши пишитиб берган. Мен ҳурматли алломаларимиздан — атоқли олимимиз, академик Иброҳим Мўминовнинг ўгит ва маслаҳатларини олганимдан бехад хурсандман. Кейин, «Совет Ўзбекистони»даги қадрдон ва ғамхўр дўстларимдан миннатдорман. Мен ўзимни ҳар доим ана шу севимли коллектив топшириғини бажараётгандек ҳис қиламан.

— Саёҳатдан қандай мақсадларни кўзда тутасиз?

— Мақсадлар кўп. Асосийсини сўрасангиз, Ватанни яхшироқ ўрганиш, уни қалбга жо қилиш.

# МУРОДИМГА ЕТДИМ

Одам ним қоронғи уйда ўтираверса ташқаридаги ёруғни пайқамайди. Бироқ ташқарига чиққач, ёғдудан бир зум кўзини очолмай қолади. Шунга ўхшаш Ўрта Осиёда Октябрь инқилоби бошланганда, янги ҳаёт, янги тузумга мослашолмаган айрим кишилар яна эски даврни қўмсаб қолдилар.

У вақтда вазият ўзгарган, Ўрта Осиё ўлкасидан ғафлат пардаси абадий кўтарилган эди. Фофиллар чор-ночор атрофга бўйин чўзиб, ғафлат ҳукм сурган қўшни мамлакатларга қараб йўл олдилар. Мусулмон мамлакатларидан бошпана изладилар. Мен ҳам ана шундайлардан бирининг фарзанди бўлиб, беш ёшимда Афғонистонга бориб қолган эдим. Қўшни ўлкада эсимни танидим. Гоҳо савдосотиқ соҳасида, гоҳо бошқа касб-кор билан шуғулланиб, ора-сира машқ қилиб, савод чиқардим. Мустақил мутолаа натижасида ажнабий тилни ўргандим. Ёт калималарни она тилим билан қўшиб-чатиб гаплашадиган бўлдим.

Баъзилар ўзбекча отимни ёқтирмай, арабча исмни расмийлаштирдилар. Мен бу нарсаларга шуурсизлигим туфайли кўнаверибман. Шу йўсин кўп йиллар ўтди. Кейин ўйлаб қарасам, она тилимга ҳурматсизлик қилган эканман. Аммо она тилимга қанча боғласам, бошқалардан шунча айрилиб қолавердим. Бу нарса мени ўйлатиб қўйди. Яккаланиш ватан ва эллулус ҳасратини кучайтирди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мол-дунё, капитал ҳукм сурган давлатлар озчиликни ташкил қилган миллатларни секин-аста ҳоким миллат таркибига сингдириб юбориш учун биринчи галда уларнинг тилларини йўқотишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўяр эканлар. Шунинг учун чет ўлкаларда фақат она тилига таянган киши иши тушиб идораларга борса, танглик сезади, таъна эшитади.

Бошқа тарафларга борсам зора ватансизлик азобидан қутулсам, деган хаёл билан Карачига жўнадим. У ерда туркистонликлар томонидан очилган мусофирхонага тушдим. Мусофирхона тўрт уй, бир айвондан иборат бўлиб, аслида бутхона экан. Бутхоналик руҳи ҳамон сезилиб турарди. Иморат эски бўлгани учун чаён, калтакесак, каламуш, бурга, пашша, айниқса, қандалага кон экан. Ҳар куни кечқурун тунука идишларга сув тўлдириб, караватимизнинг тўрт оёғини шу идишларга бостириб қўярдик. Ўшанда ҳам чироқ ўчиши билан қандала шифтдан тушиб келаверарди.

Карачининг аҳолиси ўша кезларда бир ярим миллиондан ортиб кетган эди. Тартиб бузилган. Озиқ-овқат камчил. Иссиқ иқлимда ҳаммадан ёмони сув танқислиги. Карачида ишсизлар ҳам жуда кўпайиб кетган. Кўчаларда яшайдиган хонадонларнинг ўзи ярим миллиондан ортиқ, деб тахмин қилинарди. Кўчаларда иккиуч метр келадиган жойни чипта, бўйра, қурби етганлар тахта билан ўраб бошпана қилиб олган. Бу ғариб хонадонларда на сув бор, на чироқ. Қизиғи шундаки, шаҳар маъмурияти бу уйларни рақамлаб, расмийлаштирган ҳам.

Ана шундай каталакларга ҳам зор бўлиб сарсон-саргардон кезганлар сон минг. Бу бахтиқаролар ҳам икки гуруҳга бўлинади. Бир тоифа эски чиптага моғор тўшагини ўраб, ортмоқлаб юради. Шу кўйи ишга боради ёхуд иш излайди. Тузукроқ ҳисобланган тоифанинг эса тўшагини омонат қўйиб кетадиган ва ухлайдиган маълум жойи бор. Тўшак қўйишга, ётиб-туришга маълум жойи бўлмаганлар кечқурунлари яна сарсон. Чунки йўлкалар ҳам одамга тўлиб қолади. Бундай ўйлаб қарасам, шундай оғирчилик гирдобида қолган ўлкага сиғиниб боribман.

Турмушнинг оғирлиги менга ҳам таъсирини кўрсатди. Байрам кунлари таниш-билишга «Байрамингиз қутлуғ бўлсин» деган расмий қутловдан нарига ўтолмадим. Кейинчалик «Ватанидан айри тушганга байрамни ким қўйибди!», деб байрам маросимларига аралашишдан ҳам четлашадиган бўлиб қолдим.

Лекин байроқ ҳилпирашини кўриш иштиёқи кўнглимга илиқлик бағишларди. Қаерда байроқ тикилган бўлса, яқин бориб хўрсиниб қайтиш одатим бўлиб қолди. Кобилдалигимда ҳам байрам кунлари ҳарбий кўриққа чиқиб, афғон аскарларининг шаҳдам ўтишларини кўрганимда: «Қани энди, мен ҳам ватанимда бўлсаму ўз аскарларимизни кўриб қувонсам!», деган хаёлга борар эдим. Шуурингда Ватан бурчини ҳис қилиш қандай яхши! Мен тақдирим ҳақида кўп ўйлай бошладим.

— Касбингиз бўйича бирон нима кўзлагандирсиз?

— Мени сафарга чорлаган ҳам шу — касбим. Совет Иттифоқи бўйлаб тўпланган хотираларимни «Советномо» деган китоб қилиш ниятим бор. Йўл-йўлакай туғилган фикр-ўйларимни эса «Йўл дафтари» деган тўплам қилмоқчиман. Биласизлар, унча-мунча табъи назмим бор. Озми-кўпми «Сафар рубоийлари» ёзиб бораман.

— 17000 километр, айтишга осон. Илгари ҳам пиёда узоқ йўл босиб кўрганмисиз, оғирлик қилмайдими?

— Ҳаётда кўп йўл босдим. Болаликдан узоққа пиёда қатнаб ўқидим, сўнгра узоққа қатнаб ишладим, хуллас турмуш тақозоси билан кўп юришга тўғри келди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса қуролдошларим билан Орёлдан то Чехословакиянинг Бельск шаҳригача бўлган 3000 километр масофани пиёда жанг билан босиб ўтдик. Кейин ҳам яёв юришни тарк этмадим. Узоқ сафар олдидан «репетиция» тариқасида машқлар қилиб кўрдим. Қозоғистоннинг Чимкент ва Туркистон шаҳарларига яёв бориб келдим. Бир кунда 20 километрдан то 50 километргача йўл юрдим. Жами 500 километр атрофида. Машқлардан кейин врачлар кўригидан ўтдим, уларнинг фикри яхши!

— Сафар маршрутингиз асосан қайси шаҳарлардан ўтади?

— Тошкент шаҳридан бошланиб, ўн тўрт қардош республиканинг пойтахтлари билан туташади. Янги йилни Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида, доҳиймиз Ленинннинг 100 йиллик юбилейини Фрунзе шаҳрида кутиб оламан, деган ўйим бор. Улуғ Октябрнинг 53 йиллик байрами — 1970 йил 7 ноябрь куни Ватанимиз пойтахти Москвага кириб бориб, доҳий Ленин мавзолейини зиёрат қилмоқчиман.

— Жуда соз. Режаларингиз жуда аниқ, конкрет.

Сайёҳ журналист Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи маъқуллаган ва республика Туристлар жамияти тасдиқлаган маршрут харитасини ёзиб қўйиб, сўзида давом этди:

— Қўрқоқ отланганда, ботир қайтганда мақтанади, дейдилар. Кўп гапларни, саломатлик бўлса, қайтганда гаплашамиз. Маршрутдаги асосий нуқталар қуйидагича: Қирғизистон, Қозоғистон бўйлаб Москвага бораман. Ундан Ленинградга, сўнгра Болтиқ бўйи республикаларига ўтаман. Ундан Белоруссия, Украина, Молдавияга, кейин Закавказье, Каспий денгизидан Туркманистонга, сўнгра Тожикистонни кўриб, республикамизга қайтаман. Умумий муддат икки ярим йил Сафарим 1972 йилнинг охирларида тугайди.

— Узоқ сафар олдидан сизга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Лекин анча-мунча машаққатларни ҳис этсангиз керак?

— Бу машаққатларни яшириш ҳам мумкин эмас. Сафар машаққатсиз бўлмайди, албатта Олой, Тянь-Шань, Карпат ва Кавказ тоғларини ошиб, Сирдарё, Норин, Қорадарё, Иртиш, Волга, Днепр ва Амударёлардан ўтиб, Қозоғистон ва Сибирь даштлари, Қорақум ва Қарши чўллари ҳамда Қизилқум саҳросини яёв кесиб чиқиш осон эмас. «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда», дейди халқимиз.

— Бу узоқ сафарни яёв ўтказишдан кузатган мақсадингизни айтиб берсангиз.

— Ватанни пиёда, қадамма-қадам кезиб чиқиш, шаҳар-қишлоқларини, унинг тоғ-тошларини, дарё ва саҳроларини, айниқса, турфа одамларини кўриш, суҳбатлашиш. Бу йўлдаги ҳар қандай машаққатни дилимдаги иштиёқим, ватандошлар кўмаги билан енгарман, деган умид мени олға чорлайди.

* * *

Она юрт бўйлаб пиёда сафарга чиққан толмас сайёҳ Тошмамат Рўзибоев Ленинград шаҳрига етган кунларда у билан яна суҳбатлашдик.

— Сафар давомида бўлган қайси воқеаларни алоҳида ёддан чиқмас воқеалар деб баҳолайсиз, Тошмамат ака.

— Москвада доҳий қабрига гулчамбар қўйганимни, ўшандаги ҳис-ҳаяжонимни қоғозга тушира олсам эди, яна бир қарзимдан қутулган бўлардим.

— Сафар олдидаги режаларингизда ўзгариш бўлдими?

— Ҳозирга қадар тўрт иттифоқдош республикамизни кезиб чиқдим. Энг оғир йўллардан ўтдим, ҳисоби. Қирғизистон тоғлари, Қозоғистон чўллари, бепоён Сибирь ва Урал орқада қолди. Сафар хотиралари ҳақидаги дафтарлардан йигирматасини уйга жўнатдим. Улар бўлажак китобимнинг яхлит боблари бўлиб қолар деган умиддаман. Бир шартим ҳеч қачон ўзгармайди: ҳеч қачон ва ҳеч қаерда транспортдан фойдаланиш, от-уловга миниш йўқ. Шаҳарларда ҳам пиёда кезиб юрибман.

— Кунига қанчадан йўл босяпсиз?

— Ҳар хил, ўртача 16—20 километр. Шароит талаб қилганда 60 километргача ҳам йўл босдим. Уруш йиллари ҳарбий вазиятда 80 километргача юрганимизни эслайман.

— Медицина кўрикларидан ўтиб турибсизми? Врачлар қандай хулосада?

— Олмаотага қадар оёқ оғриғини енголмай келдим. Умримда биринчи минг километр жуда оғир бўлди. Ҳамма ерда врачлар оёқини асрашни маслаҳат беришди. 3 минг километргача қадар ҳам оёғим тез-тез шишиб ва қаваришиб турди, қайта-қайта пўст ташлади. Қўлимдаги ҳасса таёғим — у чўпон отамдан қолган — бир қаричча қисқарди. Вазним ҳам камайди. Лекин, булар ҳаммаси аста-секин менинг фойдамга ўзгариб борди. Ҳозир асл вазнимга яқин келиб қолдим. Ўзимни кун сайин бардам сезяпман. Врачларга ишим кам тушяпти.

— Байрамларни қандай ўтказяпсиз?

— Саёҳат даврим кўпгина байрамларга тўғри келди. Икки марта Янги йил кечасини қаршиладим. 1970 йилни Қирғизистоннинг Ўш обастида, 1971 йилни эса Челябинскда кутдим. Доҳиймиз Ленинннинг 100 йиллик юбилейини Фрунзе шаҳрида нишонладик. КПССнинг XXIV съезди кунларида Волга бўйида эдим. Тантаналли байрам кунларида ҳамиша ҳамкасб дўстларим — журналистлар даврасидаман. Совет кишиларининг саховатли қалби ва қучоғи ҳамма жойда ва ҳар доим очиқ. Мен буни алоҳида таъкидлашни истардим. Дастлабки режам—режа. «Совет Ўзбекистони» газетаси коллективидан ғоят миннатдорман. Ўша коллектив туфайли оиламдан хотиржаммман.

— Кимни кўп соғингансиз?

— Ўзбекистонни, дўстларимни. Айниқса кенжатойларим — Собит билан Жаҳонгирни.

— Қачон кўришамиз?

— 1972 йилнинг куз ойларида. Дийдор кўришгунча хайр, дўстлар.

— Улуғ Ватанимиз бўйлаб қилаётган сафарингизда сизга оқ йўл тилаймиз, сайёҳимиз Тошмамат Рўзибоев!

Суҳбатни **Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ** ёзиб олган.

---

1950 йили Карачида халқаро кўргазма очилди. Бир неча таништлар билан кўргазмага бордик. У байроқ ундай, бу байроқ бундай, унинг маъноси шу, бунинг маъноси бу, у байроқ маданий миллатники, негаки, мустамлакачи эмас, ёхуд мустамлакачиликни тарк қилган, мана бу байроқ зўравон давлатники, чунки фалон ерда мустамлакаси бор, дея баҳслаша бошладик. Иштирокчилардан бири мендан «Ўзбекистон байроғи қани?», деб сўради. Мен совет байроғига ишора қилдим. «Бу рус байроғи-ку!» дейишди. Мен: «Рус бэйроғи эмас, совет байроғи, халқлар байроғи, Ўзбекистон байроғи ҳам шунинг таркибида», десам, «Ўроқ-болға нима дейсиз?», дейишди. «Ўроқ-болға» деҳқон билан ишчи бирлигининг рамзидир», дедим.

Эртасига муҳожирлар жамиятида йиғилиш бўлди. Йиғилиш иштирокчилари Мўминжон ва Аъзам Ҳошимий каби Америкага сотилиб, кун кўриб юрганларнинг таъсирида эканлар. Улар «Бизга ёт одам экансиз, бизга қўшилишга ҳаққингиз йўқ», деган расмий қарорни менга топшириш учун мусофирхона мудирига мурожаат қилишибди. Шу сабаб бўлиб бошпанадан ҳам айрилдим. Бир-икки кун ўтгач, сиёсий мирзалар чақириб тергов қилди. Мен ҳам бўш келмадим. Кўрган-кечирганларимни ва мулоҳазаларимни бир рисолачага жамлаб тарқатдим. Шундан кейин сиёсий аҳволим бир оз яхшиланди. Бироқ ватан фироғи тобора кўпроқ алангаланаверди. Ватангадолигим учун ўз-ўзимдан уяладиган бўлиб қолдим.

Ўрта Шарқ мамлакатларида бир неча йил юрганимдан кейин Карачига яна қайтдим. Чунки бошқа жойларда кўрганларим олдида бу ер «ҳолва» экан. Тошкентдан жамият адресига очиқ хат келиб қолди. Мана шу мактуб орқали Ўзбекистонда чет мамлакатлардаги ватандошлар билан алоқа қилиш шуъбаси ташкил топганидан хабардор бўлдик.

Шундан кейин Ватанга хат ёздик, жавоблар олиб турдик. Китоб-журналлар сўраб олиб, Ўзбекистон матбуотини мутолаа қила бошладик.



Жўра қори Бўтақўз дўстлари — арабшунос олим Абдусодиқ Ирисов ва таржимон Зиё Аминов билан.

Шахсан ўзим Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Миср, Туркия ва Ўрта Шарқнинг бошқа мамлакатларига бориб, у ерларда истиқомат қилаётган ўзбекларга: «Эшитмадим деманглар, Ватандан хушхабар бор! Ватан бизларни эсламоқда!», деб уқтира бошладим. Айримларига ўзбекча алифбони ўргатдим. Ватандан китоб сўрашга тортинганларга ўзим сўратиб, турган жойларига етказдим, Ўзбекистон билан хатлашиб туришдан қўрққанларга далда бердим.

Ниҳоят социализм дунёсида яшаётган ўзбеклар билан бизнинг алоқамиз, борди-келди кучайиб кетди. Биринчилардан бўлиб ўзим 1966 йили жонажон Ватанимга келдим. Ҳар соҳада камол топаётган халқимни кўриб қувонганимдан кейин биратўла она юртга қайтиш фикри туғилди. «Буюк Ватаним бор-ку, бахтиёр элу улусим бор-ку! Нега энди бегона юртларда бўйнимни қисиб юрибман?!», дедим ўзимга ўзим.

Мана уч йилдирки, ўз юртимда, ёр-дўстларим бағридаман.

Ватан, эл-улус кўп сарсонликдан сўнг қайтган фарзандини оғушига олди. Ундан бир умрга миннатдорман. Унга бир умр қарздорман. Муродимга етдим. Энди халқим учун бор кучимни аямай хизмат қиламан.

**Жўра қори БЎТАҚЎЗ**

# Қаро кўзим

*Юнус Ражабий ҳаётидан лавҳалар*

## ИШҚ

Олисдан ноғорачинг зарбли садоси эшитилади. Така-тум!.. Так-тум!.. Кўчаларни тўлдирган одамлар садо келаётган томонга қараб оқади. Қувноқ ёш-яланг тушган извошлар ҳам сайлгоҳга шошади. Ҳамма шод, ҳамма ҳаяжонда. «Бугун Фарғонадан келган катта ҳофизлар билан тошкентликлар беллашармиш», деган овоза ҳамманинг юрагини орзиқтиради.

Қассобликдан чиқиб келаётган ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги бола дарёдай тошиб ўтаётган одамлар оқимига қараб турди-да, тўсатдан сергакланди. Олис-олисдан эшитилаётган ноғора садосига қулоқ соларкан, ўзи ҳам сезмаган ҳолда елкаларини учириб қўйди. Сўнг кун ботишга қаради. Терак учлари қизариб турибди. Ҳадемай, қоронғи тушади. Уйга бориб айтиб келса кеч қолади. Унгача сайил бошланиб қолиши мумкин. Бормаса, ойиси ҳавотир олади.

Болакайнинг тийрак кўзларига бир муддат маъюслик чўкди. Яланг оёқлари билан ер чизаркан, бирдан чеҳраси ёришиб кетди. Дадаси сайлдадир. Ҳойнаҳой, акалари ҳам ўша ерда. Улар билан бирга борса ойиси уришмайди. Дадаси ёнини олади.

Болакай одамлар оқимига қўшилди. Аммо бир оз юрмай ичи пишиб кетди. Назарида одамлар жуда ҳам имиллаб кетаётгандек туюлди. Тавба, сайлга ҳам шундай имиллаб бориладими? Сабри чидамади. Одамлар орасидан туртиниб-сурилиб ўтди-да, чопқиллаб кетди. Аммо кутилмаганда қўнғироқчаларини жиринглатиб бир извош уни қувиб ўтди. Болага алам қилди. Наҳотки у шунча ҳаракат қилиб, мана булардан кейин борса? Худди кўнглидаги гапларни уққандай извошдаги йигитлардан бири гап ташлади.

— Ҳа, йигит, бўш келма!

— Ким олдин етиб борса тўн киярмиш,— кулди иккинчиси.— Қани чоп!

Боланинг хўрлиги келди. Извошдан қолмаслик учун жон-жаҳди билан югурди. Извошдагилар қийқириқ солиб кула бошлашди. Аммо, ҳеч ким боланинг юзидаги йирик-йирик ёш ва тер томчиларини кўрмасди.

Извош билан изма-из чопқиллаб кетаётган бу боланинг келгусида даврининг етук ва доно санъаткори бўлиб етишиши ўшанда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган.

У югуриб борарди. Мурғак қалбида бир олам орзу, шаффоф бир ният, муқаддас бир эътиқод билан санъат даргоҳига интиларди. Гўдак келгусидек мусаффо бир шайдолик билан санъат чаманига киришга чоғланарди.

— Ҳали ҳам худди шундай югуриб кетаётгандайман,— дейди 70 яшар Юнус ака бу воқеани эсларкан.

## ДУТОР

Давра жуда тўкин, гулгун эди. Дуторнинг навоси, хонанданинг ёқимли овози кўнгилларни сел қилади. Асли андижонлик машҳур Мирзақосим ҳофиз тўлибтошиб қўшиқ айтмоқда. Пойгакда ўтирган бола қўшиқ оҳангига монанд тебранади. У ўз маҳаллаларида яшайдиган ҳофизнинг қўлидаги серсадаф дутордан кўзини узмайди, машшоқнинг пардаларни қандай босаётганини сезгирлик билан кузатади. Айни вақтда шундай дутор олиш орзуси юрагини қитиқлайди.

Эртасига тахтачага бир жуфт от қилини тортиб тингиллатиб ўтирганида тоғаси келиб қолди. Тоғаси жуда таъсирланиб кетган экан, ўша куниёқ кичкинагина дўмбира олиб берди. Шу кундан бошлаб Ражаб қассобнинг уйида тун яримдан оққунча Ризқи акасининг танбурига Юнуснинг дўмбира навоси ҳам жўр бўла бошлади. Ҳали жуда ёш Юнус сайлларда эшитган, хотирасига ўрнашиб қолган куйларни чалиб ўрганишга уринарди. Бир куни кўчадан ҳориб келган Юнус дўмбирасини чертиб ўтирган жойида ухлаб қолди.

Катта бир гулзору чаманда юрганмиш. Гулзорнинг ўртасида баланд шоҳсупа бормиш. Чолғую хонандаликни сув қилиб ичиб юборган машҳур Илҳом чангчи, Юсуф ҳожи, Мирзақосим ака, Мулла Тўйчи ҳофизлар ва Юнус танимайдиган яна аллақанча одам даврэ қуриб ўтирганмиш. Ўзи қуйироқда эмиш. Қўлида қорни замбардай, садафлар билан безатилган дутор. Ҳамма унинг машқига мунтазирмиш. Ниҳоят, ўзла-ўзла «Муножат»ни бошлабди. Ҳар чертганида торлардан таърифга сиғмас мусиқий оҳанглар ёғилармиш. У эса борган сари завқланиб, жўшиб чалармиш. Даврадагилар унинг машқидан мамнун бўлиб бошларини сарак-сарак қилишармиш...

У чўчиб уйғонди. Уйғонадию ишонқирамай, бир неча бор кўзларини очиб-юмади. Қаршисида ҳозиргина тушида кўрган дуторни ушлаб Шукур акаси турарди!

## УЧРАШУВ

Уотасидан айрилди. Ҳам айрилиқ дағида ўртанган, ҳам тирикчилик машаққатларида эзилган ўспирин Юнус Чимкентга бориб, кушхонага ишга кирди. Саллоҳлик оғир эди. Тиним билмай чаққон ишлаш керак. Шошилганидан баъзан қўлини кесиб олади. Жароҳатланган бармоғига дарҳол қўй ўтини кийиб, супурги дастасини ушлаб кўради. Бармоғи оғримаса кўнгли жойига тушади. Демак, дутор чалса бўлади. Бармоғи зирқираб турса ёмон, машқ қилолмай қолади.

Чимкентда юрган кезларида у Абдуқодир найчи, Султонхон танбурчи, Қурбонхон ғижжакчи, Имомхон найчи каби созандалар билан танишди. Шу даврада юриб, най чалишни ўрганди. Бир куни чойхонада мис най чалиб ўтирганини кўриб Абдуқодир найчи мийигида кулиб қўйди. Кўп ўтмай Фарғонадан ғаров най олиб келиб берди.

— Мана, чалиб юринг, Юнусвой,— деди Абдуқодир найчи,— най юракнинг ошнаси.

У Юнусга най чалиш усулларини ўргата бошлади. Абдуқодир найчи бир гапни кўп такрорларди:

— Нафасни тежанг, нафасни. Оз нафас билан чалишни ўрганинг. Катта нафас авжга чиққанда керак.

Шундан сўнг Юнус ака йигирма беш йил най чалди. Най уни кейинчалик замонасининг таниқли ёзувчиси бўлиб етишган бир киши билан учраштирди.

Бундан сал кам олтмиш йил муқаддам Андижон сайлгоҳларидан бирига одам сиғмай кетди. Девор усти, том бошлари, ҳатто дарахт шохларида ҳам одам. Машъалалар ёқилган, ўртада гулхан гуриллайди. Ҳамманинг оғзида бир гап: «Тошкентдан Мулла Тўйчи ҳофиз келганмиш»

Ниҳоят давра ўртасига чўққи соқол, нуроний киши билан машшоқлар чиқишди. Ҳофизнинг ёнида хушқомат, қорақош найчи йигит бор эди. Сайлгоҳ узра ҳофизнинг янгроқ овози тарала бошлади.

Ака, отингиз кўкмиди-ё, омонёр,
Кўк бедаси йўқмиди-ё, омон ёр,
Бунча бизга қарайсиз-о, омонёр,
Севган ёрингиз йўқмиди-ё, омон ёр.

Найнинг сеҳрли оҳанги қўшиққа пайваста бўлиб, оҳиста қаноат қоқар, қалб тубида чўкиб ётган тотли хотираларни сийпалаб уйғотар эди. Халойиқ Тўйчи ҳофиз билан найчи Юнус Ражабий санъатига сеҳрланиб ўтирарди. Бу икки санъаткорни ҳамма танирди. Лекин Юнус Ражабий шу даврада бўлғуси Комил Яшин ҳам борлигини билмасди. Бу икки санъаткорнинг илк учрашуви шу куни юз берди. Иккинчи сафар улар бири етук санъаткор, иккинчиси забардаст қаламкаш бўлиб учрашдилар. Комил Яшиннинг республикамиз музикали драма театрларида саҳналаштирилган асарларига Юнус Ражабий куй басталади.

## ЯРИМТА АШУЛА

Диктор чолғувчиларга «Тайёрмисизлар?» дегандек бир қараб қўйгач, эфирга эълон қилиб юборди, Юнус Ражабийнинг жон ҳолатда қўл силкитганини пайқамай қолди.

— Энди, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ижросида «Ушшоқ»ни эшитасиз.

Юнус Ражабий нима қилишини билмай бир нафас гарангсиб турди. Тўйчи ҳофиз йўқ эди! Энди нима қилиш керак? «Ушшоқ» айтилмаса халқ таажжубланади. Бу қандай бўлди? Тавба!.. Юнус Ражабий қўлини ҳаволатиб, чолғучиларга ишора қилди. Тавакқал қилиб ўртага чиқди. Диктор ҳайратланиб, кўзларини чақчайтирди. Худди сувсиз қолган балиқдай оғзини каппа-каппа очдию овози чиқмади. Юнус Ражабий унга «хотиржам бўл» дегандек, бош ирғаб қўйди. (Ўттизинчи йилларда қўшиқлар ҳали лентага ёзилмай, бевосита микрофондан эшиттириларди.)

Юнус Ражабий шошилмай микрофон олдига келди. Негадир бўйнини чўзиб ютинди. Сўнг икки кафтини бир-бирига жуфтлаштириб, куйга қулоқ сола бошлади. У Тўйчи ҳофиз билан кўп бирга бўлган. Қўшиқ айтиш усулларини яхши билади. Ҳатто бирга айтишган ҳам.

Куй оҳиста пастлади. Чилдирма сўнгги марта так-тумлаб қўйди. Юнус Ражабий сал титроқ, лекин тўла овоз билан қўшиқ бошлади:

Қаро кўзим, кел-эй, мардумлуғ эмди фан қилгил..,

Куй оҳиста ўрлар, қўшиқ авжга чиқар, Юнус Ражабий кўзларини хиёл юмгани ҳолда завқ билан куйлар эди. Куйлардию бир ўй уни қийнарди. Одамлар «Ушшоқ»ни айтаётган Тўйчи ҳофиз эмаслигини билиб қолишмасмикан? Унинг ўйлари қўшиққа уланиб кетарди:

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгилларни,
Сочингни бошдин аёқ чин ила шикан қилгил..,

Торлар титраб бўзлай бошлади. Най чўзиб оҳ тортди. Ғижжак ҳазингина ҳўрсинди. Дуторнинг мунгли ноласига танбурнинг ўксик жаранги жўр бўлди.

Шу пайт хонага оёқ учида юриб Тўйчи ҳофиз кириб келди. У худди ҳеч нарса билмагандек шогирдининг ёнига бориб, қўшиқни келган жойидан улаб кетди:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ,
мени..,

Юнус Ражабий сирғалиб даврадан чиқди-да, машшоқларга бошчилик қила бошлади.

Шу-шу Юнус Ражабий устозининг қўшиқларини айтаверадиган бўлди. Ҳатто бухгалтерлар ҳам бу гапни эшитиб «Энди Тўйчи ҳофизга яримта ашуланинг гонорарини тўлаймиз, бари бир ярмини Юнус Ражабий айтади», деб тегажаклик қилиб юришди. Ҳали-ҳали одамлар устоз-шогирд ижро этган қўшиқларни бир-биридан ажрата олмайдилар. Юнус Ражабий Тўйчи ҳофизнинг ижрочилик усулларини шу қадар пухта ўрганиб олган эди.

## «МУҚАННА»

Уруш йиллари... Кўпгина санъаткорлар қатори Юнус ака ҳам Янгийўлда турарди. Бу ерда театр яратилмоқда эди. Бир куни тушлик пайтида Тошкентдан Ҳамид

Олимжон келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, одатдагидек қувноқлик билан гапирди:

— Домлажон, сизга мана бундай,— Ҳамид Олимжон бош бармоғини кўрсатди,— пьеса ёзиб берсам куй басталамайсизми?

— Бўпти! — Юнус Ражабий мамнун жилмайди.— Қани пьесани чўзинг.

— Э, бунақа шошилтирманг-да, домлажон,— деди Ҳамид Олимжон кулиб.— Тарихга мурожаат қилмоқчиман. Муқанна ҳақида ёзиш ният туғилиб қолди. Жуда кўп ҳужжатларни кўриб чиқдим. Ҳаяжоним ичимга сиғмай кетяпти, домла. Бир ёзай!— У ҳозироқ ишга киришиб кетмоқчи бўлгандек бир қўзғалиб қўйди.— Шундай буюк сиймони етиштирган халқимиз ўз фарзандини саҳнада ҳам кўриб, фахрлансин.

Чиндан ҳам орадан кўп ўтмай Ҳамид Олимжон эҳтирос билан ёзилган «Муқанна» пьесасини олиб келди. Қўл ёзмани Юнус Ражабийга топшираркан, одатдагидай қувноқ жилмайди:

— Бир ўқинг. Буни мен ёзганим йўқ, қолипга солиб чиқдим, холос. Бу достонни халқнинг ўзи аллақачон яратиб қўйган экан.

Юнус Ражабий қўл ёзмани шошқалоқлик билан варақларкан, худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай гапирди:

— Куйга солиш оғирроқ бўлади, шекилли...

— Шунинг учун ҳам сизга олиб келдим-да, домлажон. Ҳозир асарни ўқимай туриб ҳам куй ёзаверадиганлар кўпайиб кетган-ку. Мазмунини чала-чулпа эшитиб олса, бас!

титут киладиган ишни у ёлғиз ўзи уддалади.

... Уруш йиллари Янгийўлга кўчиб ўтгач, Юнус ака кўпдан ўйлаб юрган ишига киришди. Устоз санъаткорлардан эшитиб, хотирасида сақлаб қолган куйларини нотага сола бошлади. У деярли ҳар куни саҳарлаб кўзлари қизарган, ҳорғин бир аҳволда Тўрахон аканинг уйига кириб келарди.

— Шуни пианинода чалиб кўринг,— дерди бир даста нота қоғозини унга тутқазаркан,— Ҳожи Абдулазиз айтган қўшиқларидан бирини нотага солдим. Эшитиб кўрайликчи, қандай чиқди экан.

Тўрахон ака завқ билан чалар, Юнус ака эса қошларини чимирганича берилиб тингларди. Гоҳо тўсатдан ўрнидан туриб кетар, куйнинг айрим жойларини тузатиб, яна эшитишга тутинарди.

Шу зайилда кўнгил тубида кўз қорачиғидай авайлаб юрилган талай куйлар нотага олинди. Бир неча йил давомида уларнинг сони юздан ортиб кетди. Юнус Ражабий Ҳожи Абдулазиз, Тўйчи Ҳофиз, Шораҳим ака каби кўпгина машҳур санъаткорлар ижро этган халқ қўшиқларини бир-бирига солиштирар, энг яхши томонларини умумлаштириб мукаммал ҳолда нотага соларди. Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Тошкентнинг ижро усуллари бир-биридан фарқ қилар, халқ куйларини яхлитлаштириб, муштарак бир ҳолга келтириш лозим эди. Бу мушкул ишга ҳали ҳеч ким жазм этмаган. Юнус ака шу хайрли ишнинг

— Ҳамиджон, бастакорларни бунақа сўкманг, гапингиз менинг томоқамга тош бўлиб тушади,— ҳазин жилмайди Юнус ака.

Ҳамид Олимжон орадан бир ой ўтказиб келганида Юнус Ражабий уни тўппа-тўғри ўз хонасига бошлаб кирди. Анчагача ичкаридан гоҳ пианинода, гоҳ дутарда, гоҳ найда ижро этилган оҳанглар таралиб турди. Кейин Ҳамид Олимжоннинг хушчақчақ овози эшитилди: «Ҳе, яшасин акангнинг домласи!»

Кўп ўтмай Янгийўлдаги Тошкент область музикали драма ва комедия театрида бу икки санъаткорнинг янги асари саҳнага чиқди. «Муқанна» уларга ўлмас шуҳрат келтирди.

## ХАЗИНА

Санъатшунос Тўрахон Мирзаевни энциклопедия редакциясида учратдим. Кўзлари ўйчан, чуваккина бу одам мени самимий кутиб олди. Мақсадимни эшитиб ҳаяжонланиб кетди. Завқ билан бош тебратиб қўйди.

— Юнус ака ҳақида ёзиш ҳам фарз, ҳам қарз. Халқнинг назари тушган одам бу,— Тўрахон ака оқ оралаган сийрак сочларини кафти билан силаб қўйди,— Юнус ака — хазина. Бу одамнинг юрагига ўзбекнинг ҳамма музикаси жо бўлиб кетган. Юнус акани ўзбек музикасининг қомуси деса бўлади. Бутун бошли инс-

бошловчиси бўлди. Эндиликда халқ куйларини тўплаб, ўрганиш учун институтлар ташкил этилган.

Урушдан кейин Юнус ака бу ишга янада жиддийроқ киришди. Бир куни қилаётган иши хусусида Тўрахон Мирзаев билан гаплашиб қолди. У пайтларда Тўрахон ака нашриётнинг санъат бўлимида муҳаррир бўлиб ишларди.

— Юнус ака, нотага туширган куйларингизни олиб келсангиз, китоб қилиб чиқарсак,— деди Тўрахон ака.

Юнус Ражабий анчагача бошини эгиб, ўй суриб ўтирди. Ниҳоят, Тўра акага қараб вазмин гапирди:

— Кўп яхши иш бўларди, Тўрахон. Куйларни ўрни-ўрни билан тартибга солиш керак. Ўзим ёлғизлик қилиб қоляпман. Қарашадиган одам йўқ.

— Сиз олдин тайёрларини менга келтириб беринг. Планга киритайлик. Кейин, биргалашиб ишлайверамиз.

Бу фикр Юнус Ражабийга маъқул тушди. Шу гапдан кейин у ўн кунга қолмай бир даста куй ёзилган нота қоғозларини кўтариб кириб келди. Тўрахон ака бир неча кун мук тушиб, икки юз қирқ иккита куйни ажратиб олди. Ҳамкасби шоир Туроб Тўла билан ҳамкорликда қўшиқ текстларини кўриб чиқишди. Шундан сўнг қанча тортишув, қанча машаққат билан биринчи китобни чиқаришди. «Ўзбек ҳалқ музикаси» мажмуаси ана шу таҳлид дунёга келган. Шундан бери беш жилд китоб чиқарилди. Ўзбек музикасига абадият муҳри босилди.

## ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ ҲАЗИЛИ

Кирқинчи йилларда амали туфайли ўзини санъат билимдони ҳисоблайдиган бир кимса бўларди. Шартли равишда исми шарифини Муҳсин Азиз дея қолайлик. Фалакнинг гардиши билан шу киши музикали драма ёзади. Бошқармада тасдиқлатади. Мўмайгина қалам ҳақи ҳам олади. Бу гапни эшитиб қолган Ғафур Ғулом уни излаб топади.

— Пьеса қўйиладиган бўлдими? — деб сўрайди Ғафур Ғулом куйинчак одамларга хос жиддийлик билан.

— Йўқ, ҳеч қайси театр қабул қилмаяпти,— минғирлаб арз қилди Муҳсин Азиз.— Бир-иккита таниш композиторларга берсам, куйга тушмас экан, деб қайтиб беришди.

— Бўлди, ўзим тўғрилайман, — деди Ғафур Ғулом одатдаги чўрткесарлиги билан.—Илгарироқ айтганингизда пьесангиз аллақачон қўйилган бўларди. Майли, ҳали ҳам кеч эмас. Шундай бир куй басталатиб берайки, асарингизни ўзингиз танимай қолинг.

— Раҳмат, Ғафур ака, катта раҳмат!..— ялтоқланди Муҳсин Азиз.

— Раҳмат айтишга ҳали вақт бор,— деди Ғафур Ғулом хушламай. — Олдин келишиб оладиган иш бор.

— Ҳар қанақа шартга розиман...

— Пьесага қанча пул олдингиз?

— Эллик мингга яқин.

— Ўттиз мингини чўнтакка солиб олинг. Бир композиторнинг олдига борамиз. Бирор ой бирга бўламиз. Ҳозир қаҳатчилик, анча қийналиб қолган. Яхшилаб меҳмон қилиб турсак бир ойга қолмай, ёзиб ташлайди.

Муҳсин Азиз бу таклифга рози бўлди. Улар шу куниёқ Янгийўлдаги Туркман боғ деган жойга етиб боришди. Ғафур Ғулом унга даврадагиларни таништира бошлади.

— Домла Ҳабибий — ўзбекнинг бобо шоири. Собир Абдулла — театрчи шоир. Пьесангиздаги қўшиқларни шу одам тузатиб беради. Етим Бобожон — фақат бир марта туғиладиган режиссёр, артистлиги ҳам бор. Асарингизни шу одам қўяди. Юнус Ражабий — сиз билан менинг бахтимга туғилган. Ўзбекистонда энг катта композитор шу. Агар пьесангизга шу одам куй ёзса бўлди, ҳали-ку Тошкент экан, Лондонда ҳам қўйилади. — Ғафур Ғулом даврадагиларга имо қилиб қўйгач гапида давом этди: — Хўш, қани пулни чиқаринг. Ҳозирча, йигирма минг бўлса етади.

Муҳсин Азиз, бу катта композитор олдин пул олиб кейин куй басталаркан, деб ўйлади шекилли, бир даста пулни секин Юнус Ражабий томонга суриб қўйди.

— Пулни унга эмас, менга беринг.—Ғафур Ғулом пулни олиб шошилмай санади. Кейин мамнун жилмайиб, Юнус Ражабийга қанчадир пул тутқазди.— Акахон, иложи бўлса, кечқурун бир ош ейлик. Меҳмонимиз чарчаб келган,— у қолган пулни Етим Бобожонга узатди.— Шу пулни театрнинг кам-кўстига ишлатинг. Ҳар бир ишда назр-ниёз деган гап бор. Бу киши шу пулни театрга атаган? Тўғримми?

Муҳсин Азиз жон ҳолатда бош иргади. Бу орада Юнус Ражабий Ғафур Ғуломни имлаб, ташқарига чиқди. Четроққа ўтишгач, қойиб кетди.

— Эсинг жойидами ўзи? Бу нима қилиқ? Ҳа йўқ, ҳу йўқ, бировнинг шунча пулини оласанми?

— Парво қилманг, Юнус ака,— Ғафур Ғулом қўл силтади,— бу одам арзимаган асарига бир дунё пул олибди. Шу пулнинг бир қисмини биз хайрли ишга сарфласак ёмонми? Баҳонада театрнинг қанча кам-кўсти битади. Сиз куй ёзаман деб юраверинг. Жавобини ўзим бераман.

Муҳсин Азиз Туркман боғда ўн беш кун қолиб кетди. Бу орада «асаримга куй ёзилаётганга ўхшамайди-ку», деб минғирлаган эди, Ғафур Ғулом уни яна лақиллатди:

— Ўзингиз яхши биласиз, ҳар қандай ижодкорнинг ўзича бир феъли бўлади. Юнус Ражабий фақат кечаси, эл ухлаганда кейин ижод қилади. Доим кўзи қизариб юришидан билмадингизми? Умрида ухлаган одам эмас,— Ғафур Ғулом худди муҳим сирни айтаётгандек

## Йил — ўн икки ой

# Вақт ўлчови

Ўрта Осиёда календарлар тузиш ва унга амал қилиш қадим замонлардан расм бўлган. Абу Райҳон Берунийнинг айтишича, Хоразмда қадимий календарлардан бири Искандар Зулқарнайндан 980 йил илгари қабул қилинган. Демак, 1980 йили Муҳаммад Хоразмийнинг туғилганига 1200 йил тўлганда, Хоразм календарининг тарихига 3300 йил бўлади.

Айрим мамлакатларда календарь — тақвим кўп ўзгартириб турилган. Календарь системалари зилзила (чунки у пайтларда фанний-астрономик асосда эмас), тўфон, вабо, «ер ютиш», қаҳатчилик, подшолар ва пайғамбарларнинг туғилган ёки ўлган куни сингари тасодифлардан бошлаб ҳисобланган.

Табиатда вақтнинг биринчи мезони — кун, иккинчиси — ой, учинчиси — йил. Кун бирлиги ҳамма халқларда бир хил. Ой ва йил миқдорлари эса бундай эмас.

Птоломей геоцентрик системаси бўйича Ер атрофида етти ёритқич айланиб туради. Ҳафта кунлари шунга мослаб олинган. Қадимги вақтларда шанба — Сатурн куни, якшанба — Қуёш куни, душанба—Ой куни, сешанба — Марс куни, чоршанба — Меркурий куни, пайшанба — Юпитер куни, жума—Венера куни деб юритилган. Абу Райҳон Беруний етти ёритқич номларининг Хоразмда, шунингдек, араб, румий, форс, сурёний, иброний, ҳинд тилларида қандай аталишини баён қилиб ўтади.

Кунлар ҳафта ичидаги номларидан ташқари бошқача ҳам аталган. Хоразмликлар, суғдийлар ва эронликлар ойнинг ҳар бир кунига ўзларича ном берганлар. Кейинчалик ой кунларининг номлари муомаладан тушиб қолган.

Кеча олдинми ёки кундузми, деган саволга жавоб бериш ўз вақтида анча қийин бўлган. Арабларда кеча кундуздан олдин келган. Румликлар ва эронликларда эса бунинг аксини кўриш мумкин эди.

Беруний кеча билан кундуз олдинма-кейин келишининг фан учун аҳамияти йўқлигини кўрсатади ва астрономия илмида кеча-кундузни, қуёш тиккага келган пайтдан ёки ярим кечадан бошлаб ҳисоблаш лозимлигини уқтириб ўтади. Кеча-кундузни горизонтдан эмас, балки меридиандан ҳисоблаш маъқул, чунки горизонт жой координатларига қараб ўзгарса, меридиан географик кенгликка боғлиқ эмас.

Ҳафта ҳисобни дастлаб ғарбликлар ва сурёнийлар, сўнгра араблар қўллай бошлаганлар. Ўрта Осиёда ҳафта ҳисоб анча кейин қўлланила бошланган.

Хоразмликлар Ой манзилларига амал қилганлар. Хоразмда мунажжимнинг «ахтарвеник» деб аталгани бежиз эмас. Унинг маъноси «Ой манзилларига қаровчи», демакдир. Ахтар — Ой манзилларидан бири.

Хоразмликлар Ой манзилларини ўн икки буржга тақсимлаб, уларни алоҳида исмлар билан атардилар. Беруний буржларнинг хоразмча номларидан ташқари арабча, форсча, сурёнийча, ибронийча, ҳиндча номланишларини келтиради.

Ой номлари бурж юлдузлари туркумларининг исмлари билан аталган. Қуёш эклиптика бўйича бир йилда ўн икки бурж юлдузларини ўтади. Демак, Қуёш ҳар бир буржни босиб ўтиши учун бир ой вақт кетади. Бинобарин: Ҳамал — март-апрель (чунки ҳамал 21 мартда бошланади), савр — апрель-май, жавзо — май-июнь, саратон — июнь-июль, асад — июль-август, сунбула — август-сентябрь, мезон — сентябрь-октябрь, ақраб — октябрь-ноябрь, қавс — ноябрь-декабрь, жадий — декабрь-январь, далв — январь-февраль, хут — февраль-март.

Ойнинг бундан бошқа номлари ҳам бўлган. Араблар ойларни «иссиқ», «хиёнат», «фалокат», «тинчлик», «ичкиликсиз» сингари номлар билан ҳам атаганлар. Ой номининг синоними ҳам ишлатилган. Арабларда тўла ой «бадр», тўла пул (10.000 дирҳам) «бадра» деб аталган.

Бир синодик ой — икки янги ой орасидаги давр бўлиб, 29 кун 12 соат 44 минут 13,8 секундга тенгдир. Ойнинг неча кундан иборатлиги масаласи осонлик билан ҳал бўлган эмас. Беруний ой кунларининг сони ҳақида баҳслашган суҳбатдошига шундай дейди: «балки сен шариатдан ҳам узоқсан, шариатни қўйгин-да, фалакиёт олимларига мурожаат қил».

Тропик Қуёш йили 365 кун 5 соат 48 минут 46 секунд. Ой йили (12 синодик ой) 354 кун 8 соат 48 минут 45,6 секунд.

Тропик қуёш йили билан ой йили орасидаги фарқ 10 кун 21 соат 0,5 секунд.

Йиллар бир вақтлар рақамлар билан эмас, исмлар билан аталган: зилзила йили, тинчлик йили, ошначилик йили ва ҳоказолар.

Қуёш ҳижрий ва ой ҳижрий йил системалари орасида муштараклик ҳам, тафовут ҳам бор. Қуёш йили (365 ва 366 кун), ой йили (354 кун). Иккаласи ҳам эрамизнинг 622 йилидан, лекин биринчиси 21 мартдан, иккинчиси эса 16 июлдан бошланади.

Ой календарининг камчилиги асосан фаслларга мос келмаслигидадир. Чунки фасллар Қуёш йили билан ўлчанади. Қуёш календарларига яздижард, жалолий, буржий, шамсий ҳижрий, Григорий ва бошқа системалар киради. Ой-Қуёш календарида ой — ой бўйича, йил — Қуёш бўйича ҳисобланади. Бу календарь исломдан 200 йил илгари яратилган. Муҳаммад 631 йили Ой-Қуёш йилидаги ўн учинчи ойни олиб ташлаттирди, шу билан қамарий системасига қайтилди.

638 йили эса Умар ибн ал Хаттоб қамарий йилни ҳижрийга айлантирди, яъни ҳисобни 622 йил 16 июлдан бошлаттирди. Беруний Қуёш йили ва Ой йилининг Шарқ халқларида қўллаш қоидаларини изоҳлаб берган.

Улуғбек ўз зижининг айрим бобларини ҳижрий, юнон, яздижард, жалолий, уйғур, хитой ва шу каби календарь системаларига бағишлаган. У турли календарлар орасидаги муносабатни аниқлаш жадвалларини ҳам яратди. Буларда ой ва йил бошлари — мадҳаллари эътиборга олинган.

Жадваллар фақат зижлар, астрономик кузатишлар, белгиланган шартларни ифодалаш учунгина эмас, балки муомалаларда татбиқ қилинадиган тарихларни белгилаш учун ҳам ишлатилади. Шундай жадвалдан Беруний ва Улуғбек томонидан тузилган.

Цикллар ҳам кўп. Хитой календарларида 2 ойли, 3 йилли, 10 йилли, 180 йилли цикллар бор.

Мучал ҳисоби эса сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон,

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳурматли журналхонлар, биз «Гулистон»нинг бу йилги сонларида фалсафа фанлари кандидати Омонулло Файзуллаев таҳрири остида ҳар ой ҳақида батафсил ва ранг-баранг маълумотлар бериб борамиз.

**Янги йил, айниқса ўтган замонларда ҳар хил халқларда мамлакатларда турлича ойдан бошланган. Абурайҳон Беруний ўзининг «Осор албоқия» рисоласида Суғд, Хоразм, Сижистон, Эрон, Румо, Юнонистон, Миср, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда бу масалага қандай қараганликлари ҳақи. да батафсил изоҳ беради. Чунончи, янги йил Хоразмда — навсоржи ойидан, арабларда — муҳаррамдан, Эронда — фарвардиндан, туркларда — сичқон**

---

унинг қулоғига шивирлади: — Ишонмасангиз, ухламай пойланг. Эшитасиз.

Муҳсин Азиз бунга чиппа-чин ишониб, икки кеча ухламади. Аммо композиторнинг хонасидан куй эшитилмади. Шу тахлит ёнидаги пули тугагунча пьесаси не-не театрларда қўйилишини орзу қилиб юраверди. Аммо пули тугаган куни Ғафур Ғулом унга бўладиган гапни айтди.

— Гапнинг ўғил боласи шу. Асарингиз чиндан ҳам куйга тушмас экан.— Ғафур Ғулом афсуслангандек бош чайқади.— Бошқа жойга олиб бориб овора бўлманг, унга куй ёзадиган композитор топилмаса керак. Энди сизга жавоб.

— Бўлмаса, пулимни қайтиб беринглар,— алданганини пайқаган Муҳсин Азиз дод солиб, ўрнидан турди. — Ҳали сиз мени лақиллатмоқчи бўлдингизми? Менга бунақа номерингиз ўтмайди.

— Сизнинг номерингиз ҳам адабиётга ўтмайди, — Ғафур Ғулом кескин қўл силтади:— Йиғиштиринг, бунақа лўттибозликни!

— Ҳали шунақами? Менинг кимлигимни билмайдиганга ўхшайсиз! Шундай додингизни берайки, қилмишингизга пушаймон қилинг!

У дўқ-пўписа қилганича жўнаб қолди.

Ишнинг бунчалик қалтис тус олиб кетганидан чўчиган Юнус Ражабий:

— Шу ишинг яхши бўлмади, Ғафур, арз қилса балога қолмайлик,— деди.

— Ташвиш қилманг,— деди Ғафур Ғулом бепарво.— Аввало, Ғафур Ғулом шундай қилди деса, катта шоиримиз бир эркалик қилибдида, деб кўя қолишар. Лекин, шу баҳонада бу халтурачи қайтиб қўлига қалам олмайдиган бўлади. Акаҳон, адабиётга суқулиб кирмоқчи бўлган бир ҳаромхўрнинг таъзирини бериб, савобли иш қилдик. Шу савобнинг ярми сизники. Розимисиз?

Чиндан ҳам Муҳсин Азиз Ғафур Ғуломнинг устидан арз қилишга ботинолмади. Шундан бери уни адабиётда кўрдим-билдим деган одам ҳам йўқ.

### АБАДИЯТ

Октябрь байрами арафасида академик Юнус Ражабийга «Шашмақом»нинг олти жилдлигини тўплаб нашр эттиргани учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Шу муносабат билан қутлагани борсам, Юнус Ражабий эндигина кўчадан келиб, дам олишга чоғланиб турган экан. Мени кўриб жуда қувониб кетди. Унинг руҳи тетик, вақти чоғ бўлсада, бир қарашда алп қомати бирмунча чўккандек, чеҳраси ҳорғин кўринади. Ўзимча буни хасталик асоратига йўйиб ҳол-аҳвол сўрадим.

— Касалхонадан чиққанимга бир ҳафта бўл-

от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз йилларини ўз ичига олиб, 12 йиллик циклни ташкил этади. Мучал асли мўғуллардан кириб келган. Мучал йиллари ҳам буржларга боғланади, лекин мучал йилларини ифодаловчи юлдузлар йўқ. Қуёш активлиги циклига мучал ҳисобининг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Мелод — «бизнинг эрамиз»— дастлаб VI асрда Рим руҳонийси Дионисий томонидан ўйлаб чиқарилган. У Исо туғилган кундан бошланади, деб қабул қилинган.

Мелод ҳисоби Россияда 1699 йили 29 декабрда Петр Биринчи томонидан жорий этилган.

Ўрта Осиёда октябргача уч хил, яъни қамарий ҳижрий, шамсий ҳижрий ва мелод календари қўллаб келинарди.

Ҳозир ҳам баъзи мамлакатларда бир неча календарь юритилади. Эронда расмий равишда Эрон шамсий календари қабул қилинган бўлса-да, ҳижрий қамарий, Григорий системалари ҳам ишлатилади; Туркияда Григорий, қамарий ҳижрий, румий, шамсий ҳижрий каби тўрт календарга амал қилинади.

Бир қанча Шарқ мамлакатларида қамарий ҳижрий системага амал қилинади. Лекин ислом динининг мазҳаблари турлича бўлганидан (сунний, шиъа, исмоилий, ваҳҳобий ва бошқалар) Эрон, Афғонистон, Туркия, араб мамлакатларида уларнинг йиллари ҳар хил.

Маълумки, йилнинг кун орттириши кабиса дейилади. Кабисани эътироф этиш тарихда осон иш бўлмади. Дарҳақиқат, бир йил неча кундан иборат, деган саволга жавоб ҳануз шартлилигича қолмоқда. Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқишига кетган вақт бутун кунларга тенг эмас: Қуёш ўз йўли — эклиптикадаги баҳорги кун тенглиги нуқтасидан икки марта ўтиш оралиғи 365 кун 5 соат 48 минуту 46 секунддир. Демак, уни 365 кун деб олинса — камлик қилади, 366 кун дейилса — ортиқчалик қилади.

Йилни ташкил қиладиган кунлар сонининг етарли бўлмаслиги оқибати ҳақида Беруний бир мисол келтиради: йиллар ўтиши билан хирож тўлаш ойи экинларнинг ҳали хом вақтига тўғри келиб қоладиган бўлди. Натижада деҳқонлар амалдорлардан ё қарздор бўлиб қолар, ё ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлар эдилар. Подшоҳлар календарни тўғрилашга атай уринмас эдилар. Подшоҳ Яҳё ибн Холид: «Тақвимни тўғрилаш — кофирликни орттириш, наврўзни суриш — мажусийликка боришдир», деб қайсарлик қиларди.

Йилнинг кунлар сонини орттириши кабисадир, дедик. Эронликлар бир вақтлар кабисага амал қилмаганлар. Чунки у куннинг номи йўқлигидан «замзама» ўқишга имкон бўлмаган. Замзама ўқилмаса, ўша куннинг фариштаси тилга олинмай қолармиш. Сўнг кабисани қўллайдиган бўлдилар. Лекин нотинч йил кабисага риоя қилинмасди. Кабисали йилда подшо фуқародан хирож олмас эди.

Берунийнинг ҳикоя қилишича, Абу Саид Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ироқ занжирдан озод қилиниб, Бухородан Хоразмга қайтиб келиши билан ҳисобдонлардан сўрабди: «Ажғор куни қачон келади?». У етти йилдан кейин яна ўша саволни такрорлабди. Харожий, Ҳамданий ва бошқа мунажжимлар жавоб ўрнига тақвимдаги чатоқликларни тушунтиришибди. Ибн Ироқ экин экиш ва ер ишлаш вақтлари, шунингдек ҳайит кунларининг тартиб билан келиши ҳақидаги масалани мунажжимлар олдига қўйибди. Мунажжимлар маслаҳат беришибди: «Хоразмча ойларнинг бошларини румликлар ва сурёнийлар ойларининг аниқланган кунларига қўйишдан афзалроқ ҳийла йўқ. Шунда хоразмликларнинг ойлари уларники сингари кабисали бўлади».

Шундай қилиб, Навсоржийнинг 1 куни сурёнийча найсоннинг 3 куни деб ҳисобланди. Ниҳоят, ажғор ҳамиша таммуз ойининг ярмида келадиган бўлди. Экин-тикин муддатлари ва бошқа ҳамма нарсаларнинг вақтлари аниқланди.

Румликлар ҳисобининг келиб чиқиш тарихи эса бундай бўлган. Миср астрономи Созиген Қуёш йили тахминан 365 ва яна чорак кунга тенг бўлгани учун кетма-кет уч марта 365 кун, тўртинчи йили 366 кун, яъни кабисали йил деб қабул қилишни таклиф этади. Бу янгилик мелоддан 46 йил илгари Юлий Цезарь томонидан жорий этилган.

Хоразмдаги каби Суғдда ҳам кабисали йил қўлланилган. Беруний кабисали йилни қўшимчаси бўлгани учун «бўғоз йил» деб атаган.

Умар Хайём яратган календарь системасида ҳар 33 йилли даврда 8 кабиса йили қабул қилинган, улардан еттитаси ҳар тўртинчи йилга ва охиргиси бешинчи йилга тўғри келади.

Юлий календарь системасининг ҳам камчилиги бор. Қўшилган чорак кун аслида 6 соат бўлмай, балки 5 соат 48 минуту 46 секунд бўлганидан ҳар йили 11 минуту 14 секунд фарқ қилиб боради. Бу фарқ орадан 128 йил ўтгач бир кеча-кундузга етади. Кабисанинг қўлланилиши йилнинг бошига ҳам боғлиқ. Румликлар йилларининг боши ўз жойидан силжиганини сезгач, ҳинд йилларини қўллашга мойил бўлдилар. Шунда Қуёш қайтадан найсон бошида ҳамал буржининг олдига ўтди. Хоразмликлар билан суғдийлар йил бошини белгилаш учун ортиқча кунларни қўшишда бир хилда йўл тутганлар: ҳар 115 йил 365 кундан иборат, 116-йилга эса 1 ой ва 1 кун қўшиларди. 1582 йили папа Григорий XIII Юлий календаридаги нуқсонни бартараф қилиш мақсадида ислоҳ киритди. Ҳар йили 11 минуту 14 секунддан йиғилиб қолган тафовутни йўқотиш учун 10 кун олиб ташлади, яъни 1582 йилининг 5 октябрини 15 октябрь деб эълон қилди. Кейинчалик бундай фарқни йўқотиш учун ҳар 400 йилда кабиса йилини учтага камайтиришни лозим деб топди.

Григорий системаси Европанинг бир қанча мамлакатларида, чунончи, Италия, Испания, Португалия, Бельгия, Франция, Дания, Швеция, Голландия, Швейцария, Польша, Германия, Англия, Финляндия ва бошқа мамлакатларда XVI асрнинг охирлари ва XVII асрнинг бошларида қабул қилина бошлади. Хитой, Болгария, Руминия, Югославия, Греция, Эрон, Туркияда XX асрда шу системага ўтилди. Григорий системаси Совет Иттифоқида 1918 йили қабул қилинди ва ўша йили 1 февраль 14 февраль деб ҳисобланди.

Шарқ мамлакатларида Григорий календари билан биргаликда бошқа системалар ҳам қўлланилади. Юлий ва Григорий календарлари — Қуёш йилига асосланган. Григорий Қуёш календари ва Ой йили календари ҳозирги вақтда Миср, Жазоир, Афғонистон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Марокаш, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия ва бошқа мусулмон мамлакатларида юритилади. Бунда ҳар 3280 йил ўтганида хато 1 суткагача етади. Лекин бу сезиларли эмас. Ана шу камчиликни камайтиришда кабисанинг аҳамияти катта бўлди.

1972 йили фаслларнинг авжлари қуйидагича бўлади; баҳор — 20 март Тошкент вақти билан соат 15-у 22 минут, ёз — 21 июнь соат 10-у 06 минут, куз — 23 сентябрь соат 1-у 33 минут, қиш — 21 декабрь соат 21-у 13 минут.

Григорий календарининг 1972 йилига қамарий ҳижрий ҳисобининг 1391—1392 йиллари, шамсий ҳижрий ҳисобининг 1351 йили, румий календарининг 1388 йили, Исроил ҳисобининг 5732 йили тўғри келади.

**Омонулло ФАЙЗУЛЛАЕВ**

---

**ойидан, мағрибликларда — моядан, мисрликларда — тот ойидан бошланган.**

**Январь ойи қадимги Румода мелоддан 700 йил илгари киритилган. Мелоддан 46 йил илгари янги йилнинг боши 1 январь деб эълон қилинган. Бу ном аслида Румо мифологиясидаги қаҳрамон Янус исмидан келиб чиққан. Қомусларда кўпинча януариюс лотинча сўз дейилади. Беруний бу этимологик масалани кенгроқ ва чуқурроқ баён этиб, қибтийларда — янайир, румликларда — януариюс, деб тушунтиради.**

**Бу қишки ойнинг қадимги русча номи — сечень. Россияда 1699 йилгача, яъни мелод календарига ўтилгунча шу ном қўлланилган.**

**Григорий календарининг январь ойига Эрон ҳижрий шамсий системасининг баҳман ойи, турк системасининг очак ойи мос келади. Январь бошларига бурж системасининг жадий ойи, охирларига эса далв ойи тўғри келади.**

**Январнинг муқобиллари миқдор жиҳатидан бир хил эмас: январь — 31 кун, баҳман — 30 кун, Эрон қамарий календарининг шаъбан ойи — 29 кун.**

**1972 йилнинг 1 январь куни қамарий ҳижрий системасининг 1391 йил зулқаъда ойининг 23-кунига тўғри келади. Бу йил Қуёшнинг Ерга энг яқинлашган куни (перигей) — 3 январдир 22 январь куни — Ой перигейда, 9 январда эса апогейда.**

**Бу ойда қуйидаги сайёраларни кўриш мумкин: Меркурий (тонготарда), Венера (оқшомда), Марс (оқшомда), Сатурн (тонготарда), Уран (тун бўйи).**

---

ди. Анча тузукман,— деди у енгил тин олиб.

— Кўринишингиз яхши. Соғайиб, тиниқибсиз, — дедим кўнглини кўтариш ниятида.

— Киностудиядагилар келганимни эшитиб ҳеч қоли-жонимга қўйишмаяпти. Эрталаб чиқиб кетганимча ҳозир келиб турган эдим. Хабарингиз бордир, мени кинога олишяпти. — Юнус Ражабий вазминлик билан ясатиғлиқ стол олдига келиб ўтирди. Чой қуйиб тутди. Нон ушатди.— Олинг, узумдан енг. Кўкалдош мадрасаси, Навоий музейи, Радиокомитетнинг олдида суратга олишди. Қариб қолибманми дейман, чарчадим.

— Ҳали бақувватсиз, домла.

— Бизнинг ўзбеклар кўнгил кўтаришга уста бўлади. Сизга ўхшаган укаларим ҳамиша, ёшсиз, дейишади. Ғафур ҳам бир сўз билан одамнинг кўнглини тоғдай ўстириб юборарди. Афсуски, умр ўтиб кетяпти. Саксоннинг қорасини олиб қолдик.

Шу пайт хонага ёқимтой, кўзларими ёки юз тузилишими, ишқилиб аллақаери Юнус Ражабийга ўхшаб кетадиган болакай кириб келди. У мени кўриб бир муддат ётсираб турдида, югургилаб келиб бувасига осилди. Юнус Ражабий уни эркалатиб бир шингил узум тутқазаркан, жилмайди:

— Неварам. Мени жуда яхши кўради. Бувам билан ётаман, деб хархаша қилгани-қилган.

Қўшни хонадан бувисининг овозини эшитган болакай чопқиллаб чиқиб кетди. Юнус Ражабий унинг ортидан қараб қоларкан, бошини сарак-сарак қилиб қўйди:

— Кўпайгурлар жуда кўп. Баъзан отларини ҳам адаштириб қўяман.

Биз чой устида беш жилдли «Ўзбек халқ музикаси» китобини, «Шашмақом»нинг олти жилдини, домланинг етмиш йиллиги муносабати билан чиқарилган газеталарни варақлаб ўтирдик. Юнус Ражабий бутун босиб ўтган йўлини, устозларини, тенгдошларини бир-бир хотирлади. Пировардида суҳбатимиз яна айланиб, домланинг ҳозирги режаларига кўчди.

— Халқимиз яратган куйларни эндигина беш жилдга солдим. Лекин ҳали кўнглимда гап кўп,— деди Юнус Ражабий ҳорғин табассум билан.— Мен биладиган куйлар яна беш жилд бўлиб, ортади. Лоақал яна беш жилд китоб чиқарсам эди

Юнус Ражабий бу гапларни чуқур ҳаяжон, ишонч билан гапирди. Маъно тўла ўйчан кўзларига, бир оз сўлғин чеҳрасига қараб туриб, бу алломага бўлган ҳурматим янада ортиб кетди. Унга ҳавасим келди. Яшашни, яратишни истаган одам Юнус Ражабийдан ибрат олиши керак, деган фикр хаёлимдан кечди. Бу одамдан ибрат олган киши умрини асло зое ўтказмайди.

**Эмин УСМОНОВ**

Мақсуд ҚОРИЕВ.

# Меҳр ва қаҳр

*Ҳикоя*

Бу воқеа Чотқол этакларида рўй берган эди.

Кеч куз. Ҳаво илиқ. Тепада кумуш ранг тоғ тизмалари, пастроққа тушсангиз — кўм-кўк арчазор ичида қуёш нури қамалиб қолгандек, оловланиб турибди. Пастда эса жўшқин, шўх дарё. Разм солсангиз, бир сирли дунёга ўхшайди, гўё алланималар деб гувиллайди, тошдан-тошга урилиб, қорли чўққилардан бутун водийга саринлик элтади.

Шу гўзал манзараларга шайдо икки дўст дарё ёқалаб келардик. Бир азим ёнғоқ тагида жиндак дам олиш учун анжомларимизни бир чеккага қўйдик. Шу пайт қулоғимизга ғалати овоз эшитилди. Югуриб бориб пастга, сув бўйига қарадик: тошлоқда ўмбалоқ ошиб бир-бири билан ўйнашаётган айиқчаларга кўзимиз тушди. Дўстим «жим», дегандек бармоғини лабига босди. Қарасак — қирғоқдан берироқда қоп-қора баҳайбат айиқ ўзини қуёшга солиб ётган экан. Жўра қўлида киноаппарати билан қулай бир жойга ўрнашиб, айиқларни иштиёқ билан суратга ола бошлади.

Кузнинг қуёшли, оромбахш ҳавосида айиқчаларнинг худди болалардек ўйнашаётганини завқ-шавқ билан узоқ томоша қилдик. Улар ўйнашиб зерикишди шекилли, бири ухлаб ётган онаси олдига бориб суйкала бошлади, иккинчиси эринибгина дарё ёқасига келди-да, сув четидаги тошга оёғини қўйиб, қандайдир ўтни юлмоқчи бўлди. Шунда дафъатан тош сурилиб кетиб, айиқча сувга юмалаб тушди. Шўх оқим уни тошдан-тошга уриб оқизиб кетди. Буни кўрган онаси ирғиб турди, паҳлавон гавдасини лапанглатиб соҳилга борди. Жон ҳолатда қирғоқ бўйлаб югурди. Ниҳоят ўзини сувга отди. Қўпол гавдаси тошларга урилар, боласидан кўз узолмай сузар, гоҳо бўкириб қўяр эди. Боласини қандай қутқаришни билмайди, лекин унинг изидан қолгиси йўқ. Асов оқим бўлса шафқатсиз уни гирдобига тортиб кўмиб юбормоқда. Айиқ эса бўш келмас, чиқа солиб боласини қидирар, кейин яна олға сузар эди. Оқим шунчалик тез эдики, онаси ҳам, боласи ҳам ўзини ўнглолмас эди.

Бу ҳодиса кўз очиб юмгунча рўй берганидан, биз нима қилишимизни билмай, фақат томошабин бўлиб турардик. Очиғи, сувга ўзимизни ташлаб айиқларни қутқаролмаймиз: сув жуда хавфли, ҳамма ёқ тош. Шундай баҳайбат махлуқни эсанкиратиб қўйган экан, бизни нима аҳволга солиши маълум.

Она айиқ дарёнинг қоқ ўртасида, ўзидан анча нарида оқиб кетаётган жигарбандига бутун вужуди билан интиларди. Соҳилда қолган иккинчи айиқча бўлса онасининг борган сари узоқлашиб кетаётганини кўриб, безовталана бошлади, қирғоқда у ёқдан-бу ёққа чопиб, ниҳоят у ҳам онаси томон югурди, лекин сув бўйига келганда қўрқиб кетиб, ўзини яна орқага тортди, нима қилишни билмай, гоҳ олдинга, гоҳ орқага чопарди. Она айиқ соҳилда қолган боласини кўриб бўкирдию, шунда ҳам оқаётган боласини кўздан қочирмай, ўша томонга сузаверди.

Биз хавотирга тушиб қолдик, соҳилда қолган айиқча ҳам тағин тентаклик қилиб онасининг кетидан сувга тушиб кетмаса! Безовталаниб қирғоқ томон югурдик. Аммо, аттанг, қош қўяман деб кўз чиқардик. Қирғоқда, сувга тушайми-тушмайми, деб иккиланиб турган айиқча бизни кўриши билан ҳовлиқиб ўзини дарёга ташлади. Она айиқнинг аҳволини кўрсангиз! Шўрлик аламига чидай олмади, осмонга қараб овози борича наъра тортди; у гўё фалакнинг зулмидан дод солар, юраги ёниб, нола қиларди. У гоҳо олдинга сузар, кейин куч тўплаб оқимга қарши, ўзи томон оқиб бораётган боласига қараб интилар, у ёққа қараса нариги боласи кетиб қолябди, олдинга сузса — буниси қолиб кетяпти...

Она айиқ ўзини дам у ёққа, дам бу ёққа ташларди, бу ҳаракат бир неча бор такрорланди. Дард-алам билан гоҳ оқимга қарши, гоҳ оқимга томон сузаверіб ҳолдан тойди шекилли, энди ноласи ҳам эшитилмай қолди. Ўзини оқим ихтиёрига ташлаб қўйган эди. Бедов оқимлар унинг баҳайбат гавдасини хоҳлаган томонга, хоҳлаган аҳволга солиб оқизиб кетмоқда. Сувдан боши чиқиб қолгудай бўлса дарё юзидан болаларини қидирарди...

Дарё эса ўз ғағрида бўлаётган бу фожиага бепарво. Она ноласини ҳам, юрак фиғонини ҳам тингламас, ҳеч нарса билмагандек, тинмай пишқирар, тошларга урилиб кўпирар, ўз қурбонларини оқизганча қаёққадир шошар эди...

Айиқчалар эса асов тўлқинлар устида енгил, дадил олға сузиб боришарди. Ана улар бир-бирларига тўқнашди, дарёнинг сокин бир жойига ўтиб ҳам олишди. Лекин она айиқ энди кўринмас эди, у тўлқинлар қаърида дом-дараксиз кўмилиб кетди. Унинг ўшқиришлари, мунгли наъраси жўшқин дарё шалолаларига қўшилиб, дарё тубига чўкди.

Биз бўлсак шўх дарёнинг бунчалик қаттиқ қаҳрига сўз ҳам, чора ҳам тополмай, айиқчалар кўздан ғойиб бўлгунча ноилож қараб қолдик. Уларнинг эсон-омон сувдан қутулиб чиқиб кетишигина кўнглимизга тасалли берарди.

* * *

Бу воқеани кинолентага олган дўстим Жўра бир куни бизникига келиб, ўша фожиани қайтадан менга кўрсатмоқчи бўлган эди, мен кўнмадим. Шундан бери қанча йиллар ўтди, неча бор олтин куз манзаралари такрорланди. Мен баъзан Чотқол этакларида юрганимизда, дарё чеккасидан ўтиб қолгудек бўлсак, ўша ҳодиса эсимга тушиб, ичимдан зил кетаман, юрагим увишади. Дарё ўртасида ўз болаларининг ҳаёти учун олишиб фарёд чеккан, унсиз чўкиб кетган ўша она айиқ ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

# «Биз — руслармиз!..»

Рус шахмат мактабининг асосчиларидан бири Александр Александрович Алёхин туғилганига яқинда 80 йил тўлади. Алёхин Москвада дунёга келди, истеъдоди шу ерда камол топди. У гроссмейстер унвонини ҳам мамлакатимизда олди. Кейин кўп йиллар давомида ватандан йиронда яшади, лекин совет шахматчиларининг Алёхин билан алоқалари сира узилмади. Капабланка билан янкамаянка беллашганида унга астойдил муваффақият тиладилар, ғалаба хабарини эшитганда эса қувончларининг чеки йўқ эди...

Шахмат оламининг тождори бўлишдек юксак мақсадни кўзлаб, у бутун ҳаётини шунга тикди. Алёхин мақсадига етди-ю, аммо ҳаётининг кўпгина қисмини бегона юртларда сарсонлик-саргардонликда ўтказганидан ҳамиша зорланиб, ватанига талпиниб юрди.

Она-Ватан, ёру дўстлар висоли олдида жаҳон чемпионлиги ҳам арзимас бир нарса эканини дилдан сеза бошлаган Алёхин 1935 йилда Москвага, «Известия» газетасининг редакциясига қуйидаги телеграммани йўллади: «СССРда маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эришилган ютуқларнинг моҳиятини шахматчи сифатидагина эмас, балки инсон сифатида ҳам сезиб, Октябрь революциясининг XVIII йиллиги муносабати билан СССР шахматчиларига самимий саломимни йўллайман. Александр Алёхин».

Худди шу пайтда у Макс Эйве билан матч ўйнар, ҳисоб Алёхиннинг фойдасига эди. Аммо жангда яккаланиб қолган, юртини қўмсаган Алёхин мағлубиятга учраб, унвонидан ажралди. Шундан кейин ҳушига келиб, эл-юрти шаънини улуғлаб, Россияга чемпионлик унвони билан қайтиши кераклигини дилига тугиб қўйди.

1939 йилда Михаил Ботвинник билан Москвада учрашиш ҳақида келишилди. Аммо жаҳон уруши бошланиб кетиб матч ўтказилмади. Ниҳоят, 1946 йилда Алёхин Москвага қайтиб келиш учун учинчи бор интилганида, бунга бевақт ўлим халал берди. Шу тариқа Алёхинга қадрдон тупроқни яна кўриш, халқнинг дийдорига тўйиш бахти насиб этмади. Қаттиқ янглишиш орқасида ҳаёт бўронларига дуч келган, ватанидан жудо бўлган буюк шахматчи элюртига кўз тикиб, унга талпиниб оламдан ўтди.

Алёхиннинг тенгдоши, рус адиби Борис Лавренёвга отаси шундай насиҳат қилган экан: «Ҳозир сенга ҳамма нарса барбод бўлаётгандек туюлмоқда... Бўлмаган гап! Инсон учун энг азиз нарса — ватани, халқи. Халқ эса доимо ҳақ!.. Халқдан ажралма, охиригача халққа эргаш! Биз — руслармиз! Она-Ватанни тарк этолмаймиз! Хўш, ўзинг айтгандай, яна қайтиб келиш шарти билан вақтинчалик кетасан, деб фараз қилайлик. Лекин қайтиб кела олишингга, халқ оғир пайтларда ташлаб кетганингни кечириб, сени қабул қилишига кўзинг етадими? Йўқ, ўғлим! Азроил жонингни оламан деганда ҳам, рус элидан ҳеч қаёққа жилма. Узга юртларда яшаб ўлиш — исноднинг!».

Бу гаплар Алёхиннинг ҳам кўнгилдан минг бор ўтиб, қилмишига минг бор афсус егани муқаррар. Лекин халқнинг қаҳри қаттиғу аммо кек сақламаслигини, бағри кенглигини тушунган рус гроссмейстери ҳар бир ватанпарварнинг бурчи — ватанига қайтиш эканига ҳамиша ва тамомила ишониб юрди.

Алёхин бундан 26 йил муқаддам ёруғ жаҳондан кўз юмди. Лекин у шахмат шинавандаларининг хотирасида абадий сақланиб қолди. Унинг тийрак тафаккури шахматчилар орасида умрбод яшайди. боқий ижоди эса кишиларни завқлантириб, шахмат санъатига чорлайверади.

# Болқаймоқ

Очил дастурхон

Асалнинг минг дардга даволиги тўғрисида жуда кўп мақолалар ёзилган, бу ҳақда катта китоблар ҳам бор. Асалнинг қуруқ ўзини эмас, балки бирон бошқа нарса билан бирга истеъмол этилганда янада кўпроқ шифо бериши кўпдан маълум. Асални жуда оз миқдорда — бир кунда икки ош қошиғида нон ва чой билан истеъмол этилгани маъқул. Агар асални сут, қаймоқ ёки сариёққа аралаштириб ейилса яна ҳам фойдалироқ бўлади.

Таркиби: 0,5 кг қаймоқ, 150 грамм асал, 1 ош қошиғида ун. Бу 5—6 кишилик нонушта.

Тайёрлаш усули. Асални сирли идишда оловга тутиб эритасиз. Қаймоқни ҳам алоҳида кастрюлкага солиб секин қайнатасиз, аралаштириб турасиз. Қайнагач ёғи юзага кўтарилади, худди шу пайтда эритилган асални қўшиб, аралаштирасиз. Болқаймоқ қуюқроқ, нонга илашимли бўлсин, десангиз —ундан чимчилаб сепиб, қориштиринг.

Таом иссиқ ҳолатида дастурхонга тортилади.

Фойдали хоссалари. Болқаймоқни халқ тиббиятида иштаҳаси қирқилган, қони камайган, қуввати сиз беморларга шифо тарзида едирилган. Бу таомни шамоллаганда, грипп билан оғриганда, қуруқ йўталганда ейиш ҳам мумкин. Упка, юрак, ошқозон, ичак ва жигар каби асосий аъзолари касалланган беморлар учун эса болқаймоқ парҳез таомдир.

Карим МАҲМУДОВ.

# ҚАЪМАТАК

## Ҳангома

Қор ёғарди бўралаб,
Қолишмасди довулдан.
Тўйга айтиб кетишди,
Шундоқ қўшни овулдан.
Йўлга чиқди икки чол,
Тўйга бориш қарз, бешак.
Бирови отга минди,
Бирови минди эшак.
Қор-чи, ҳамон ёғарди,
Ёғар эди гупиллаб.
Йўлни эшак бошлади,
От эргашди лўкиллаб.
Гапга тушди икки чол,
Суҳбат у ёқ-бу ёқдан,
Ўтган-кетган, баланд-паст,
Гоҳ калла, гоҳ туёқдан.
Суҳбат деган соз нарса,
Қолмасанг бас сургашиб.
Йўрғалар эшак ҳамон,
От боради эргашиб.
Аста-секин кун қайтар,
Уфқларда ўчган ранг.
Қор оралаб қайдадир,
Бир юлдуз чақнар аранг,
Чоллар-чи, ҳамон йўлда,
Суҳбат ўша-ўшайди.
Бири деди: — Оқсоқол,
Кун ботганга ўхшайди.
— Йўғэ, уста, — дер бири, —
Кўздан қолибсиз буткул.
Тўрт чақирим овулга
Наҳот юрсак бир кун йўл.
Аммо бу гап рост эди,
Юлдузлар чақнар бот-бот.
Олдинда эшак борар,
Орқада лўкиллар от.
Овулдан-чи, дарак йўқ,
Оппоқ эди қир-қия.
«Адашиб кетдикмикан,
Куппа-кундуз куни-я!
Гап босдими ё ғафлат,
Тавба, бу қандоқ ўйин!..»
Қор тиндию чоллариинг
Ичига кирди қуюн.
— Қора қишда тўй қилмай,
Баттар бўлгур нокас, гов.
Ёлчағарининг аслида,
Феъли совуқ эди-ёв.
Қайдадир чўзиб-чўзиб,
Увлаб қолди-ку қашқир.
Ким ҳам, айтинг, бундай чоқ,
Ташвишга тушмас, ахир!
Хусусан, кексайганда
Хафа бўлиб кетасан.
Айтайлик, ўша қашқир,
Ғажиб кетса нетасан!
Қора совуқ тиш қайраб,
Қовурғани эзарди.
Кенг сайҳонда икки чол,
Йўл ахтариб кезарди.
Йўл қаёқда, тўрт тараф,
Қалин, оппоқ қор эди,
Энг баттари — совуқда
Жон сақлаш душвор эди.
Қайтай деса изига —
Белги ҳам йўқ, из ҳам йўқ,
Қалтирайди икки чол,
Таскин ҳам йўқ, сўз ҳам йўқ.
— Не бўлса ҳам топширдик,
Яратганнинг ўзига!
Таваккал, деб, от бошин
Қайирдилар изига.
— Пешанада борини,
Кўрар инсон деган зот.
Йўл солдилар қайгадир,
От бошин қўйиб озод.
Бир кор-ҳол бўлмай энди
Уйни топиб борсак бас.
Сургаладн от ҳорғин,
Орқада эшак бесас.
То тонггача икки чол
Юрди, турди, суринди.
Узоқларда бир маҳал,
Қора нарса кўринди.
Бўғоти бор, ҳайтовур,
Ўхшаб турар қишлоққа.
«Худога минг шукур», деб,
Юрдилар ўша ёққа.
Туман ичра дов-дарахт,
Турар эди ялтираб.
Тонгга яқин қишлоққа
Кириштилар қалтираб.
Тугаганди бардош ҳам,
Тугаганди бор сабот.
Етмай бир дарвозага,
Тўхтаб қолди шўрлик от.
— Жой сўрайлик, нарёғи
Бир гап бўлар, оқсоқол.
Қамчин билан тақа-туқ,
Дарвозани қоқди чол.
Изғирин-чи, изғирди,
Еру кўкда хорғин тус.
Бир кампир чиқди шу тоб,
Қўлида хира фонус.
Сўз бошлади чол титраб,
Ҳалқумига келиб жон:
— Бир кечага бизларга
Жой берсангиз, янгажон.
Қора қуюн чарх уриб,
Кўз олдини тутарди.
Кампир келиб яқинроқ
Фонусини кўтарди.
— Ҳой сенмн бу, ер юткур,
Имонингдан кечдингми,
Алжирайсан, ё тўйда,
Ароқ-пароқ ичдингми!

Алқисса шу: от йўлни,
Уй томон бурган экан.
Чол-чи, ўз кампиридан,
Жой сўраб турган экан.

Абдулла ОРИПОВ

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

А. АЛИМОВ чизган.

# ТЎЁНА

— Эшитмадим деманглар, Шафиуллоникига тўйга!

Тонг отгунча тинмаган сурнайчининг тили оғзига сиғмай қолди, карнайчининг лунжи тарвуздай шишиб кетди. Менинг ҳам оёғим олти. «Қиёмат кун қўшнидан» деганлар. Шафиулло авлиёларга назр-ниёз қилиб, биттаю битта қизни тилаб-тилаб олган. Уғил бўлганида-ку қирқ кун юртга арақ тортиб... йўқ, ош берарди-я... Начора. Шафиуллонинг таъбири билан айтганда яратган ҳам озгина мурувватини аяпти...

Кеча янги меҳмоннинг бешик тўйи ўтказилди. Тўйда сартарош қатнашмаганини ҳисобга олмаса, дабдабали суннат тўйининг ўзи бўлди. Эрталаб маҳаллага ош берилди. Шафиулло ҳам одамшавандда, тутун чиққан жойдан қолмайдиган йигит эмасми, тўёна деганинг кичик уйга лиқ тўлиб кетди. Эрталаб ошга кирганлар ҳар бири енг учида узатса, бошқаси газетага ўроғлиқ важни Шафиуллонинг ёнида қоғоз-қалам тутган каминага беради. «Қўлтиғида бирор нарса олиб келаётганларга ҳушёр бўлинг,— деб тайинлаган эди менга Шафиулло.— Дарҳол қўлингизни узатиб, аввал важни олинг-да, устига исм-фамилиясини ёзинг, кўришиш қочмайди!..»

Нонуштага жуда кўп одам келди. Ие, не, қаранг, пастки маҳаллаликлар билан Ҳузурбеков ҳам келяпти-ку?! Тавба!.. Унинг бунақа тўйларга юрадиган одати йўқ эди-ку? Қўлтиғида қоғозга ўроғлиқ тўёнаси ҳам бор!

Шоша-пиша икки қўлимни узатдим. Унг қўлим билан кўришиб, чап қўлим билан Ҳузурбековнинг тўёнасига қўл чўздим.

— Э, бу...— деди у тутилиб.

«Шафиуллонинг ўзига бермоқчи шекилли чамаси», деб ўйладим.

— Менга бераверинг! — Қоғозқаламни кўрсатиб, тавозе билан жилмайдим-да, тўёнани тортиб олдим.

Кейинча тўёнага келган тортиқ, туҳфаларни кўздан кечираётиб Шафиулло Ҳузурбековнинг совғасини очиб кўраркан башарасини бурштирди: ҳўл сочиқ, мочалка!..

Айб мен шошқалоқда. Газетага қайта ўраб, Ҳузурбековнинг уйига югурдим.

— Ия, ҳа? Тўёна ўрнига ўтмадими?— деб қаҳ-қаҳ урди у.— Ҳар нарсага қўл узатиб, ёмон ўрганибсиз. Ҳаммомдан келаётувдим...

Абдуғани АБДУҒАФФОРОВ

Ўш

## Телефонда латифа

Голландияда, агар 211—811 рақами билан телефон қилсангиз, ажойиб латифа эшитишингиз мумкин. Ҳар сафар янги латифа тинглайсиз. Агар телефон қоққан одам ҳазилни тушунолмаса, трубкада ўн минутгача қаҳқаҳа янграйди.

## Ҳечдан кўра кеч..

Яқинда Британия парламенти 1667 йили қабул қилинган бир қонунни бекор қилди. Ўша қонунга биноан, об-ҳавони олдиндан айтишга урининган ҳар бир кимса гулханда куйдирилиши керак экан. Энди англиялик метеорологлар ташвишланмаса ҳам бўлади.

**МУҚОВАЛАРДА.**

Биринчи бет: қашқадарёлик меҳнат ветеранлари, пахта далаларининг усталари Евгений Рябов, Саид Ниёзов ва Очил Носиров Ватанимиз пойтахти Москва Қизил Майдонида

**С. БЕЗНОСОВ** фотоси

Иккинчи бет: А. Островский номидаги Театр ва рассомлик институтида таълим олаётган турли миллат йигит-қизлари бир оила фарзандларидек дўст ва иноқ яшамоқдалар. Суратда: студентлардан Жўра Сатторов, Очилқурбон Қурбонова, Дурдона Абдуллаева, Чори Саидов, Ольга Дашевская, Убайдулла Саидалиев.

**Б. МИЗРОХИН** фотоси

Учинчи бет: В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводида пўлат қуйилмоқда.

**Г. ГРАФКИН** фотоси

Тўртинчи бет: тоғларга қор тушди.

**В. ТАРАН** фотоси



# ЧАЙНВОРД

1. Қаҳрамон қалъа. 2. Республика пойтахти. 3. Қирғизистон ва Қозоғистондаги дарё. 4. Узоқ Шарқдаги дарё. 5. Грузин шоири туғилган шаҳар. 6. Обга қуйиладиган дарё. 7. Канин ярим оролидаги шаҳар. 8. Порт. 9. Орол. 10. Республика пойтахти. 11. Двина дарёсининг ирмоғи. 12. Қозоғистондаги шаҳар. 13. Амур областидаги шаҳар. 14. Ярим орол. 15. Олтинга кон дарё. 16. Қирғизистондаги дарё. 17. Карелиядаги кўл. 18. Вичегда дарёси бўйидаги шаҳар. 19. Кострома областидаги шаҳар. 20. Қаҳрамон шаҳар. 21. Ўзбекистондаги дарё. 22. Марказий Европадаги дарё. 23. Денгиз. 24. Азим дарё. 25. Шимолий Кавказдаги шаҳар. 26. Узоқ Шарқдаги шаҳар. 27. Республика пойтахти. 28. Қаҳрамон шаҳар. 29. Лена дарёсининг ирмоғи. 30. Қозоғистондаги шаҳарча. 31. Тожикистондаги дарё. 32. Охота денгизидаги кўрфаз. 33. Шимолдаги орол. 34. Шарқий Сибирдаги шаҳар. 35. Лаптевлар денгизига қуйиладиган дарё. 36. Республика пойтахти. 37. Сибирдаги дарё. 38. Республикамиздаги шаҳар. 39. Узоқ Шарқдаги порт. 40. Уралдаги шаҳар. 41. Қадимий рус шаҳри. 42. Белоруссиядаги шаҳар. 43. Қозоғистондаги дарё. 44. Буюк пойтахт. 45. Закавказьедаги тог.

Тузувчи **Эркин МУЗАФФАРОВ**

Самарқанд

**12-СОНДА БОСИЛГАН ЗАНЖИР КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ**

1. Чанг. 2. Кито. 3. Нота. 4. Арра. 5. Соат. 6. Нота. 7. Амур. 8. Неон. 9. Гана. 10. Олма 11. Ринг. 12. Бокс. 13. Карп. 14. Июнь. 15. Марс. 16. Метр. 17. Лаос. 18. Пеле. 19. Бонн. 20. Ромб. 21. Олча. 22. Уран. 23. Лола. 24. Литр. 25. «Муму». 26. «Сўна». 27. Ғарб. 28. Ноль. 29. Вилт. 30. Диод. 31 Маск. 32. Бром. 33. Неру. 34. Йиртқич. 35. Омон. 36. Юрак. 37. Дефо. 38. Арно. 39. Кюри. 40. Кран. 41. Амал. 42. Лира. 43. Арпа. 44. Парк. 45. Арча.

**Бош редактор — Асқад МУХТОР.**
**Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Уктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН.**

«Гулистон»— общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор **Т. БАҲРОМОВ.**

Техредактор **М. ЕФИМОВА.**

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй, Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35 20, бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь —33-35-90; ижтимоий-сиёсий бўлим —33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмахонага туширилди 13/XII-71 й. Босишга рухсат этилди 17/I-72 й. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ҳажми 4 босма тобоқ Р-09303. Буюртма 1631. Тиражи 182063. Баҳоси 30 т. Нашр. Б-3459.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.